ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 26 ИЮН, № 26 (3182). ЖУМА

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР, АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги бир қатор мамлакатлар — Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезияга қилган сафари ниҳоясига етди. Президентимизнинг бу галги сафари айнан Жанубий Кореядан бошлангани бежиз эмас. Бу ерда Мустақил Ўзбекистон Республикаси Олий даражадаги раҳбарининг Корея республикасига илк ташрифини жуда катта қизиқиш билан кутиб олишди. Қолаверса, бизнинг юртимизда истиқомат қилаётган 200 мингдан ортиқ корейс халқининг тинч-тотув ва ҳамжиҳат яшаётганлиги ана шу сафарга хосиятли таъсир ўтказганини ҳам айтишимиз керак.

Музокаралар якуни сифатида бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ислом Каримов ва Корея республикаси президенти Ро Де У ҳар икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг принциплари тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар. Шунингдек, ўзаро иқтисодий, фан-техника, маданий алоқалар соҳасида бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Малайзияга ташрифи ҳам самарали ўтди. Малайзия Қўшма Штатлари қироли Султон Азланшоҳ Янги Ди-Пертуан Агон IX ҳазрати олийлари ва Ислом Каримовнинг ўзаро мулоқотларида ҳар иккала томон ёш иқтисодчилари ва ишбилармонларининг учрашувлари зарурлиги таъкидланди. Малайзиянинг тутган йўли ва иқтисодиётидаги юксак тараққиёти кўп томонлама мустақил Узбекистон учун ибратли эканлиги айтилди. Бу мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган мукаммал режалар биз учун ҳам намуна бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Индонезияга расмий ташриф жараёнида Ислом Каримов Индонезия президенти Сухарто ҳазрати олийлари билан учрашди. Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик иқтисодий ва савдо, фан-техника ва маданият дипломатик алоқалар ўрнатиш бўйича бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон расмий делегациясининг Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига сафари ҳали совимасдан яна бир муҳим воқеа содир бўлди. 24 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бобокалонимиз Хўжа Аҳмад Яссавий юрти Туркистон шаҳрида Қозоғистон республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашди. Тарихан илдизи бир бўлган икки қўшни халқ давлат раҳбарлари Хўжа Аҳмад Яссавийнинг улуғвор ёдгорлигида халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани бу ерга ташриф буюрган 100 мингдан зиёд аҳоли кўз ўнгида тантанали суратда имзоладилар.

Бундан буён қондош ва жондош бу икки қўшни халқ бугунги кунда зиммаларида турган айни пайтда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам асосланган иқтисодий илм-фан ва маданият, маориф ва ижтимоий соҳадаги барча масалаларни ҳамкор ва мададкор бўлиб ҳал қиладилар.

Ҳожи Абдулла ОРИФ:

ҲАЗРАТ НАВОИЙ ОРЗУ ҚИЛГАН САФАР

Узбекистондан муқаддас ҳаж сафарига йўл олган тўрт мингдан ортиқ мўмин-мусулмонлар ўз она юртларига эсон-омон қайтиб келдилар. Муқаддас Каъбатуллоҳни зиёрат қилиб, ҳожи бўлиб қайтганлар орасида бир гуруҳ ижодкорлар ҳам бор. Улардан бири атоқли шоиримиз, бугунги кунда Ҳожи Абдулла ОРИФдир.

Мухбиримиз Мурод АБДУЛЛА халқимизнинг севимли шоирини муборак ҳаж сафари билан қутлаб, ундан муштарийларимиз учун қуйидаги суҳбатни ёзиб олди.

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм.

Азиз муштарийлар! Хотирангизда бўлса, бундан бир неча ой муқаддам мазкур ҳафталикнинг бир саҳифасида менинг шеърий ҳадисларим чоп этилган эди. Қарангки, аввало ҳадис эгасининг мадади туфайли, Моваро-ун-наҳр мусулмонлари идорасининг марҳамати боис, қолаверса, севимли газетамизнинг нафаси ёқиб, менга ҳам муборак ҳаж йўли очилди. Албатта, мўмин-мусулмон фарзандларига ҳаж сафарининг аҳамиятию моҳиятини тушунтириб ўтириш шарт эмас. Бироқ ҳар қандай сафарнинг ҳам ўз такрорланмас тафсилотлари бўладики, мен улар ҳақида кейинроқ батафсил сўзлаб берарман. Ҳозирча эса Макка ҳамда Мадинада битган шеърларимдан намуналарни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этмоқчиман. Гап шундаки, мен ушбу шеърларни ёзишга маънавий жиҳатдан бир мунча тайёр эдим. У азиз жойларни аввал зиёрат қилмаган бўлсам-да, эътиқоду қизиқишларим ўша тарафларга аллақачон жалб бўлган, дини-исломнинг беқиёс ҳикматлари хаёлимни ишғол этиб улгурган эди.

Маккаи мукаррамага борганимнинг дастлабки кунида Каъбатуллоҳда — Оллоҳ уйи ёнида тунни бедор ўтказиб, тиловат билан бир қаторда байтлар ёза бошладим. Такрор айтамен, мен бу ҳолатга аввалдан бир мунча тайёр бўлганим сабаблими сатрларим ўз-ўзидан қуйилиб келавердилар. Шеърий ҳадисларимнинг барчаси пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом суханлари билан бевосита боғлиқ эди. Мадина шаҳрига бориб, пайғамбаримиз мақбарасини зиёрат қилганимда ҳам менда худди юқоридагидек ҳолат яна юз берди. «Пайғамбар» шеърини ёза бошладим.

Ҳажнинг бир неча фарз ва суннатлари бор. Ҳаж одатдаги зиёрат, яъни умрадан фарқ қилади. Уларнинг тафсилотларини ҳозир санаб ўтирмайман. Айтиш керакки, ушбу шартларни тўлиғича адо этиш ниҳоятда машаққатли жараёндир. Айниқса, бир неча миллион зиёратчилар жазирама офтоб остида жам бўлган шароитда, ҳатто жон сақлаш ҳам амримаҳол бўлиб қолади. Менинг бу гапларим зинҳор-базинҳор ҳасрат ёхуд нолиш эмас, Ҳажга ҳар ким ўз ихтиёри билан боргусидир. Нолиган одам ўзидан кўрсин. Бундан ташқари, Ҳақ йўли, унинг висолига етишмоқ осонгина кечадиган саёҳат эмас. Мумтоз шоирларимиз «Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас» деганларида худди ана шу машаққатларни кўзда тутганлар.

Бир замонлар боболаримиз Маккатуллоҳга етиб боргунча от ва туяларда ойлаб йўл босганлар, кўплари ўша ёқларда жаннати бўлиб қолиб кетганлар. Ҳозир эса тайёра бор-йўғи олти соатда сизни Жиддага элтиб ташлайди. Барибир машаққатлар ўзига хос равишда такрорланавераді.

Маккатуллоҳда баъзи бировлар балки самимият билан, балки қувлик билан «Ёзувчилар бу сафарга нечук жазм қилиб қолдилар?» деган сўроқни ҳам беришди. Аввало, ҳаж сафари ҳар кимнинг ўз шахсий иймон-эътиқоди йўлидир. Мен уларга тағин қуйидаги масалани ҳам келтирдим: жаҳон шоирларининг пешвоси ҳазрат Алишер Навоий бобомиз бир неча маротаба ҳаж сафарига отланганлар, карвон тайёр ҳам бўлган. Бироқ турли сабабларга кўра Навоий бобомизга бу қутлуғ сафар насиб этмаган. Улуғ шоир Маккада ҳатто абадий макон топишни орзу ҳам қилган эканлар. Ҳаж сафари Алишер Навоий учун охират армони бўлиб қолиб кетган.

Улуғ Алишер ушбу армонларини қоғозга тушириб «Арбаин ҳадис» — қирқ ҳадисни иншо этганлар. Ахир, беқиёс тулпорлар орзу қилган манзилларга тойчоқлар нечун талпинмасинлар?

Ўйлайманки, озодлик, истиқлол йўли ҳаж тарафларга ҳам кенг очилдики, бунинг учун мустақил Ўзбекистонимизнинг йўлбошчиларига, айни вақтда, Моваро-ун-наҳр мусулмонлари раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни айтаман. Албатта, бизнинг сафар харажатларимизни (бошпана, овқат, транспорт) енгиллаштирган Саудия Арабистони подшосига ҳам раҳмат. Араб биродарларимизнинг самимий эътироф этишларича, юқоридаги саховатнинг катта сабабларидан бири бизнинг Исмоил Бухорий ҳазратларининг набираларидан эканлигимиздир. Ўйлайманки, кейинги ҳаж сафарларида тартиб-интизом, уюшқоқлик, ҳожилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик тағин ҳам кучаяр.

Бир давлатдан иккинчи давлатга сафар қилганда турли ҳужжатбозликлар бўлиши табиий. Улар кўпинча кишини толиқтиради, ғашига тегади. Бироқ мамнуният билан шуни қайд этиш лозимки, ҳаждан қайтган ҳожиларимиз учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси, албатта, ҳукумат ташаббуси билан бўлса керак, қулай шарт-шароитлар яратибди. Паспортларимизни, божхона ҳужжатларини тайёрада учиб келаётган вақтимиздаёқ тезликда расмийлаштирдилар, тайёрагоҳга қўнганимизда биз ҳеч қандай навбат, ур-сурларсиз уй-уйларимизга эркин қушлардек тарқалдик. Бу манзарани мен Ўзбекистон заминида биринчи кўришим. Ахир, шундай қулайликлар ҳам яратиш мумкин экан-ку. Мутасаддиларнинг отасига раҳмат!

Сафарда кўрган-кечирганларимиз, таассуротларимиз ниҳоятда мўл. Улардан биттасини қарз гап сифатида айтиб ўтай. Маълумки, бир гуруҳ зиёлилар Бобур қадамжолари бўйлаб машинада халқаро экспедиция сафарига чиқишган эди. Улар ҳам Маккага етиб боришди. Биз билан биргаликда ҳаж арконларини адо этиб, ҳожи бўлиб олишди. Йироқ мамлакатда юз минглаб одамлар орасида ўша сафар иштирокчиси истеъдодли ёзувчи укам Хайриддин Султонни кўриб ғоятда қувониб кетдим. Экспедиция аъзолари ўзларининг соғу саломат эканликларини барча оила аъзоларига, юртдошларга етказишимизни илтимос қилдилар. Экспедициянинг сафари давом этади. Айтишларича, улар энди Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Хитой давлатлари томон йўл оладилар. Ўзбекистон тарихида бундоқ хайрли ва ўзига хос илмий сафар ғоят ноёбдир. Унинг ўзи бир тарих бўлиб, кечмишимизда ўчмас ҳарфлар билан ёзилиб қолишига ишонаман. Хайриддин ва унинг дўстларининг қаламларига барака тилайман.

Сўзимни тугатар эканман, айни чоқда, биз билан сафардош бўлган барча каттаю кичик ҳожиларга «Илоё ҳажларингиз қабул этилган бўлсин», дейман. Мустаҳкам соғу саломатлик тилайман. Ҳожилик мақоми ушбу унвонни ортмоқлаб маҳаллаю қишлоқларда солланиб юриш эмас. Ахлоқу одоб, сабру матонат, юксак ишонч, эътиқод ва иймон ҳақидаги самимий маърузалар ҳожиларимизнинг кундалик фаолиятларини безаб турмоғи шарт.

Куйидаги шеърларим ҳаж сафарининг баъзи нуқталарини акс эттиради. Дафтаримда ҳали уларнинг давоми бор.

МУХБИРДАН: Ҳожи Абдулла ОРИФ эртага барча дўсту биродарларини муборак ҳаж якунлангани муносабати билан наҳорги дастурхонга такриф қиладилар. (Дархон бекати, «Дархон» чойхонаси).

ХАЛҚ СУЙГАН ВАЗИР

Покистон Ислом республикаси бош вазири Навоз Шарифнинг Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан

Навоз Шариф 1949 йилнинг 25 декабрида Лаҳорда туғилган. Мустақиллик даврининг миллий руҳда тарбияланган навқирон авлодларидан ҳисобланади. Унда халқнинг миллий ва маънавий қадриятларига садоқат туйғулари ғоят чексиздир. У халқини бутун вужуди билан севади, келажак умидлари рўёбга чиқишига чин-дилдан ишонади.

Навоз Шариф Лаҳордаги Ислом Академияси ташкилотчиларидан биридир. Академия тингловчилари диний таълим билан бирга дунёвий илмлардан ҳам сабоқ оладилар. Шу ердаги машҳур меҳр-шафқат хастахонаси Навоз Шариф оиласи маблағига қурилган. Навоз Шариф истеъдодли талабаларга, етим-есирларга, бева-бечораларга, диний ва хайрия ташкилотларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатади.

У миллий-сиёсий майдонга чиқишдан аввал мамлакатнинг энг йирик вилояти бўлмиш Панжобда молия вазири, кейинги 9 йил ичида эса бош вазир лавозимида ишлаган. Бу йиллар ичида вилоят ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз берди. Халқнинг турмуш даражаси бироз бўлса-да яхшиланди, вилоятда тартиб-интизом кучайди. 700 мингдан ортиқ катта-кичик ер участкалари уй-жойсиз камбағал бечораларга бўлиб берилди. 5 йил ичида Навоз Шариф ҳукумати учта меҳнат ислоҳотларини муваффақият билан ўтказди.

Муҳаммад Навоз Шариф 1990 йилнинг кузида Покистоннинг бош вазири этиб тайинланган. Одатда бундай юксак лавозимлар таниқли ва машҳур сулолаларнинг вакилларига насиб этар, сиёсий арбобларнинг оилавий келиб чиқиши ҳам муҳим аҳамият касб этар эди.

Навоз Шариф сиёсий майдонда узоқ йиллардан бери ҳукм суриб келаётган бу анъанага ўзига хос тузатиш киритди. У мамлакат миллий сиёсатини белгилашда оддий халқ фикрига таянишни, унинг эҳтиёжларига қулоқ тутишни афзал кўрди. У бошқа кўпчилик арбоблар қатори олий табақалар, нуфузли доиралар манфаатлари йўлидан бориши, ҳузур-ҳаловатини ўйлаши мумкин эди. Аммо бундай қилмади. Янги бош вазир мамлакатда тинчлик ва тотувликка эришиш, сиёсий майдондаги тарқоқлик ва гуруҳбозликларга барҳам бериш, ночор халқ аҳволини яхшилашни ўз олдига ниият қилиб қўйди.

Халқ бу ниятнинг самимийлигига ишонди. Қисқа вақт ичида Навоз Шариф катта ишончга сазовор бўлди. Чунки унинг сўзи ва иши бир эканлигини кўпчилик кўриб турарди.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаолият кўрсатаётган турли партиялар, гуруҳлар ва фракциялар раҳбарларини бир дунёқараш йўлида бирлаштириш мушкул иш. Буни вазир жаноблари яхши билади. Аммо шу нарса ҳам аёнки, миллат ва мамлакат равнақи ҳаққи, гина-кудуратлар, шахсий адоватларни бир четга суриб қўйиб, ягона мақсад йўлида биргалашиб харакат қилиш ҳам мумкин.

Навоз Шариф айни шу йўлдан борди. Натижада қарашлардаги маҳаллийчилик, табақачилик тушунчалари ҳудуди ортда қолиб, ягона умуммиллий манфаат майдони юзага келди. Яқин-яқингача бир-бирлари билан ошкора нифоқлашиб келаётган сиёсий кучлар бош вазирнинг зукко раҳбарлиги ва ташкилотчилиги асосида Ислом демократик иттифоқига бирлашдилар. Сиёсий майдонда ошкора конфронтация йўли барҳам топди. (Ўргансак арзийдиган тажриба). Бу йўлни ҳамон давом эттираётганларни эса халқнинг ўзи рад этмоқда.

Бош вазир ташқи сиёсат борасида мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, янги дўстлар орттириш йўлини танлади. Лавозимига якдиллик билан сайланганлиги унга бу борада қатъий ва кескин ҳаракат қилиш имконини беради.

Навоз Шариф ўз ўтмишдошларига нисбатан талабчан, фидойи, миллат манфаатларини ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қила оладиган раҳбардир. Уни чалғитиш деярли мумкин эмас. Бош вазирдаги бу фазилатлар мураккаб шароитларда, тазйиқлар пайтида, айниқса яққол намоён бўлади. Шу боис Покистон халқи уни севади, ҳурмат бажо келтиради.

Бош вазир мамлакат иқтисоди билан жиддий шуғулланади. Унинг мақсади мамлакат экономикасини чет эл ёрдамига муҳтожликдан ва мана шу ёрдам туфайли содир бўлган қарамликдан (биз ҳам огоҳ бўлайлик) имкон борича халос этишдир.

Навоз Шариф иродаси мустаҳкам, ваъдасига вафодор инсон. У ўзи билан мулоқотда бўлган киши қалбида ёруғ таассурот қолдиради. Атрофидаги одамларни зукколик билан танлайди ва уларга ишонади. Ишончли дўстлар эса унга ҳамиша содиқдирлар.

Ўзбекистон халқи жаноб Муҳаммад Навоз Шарифнинг юртимизга ташрифини мамнунлик билан кутиб олмоқдалар. Бу визит ҳар иккала мамлакатни, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиради, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кучайтиради, деб умид билдирамиз.

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» МУҲАРРИРИЯТИГА

Узоқ йиллар хорижда яшаб, ниҳоят азиз она Ватанга зиёрат этмакка эришдим. Шу вақтда мустақил ҳафталигингиз саҳифасидан менинг ҳақимда ёзув ва шеърларимга ўрин берганингиз учун самимий миннатдорчилигимни билдираман. Жумҳуриятнинг бир қатор ойлик мажмуаларига ва рўзномаларига, ойнаижаҳон ва радиосига ҳам Сиз орқали ўзимнинг қалбий ташаккурларимни изҳор этаман. Айни вақтда Адлия ва ташқи ишлар вазирликларига, илмий, маданий, таълим муассасалари, муҳтарам зотлар, дўстларга ҳам менга кўрсатган яқинлик ва ҳурмат-эҳтиромлари учун, ҳар бирига алоҳида миннатдорчилигимни билдирмак имкониятига эришолмаганим учун Сиз улуғ ҳафталик орқали ўзимнинг ва оилам аъзоларининг чексиз ташаккурларимизни йўллаймиз.

Ҳурмат ва эҳтиром билан Эргаш ШЕРМАТ (БУЛОҚ БОШИ)

Америка Қўшма Штатлари, Виенна шаҳри.

ЭКОЛОГИЯ ОЙНАСИ

ЗАРАРНИ ТЎЛАБ ҚЎЙИШСИН

Туркистон ҳарбий қўмондонлиги тугатилди. Туркистон халқларининг азалий орзуси ушалиб, ўз миллий жанговар қўшинига эга бўлди. Мени бир нарса кўп вақтлардан бери қийнайди. Литва ва умуман Болтиқбўйи жумҳуриятлари собиқ Шўро армиясининг шу жумҳуриятлардаги экологик зарарлари тўғрисида бутун дунёга жар солиб, зарарларни пул билан тўлашни талаб қиляпти. Нима учун Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва умуман Ўзбекистон ҳукумати Туркистон ҳарбий қўмондонлигининг Ўзбекистон табиатига ва ҳайвонот дунёсига келтирган зарари тўғрисида лом-мим демаяпти?

Жумҳуриятимизнинг кўпгина жаннатмакон, доривор ўсимликлар ва ноёб ҳайвонот дунёсига бой туманларида бу қўмондонликнинг кўплаб овчилик, асаларичилик ва бошқа «кўнгилочар» хўжаликлари «уя» қуриб олган. Ўзбекистондаги ҳайвонот дунёсининг ноёб вакиллари бўлмиш кийик, жайрон, каклик, бедана ва бошқа жонзотларининг камайиб кетишида бу қўмондонликнинг ҳам «муносиб» улуши бордир. Улар табиатимизни вайрон қилиб, индамай жуфтини «ростлаб» қолаверадиларми?

Туркистон днёрининг бой табиатини келажак авлодга бешикаст етказиш масъулиятини тўла ҳис этган ҳолда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг мутасадди раҳбарлари юқоридагиларни инобатга олиб, комиссия тузиб, қўмондонлик хўжаликларида тафтиш ўтказишса ва ишнинг қанчалик даражада эканлигини текшириб, лозим бўлса қўмондонликка керакли миқдорда жарима солишса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳасан ШУКУРОВ, Ўзбекистон «Кимё» концернининг муҳандиси

ИМПЕРИЯЧИЛИК ВАСВАСАСИ

Ўтган 10—15 кун орасида МДҲнинг сиёсий саҳнасида айтилган бир қатор мазмунан эски, шаклан янгича луқмаларнинг гувоҳи бўлдик. Улар орасида, айниқса Русия раҳбарларининг, хусусан президент Елсин, ташқи ишлар вазири А. Козирев ва мудофаа министри генерал Грачевнинг оғзидан учирма бўлган гап-сўзлар Москвада ҳали ҳам империячилик дастғоҳи тўхтамаганлигидан, ўрис қардошларимиз эгардан тушсалар-да, лекин узангидан тушмаганликларини кўрсатиб турибди. Жумладан, генерал Грачев ўзининг АҚШга ташрифи олдидан берган матбуот конференцияси пайтида шундай деди: Мен илгари ҳам бир неча марта айтганман, мабодо, бironта жумҳуриятда, нафақат Чечениядa, ўрис аҳолисининг ғурури ерга урилади ган бўлса, мен қўлимдан келган барча чораларни кўраман, ҳатто, қўшин ҳам киритаман...

Ташқи ишлар вазири А. Козирев эса «Комсомольская правда» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатида (Бу ҳақда «ЎзАСнинг 25-сонида таҳририят ўз фикрини билдирди): «Бордию ўрис аҳолисининг (ташқарида яшовчи ўрис миллати назарда тутилмоқда — **муаллиф**) бирон-бир оммасига, айтайлик, бирон-бир мамлакатнинг армияси қарши қўйиладиган бўлса — ҳозирча бундай гап йўқ — унда биз куч ишлатиш йўлига, санкциялар ва ҳоказоларга ўтамиз...» деб айтди.

Президент Елсиннинг Русия федерацияси чегаралани мустаҳкамлаш хусусидаги қарори эса шундай асосланади: МДҲ даги баъзи жумҳуриятлар, энг аввало, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ўз ҳудудига ташриф қоғозисиз кириб чиқиш ҳақидаги қонунлари билан Русия территориясига кўплаб жиноятчиларнинг боришига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолга Русия чегарасига чегарачилар қўйилиб, барҳам берилиши керак...

Русия раҳбарларининг бундай таҳдидлари, албатта, биз учун янгилик эмас. Зотан, XX асрнинг буюк алломаларидан бири Аҳмад Заки Валидий жуда тўғри таъкидлагандек, Русия Ўрта турк элига (Туркистонга — **муаллиф**), олайлик Ҳиндистондаги инглизлардек, ўз сиёсий ва иқтисодий мавқеи, муҳофазаси учун мустамлакадаги бойликларни ўзлаштириш ва одамларни ишлатиш фикри билангина келган эмас; у бу ерга ерли миллат бўлмоқ ва нуфус жиҳатидан ҳам кўпчиликни ташкил қилмоқ мақсади билан келган.

Бугун Русиянинг янги раҳбарлари ўша бир замонлар қурол билан келиб «Ўтроқлашиб» қолган этник русларни қурол билан (?) ҳимоя қилмоқчилар. Бундай таҳдидлар бундан 130 йил илгари амалга оширилган мустамлака сиёсатининг давомидир. Ўзларини ерли миллат деб билаётган ва айрим жойларда нуфус жиҳатидан кўпчиликни ташкил этувчи этник ўрис аҳолиси албатта, бундай мустамлака сиёсатининг давом этишидан манфаатдор. Ҳатто ўшандай таҳдидларнинг амалга ошиши учун кимдир иғвогарлик қилмаслигига ҳам ҳеч ким кафолат бера олмайди. Вазият шу даражада мураккаб.

Ана шундай бир пайтда бизни бир нарса — юқоридаги каби таҳдидларга мустақил Ўзбекистон ҳукуматининг бирон-бир муносабат билдирмагани ташвишга солади. Агар юқоридаги гапларни Руцкой каби ўзининг шовинистик қарашлари билан кўпчиликнинг назаридан қолган кишилар айтганда, бу тушунарли эди. Аммо таҳдидлар тасаррўфида тиш тирноғигача қуролланган катта бир армияси бор сиёсатчилар томонидан айтилаётгани ўзбек халқини ташвишга солмасдан иложи йўқ. Турли баҳоналарни рўкач қилиб, мустақил давлатларга дўқ-пўписа қилманг, жаноблар. Дўқ-пўписа замонлари ўтиб кетган!

Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири

Таниқли ёзувчи, атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов кўп вақт Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раҳбари бўлиб ишлаган эди. У умрининг охиригача Ёзувчилар уюшмаси билан чамбарчас алоқада бўлди, адабиётимизга ва унинг уюшмаси ишига амалий кўмак бериб турди. Шуларнинг бири бугун сиз кўриб турган кўркам бинодир.

Шароф Рашидов бу бинонинг лойиҳасини атайлаб Киевдан олдириб келган, Тошкентнинг сўлим ери — Анҳор соҳилидан жой танлаган, бюжетдан пул ажратиб қурилиш режасига киритиб, ўзи бошлаган қурилишнинг пойдеворига биринчи ғиштни қўйган эди. Бу бино ўзбек адабиётининг штаби бўлади, маданиятимиз ривожига хизмат этади, деб умид боғлаганди Шароф ака. Ёзувчиларга аталган бино, мана, ниҳоят тикланди ва у бугун Шароф Рашидовдан адабиётга муносиб ёдгорлик сифатида салобат тўкиб турибди.

ДИЛАФРЎЗГА ТЎРТ ОШИҚ

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида таниқли татар драматурги Тўфон Миннуллиннинг «Дилафрўзга тўрт ошиқ» комедияси асосида саҳнага қўйилган спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди. Асарга татар композитори Ҳуснул Валиуллин ҳамда Ўзбекистон халқ артисти, театрнинг бош дирижёри Наби Халилов куй басталаганлар. Асарни Маъруф Отажонов саҳнага қўйди. Спектаклга режиссёр Аҳад Фармонов бадиий раҳбарлик қилди. Саҳна безакларини рассом Собир Бекматов ишлаган.

Бугунги кун ёшларининг беғубор ишқ-муҳаббати билан боғлиқ қувноқ саргузаштлар асосига қурилган мазкур комедиядаги асосий ролларни театрнинг ёш актёрларидан Гулчеҳра Мирзажонова, Ҳамид Тўхтаев, Алишер Отабоев, Гулчеҳра Обидова, Абдушоир Салимов, Мақсуда Отажонова,

Турсунбой Пиржонов, Тоҳир Раҳимов ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Ғулом НАБИЕВ

ОМОНАТГА ХИЁНАТ БЎЛМАСИН

ЯҚИНДА ШОКИРЖОН ДЕГАН ошнам нолиб қолди:

— Мамарайимни туппа-тузук одам десам, ғирт юлармон экан.

— Наҳотки?!

— Ҳа-да! Бўлмаса, беш йил илгари олган икки минг сўм қарзи учун бугун икки минг сўм берармиди!..)

— Ахир, Мамарайим қанча қарз олган бўлса, ўшанча пулни кам-кўстсиз қайтарибди-ку. Нега уни ҳақорат қиласиз? Ё қарзни қўшимча фоизи билан қайтаришига келишганмидинглар? — дедим ажабланиб.

— Йўқ. Мен унга дўст сифатида шунчаки қарз берувдим. Лекин шу пулимни омонат жамғармасига топширганимда, йилига уч фоиздан бўлса ҳам уч юз сўм, қирқ фоизли тўлови учун яна саккиз юз сўм — жами 1100 сўмга ошарди. Аммо мен Мамарайимдан буларни талаб қилаётганим йўқ.

— Бўлмаса, нима истайсиз?

— Инсоф! У қарз сўраб келганида ўғлимни уйлантирсам, асқотиб қолар деб боқаётган икки новвосимни сотиб, пулини берган эдим. У бўлса бор-йўғи йигирма килоча тош босадиган қўйнинг пулини бериб, қарзидан қутулиб олди...

Ўйлаб қарасам, бу можарода қар икки томон ҳам ўзича ҳақ. Айни чоғда қарз берувчининг қуюнганича бор. Негаки, у икки новвоснинг пулини бериб ўрнига бир қўзичоқнинг қийматини ололган, холос. Аммо иккинчи томон ҳам ўзича тўғри иш қилган: қанча қарз олган бўлса, ўшанча қайтарган. Хўш, унда ким айбдор?

Бу саволга ҳеч иккиланмай энг аввало собиқ СССР ҳукмдори — қизил империя давлати деб жавоб бериш мумкин. Бу ебтўймас давлат ўта ғирром, юлармон бўлиб, унинг, айниқса, ички пул сиёсати ғоят маккорлик асосида қурилганди. У изидаги жумҳуриятларнинг барча бойликларини ўзи чиқарган қоғоз пулларга сотиб олар ва ҳар ўн бешйигирма йилда бир бор «пул ислоҳоти» ўтказиб, ҳаммани чув туширар эди. Одамлар, миллий анъаналарини ҳисобга олганда, айниқса, Ўрта Осиё халқлари ўн йиллаб ишлаб йиққан пуллари ҳазонга айланганидан бош чангаллаб қолаверарди. Далил учун 1947, 1961 йилларидаги пул ислоҳотини эслаш кифоя.

Ўрни келганда, 1991 йилги 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириш сиёсатига ҳам тўхталайлик. Сиртдан қараганда, бу иш гўё махфиядаги пулларни хазон қилишга қаратилган эди. Аслида эса махфия ислоҳот бошланмасдан бир ярим-икки ой олдинроқ бу хил пулларни алмаштириб олганди. «Аргументы и факты» рўзномасининг ёзишича, Русияда ислоҳотдан икки, икки ярим ой олдиноқ эски пулларни янгисига алмаштириш бошланган. Яна бошқа манбалардан олинган маълумотларга кўра, 1991 йилнинг январь ойига келиб Москвадаги Давлат кассаларида фақат 50 ва 100 сўмлик пуллар йиғилиб қолган. Ҳатто, ишчиларга маош бериш учун ҳам майда пул топилмаган. Бироқ бу «оламшумул» воқеалардан маҳаллий халқлар ой туйнукка келганда хабардор бўлдилар. Баъзилар пул алмашиши ҳақидаги хабарни эшитмай ҳам қолдилар. Оқибатда биров тўйга, биров ўлимлигига, яна бошқа биров қиммат-баҳо буюм сотиб олишга йиққан маблағидан айрилиб қолди. Марказда яшовчилар эса биздан анча илгари сўмнинг шу қадар қадрсизланишини яхши билишган. Шунинг учун ҳам чор атрофга ёйилиб, товар сотиб олишни авж олдириб юборишдилар. Миллий республикаларидагилар эса маҳсулотларини Русиядек буюк жумҳурият сотиб олаётганлигидан хурсанд бўлиб, борини йиғиштириб беришди. Пештахталар бўшаб бўлгач, Москвадан нарх-навони осмон қадар кўтариш ҳақида кетма-кет қарорлар чиқа бошлади. Шу тариқа пулларини товарга алмаштириб олганлар ютишди, бор товарларини пуллаганлар эса яна бир бор ютқазишди.

Бундан ваҳимага тушган ҳушёр одамлар кеч бўлса ҳам жамғармаларини товарга алмаштириб қўйиш ҳаракатига тушдилар. Шунда жумҳуриятимиз мутасаддилари о нан жаҳон, радио ва матбуот минбаридан туриб аҳолига саросимага тушмасликни, жамғармаларини омонат кассаларида сақлашни, шундай қилинса, уни албатта давлат муҳофаза этишини уқтирдилар. Ҳалол меҳнат билан пул топган содда одамлар бу гапга лаққа ишондилар. Бироқ осон пул топувчи устомонлар жамғармаларини товарга алмаштиришни давом эттирдилар ва тўғри қилдилар. Бугун улар қўлида тўпланган товарларнинг қиймати ўн-ўн беш, ҳатто, эллик-юз баравар ошди. Омонат кассалардаги пуллар қадри эса бир неча бараварга тушиб кетди. Ана шу боис ўғлимни уйлантирсам ишлатарман, деб йиққан ўн минг сўмини

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

омонат кассасига топширган танишимнинг ҳасратидан чанг чиқади. Негаки, жамғармасини кассага топширган пайтида унга бемалол битта «09» маркали «Жигули» автомашинаси сотиб олиши мумкин эди. Энди эса ўша маблағга машина у ёқда турсин, тўртта резина ғилдирагини ҳам харид қилиб бўлмайди.

Айни пайтда «Пул топдингми, товар сотиб ол» шиори оғиздан тушмай қолди. Пулдор одамлар ҳатто ҳали туғилмаган неваралари учун ҳам мебелдан тортиб гиламу идиш-товоққача олиб қўймоқдалар. Натижада шундоқ ҳам тўлдириш қийин бўлган бозор бўшаб қолмоқда.

ШУБҲА ЙЎҚКИ, ЖУМҲУРИЯТИМИЗ бозоридаги товарларнинг каттагина қисмини бошқа жумҳуриятликлар (эндиликда чет элликлар) сотиб олиб кетишмоқда. Уларнинг давлати ҳам бунга катта имконият яратиб бермоқда. Мисол учун, Русияни олайлик. У аввало ўзидаги товарлар нархини бошқа жумҳуриятлардагига нисбатан анча кўп оширди. (Демак, энди у четга сотиб олиб кетилмайди). Кейин эса фуқаролари маошини биздагига нисбатан анча кўпроқ қилиб белгилади. Бизда эса аксинча бўлди. Маош жуда кам оширилди, товар нархи ҳам бошқа жумҳуриятлардагига нисбатан арзон тутиб турилди. Табийки, бундай шароитда товар бойликларимиз ҳисобига четдан катта-катта қадрсиз қоғоз пуллар оқиб кира бошлади. Албатта, бунга томошабин бўлиб турилмади. Гарчи, бир оз кеч бўлса-да, купонлар жорий этилди. Бу жумҳуриятимиздан товар ташиб кетилишини бирмунча чеклади. Бироқ кутилган натижани бермади. Талонга олинадиган зарур эҳтиёж моллларига аранг пул топаётган фуқароларимиз ўзларига бериладиган купонларни «купон бозорлари»га олиб чиқиб сота бошладилар. Ўзбек купони хор бўлди.

Бундан тегишли сабоқ чиқарган мутахассисларимиз йилнинг иккинчи ярми учун чиқарилган купонлар муомаласида бир қатор янгиликлар жорий қилдилар. Энди уларни сотиш ва сотиб олиш бирмунча қийин. Аммо барибир бир савол кишини ўйлантириб қўяди: наҳотки, товар бойликларимиз ҳисобига юртимизга келаётган қадрсиз пул оқимини тўхтатишнинг бошқа иложи бўлмаса?. Бор. Бу ўз миллий пулимизни чиқариб, муомалага киритишдир. Шундагина мустақил жумҳуриятимизда аҳвол яхшиланади. Акс ҳолда, бойликларимиз четга чиқиб кетаверади, бозоримиз тўлмайди, нарх-наво арзонлашмайди.

Ҳозир Ўзбекистонда нарх-наво шимолий жумҳуриятлардагига нисбатан анча арзон дейишади. Сиртдан қараганда, ростдан ҳам шундай. Лекин фуқароларимизнинг олаётган маошлари уларникидан бир неча баробар камлигини, нарх-наво арзонлигини ҳисобга олсак, бизда нисбатан қимматчилик мажудлиги маълум бўлади. Бу ҳолат яна шимолликлар ҳчун жумҳуриятимиз арзон товарлар мамлакати бўлиб қолишига олиб келмоқда. Яқинда русиялик бир шахтёр уч ойлик маоши билан Ўзбекистонга келибди ва бу ердаги нархнавони кўриб, товар сотиб олишга ружу қилибди. «Ҳой, оғайни, буларни чегарадан қандай олиб ўтасиз, ахир божхона бор-ку», дейишса, аллақанча пулни у чўнтагидан олиб, бунисига солибди-да, «Мана шу чегаранинг калити бўлади», дебди...

Ўринли савол туғилади: Ўзбекистонда ҳам нарх-наво оширилиб, маошлар ўшанга яраша кўпайтирилса бўлмайдими? Бўлади. Аммо бунинг учун қоғоз пул қани? Собиқ Иттифоққа тегишли пул чиқариш корхоналарини Русия ўзиники қилиб олган. Бизда эса пул чиқаришга ҳозирча имконият йўқ. Демак, пул чиқариш ва маош оширишда русияликлар билан пойга ўйнай олмаймиз. Бироқ қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор, деганларидек, русияликлар бизнинг имкониятларимиз билан ҳисоблашишни хаёлларига ҳам келтираётганлари йўқ. Аксинча, ўз мамлакатлари манфаатларини ўйлаб, пул чиқаришни ҳамон авж олдирмоқдалар. Улар ҳозир кунига 1 миллиард сўмдан пул чиқараяптиларки, у собиқ Иттифоқ таркибига кирган мамлакатлардаги аҳволни кундан-кунга мушкуллаштирмоқда. Бизнингча, бу атайлаб қилинаётган иш-дир. Бу, биринчидан, собиқ Иттифоқ жумҳуриятларининг товар бойликларини Русияга оқиб ўтишини таъминласа, иккинчидан, давлатни ҳад-ҳисобсиз ички қарзидан анча халос этади. Қандай қилиб, дейсизми? Аввало, амалда содир бўлаётганидек, атайлаб пул роса қадрсизлантирилади. Кейин эса, тахминимизча, 1961 йилги пул ислоҳотидаги каби эски пулнинг ҳар ўн, эҳтимол, ҳар йигирма сўмига бир сўмдан янги пул алмаштирилади. Натижада давлатнинг қарзи ўн-йигирма баробарга камаяди. Одамлар эса Мамарайимга қарз бериб жиғибийрон бўлган Шокиржонга ўхшаб чув тушиб қолавериша.

Биз бунга бефарқ қарамаслигимиз керак. Йўқса, эндигина атак-чечак қилаётган мустақил давлатимиз халқнинг ишончидан маҳрум бўлиб қолади.

Амалдаги пул хазонга айланиб бўлди ҳисоб. Эндиликда одамларда сўмга ишонч қолмади. Бир қатор ўлкаларда бу пулга маҳсулот сотиш тақиқланмоқда. Ўрнига худди ибтидоий жамоалардагидек товарга товар айирбошлаш урф бўлмоқда. Бундай ҳолат жамиятни тараққиётдан тўхтатади, фуқароларда меҳнатга бўлган қизиқишни сусайтиради. «Ишлаб пул жамғарсаму (сотиб олишга ҳеч вақо йўқ, бори ҳам ўта қиммат), янгисига алмаштиролмай қолсам, нима қиламан? Яхшиси, ҳозирча бир кунимни кўриб турай, Ўзбекистоннинг ўз пули чиқса, кейин ишларман», дегувчилар, маҳсулотларини бозорга чиқармай қўлларида анчадан бери сақлаб, зарар кўраётган одамлар қанчадан-қанча. Собиқ иттифоққа кирган бир қатор мамлакатлар аҳволни чуқур таҳлил этиб ўз пулларини ишлаб чиқиш, муомалага киритиш арафасида турибдилар. Бизда ҳам бу борада маълум ишлар қилинмоқда. Демак, Ўзбекистоннинг ўз пули чиқади. Лекин эски пулларни янгисига алмаштиришда ниҳоятда адолатли йўл тутиш керак. Фикримизча, омонат кассаларидаги пул қўйилган пайтдаги қадрига қараб янгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Айтайлик, бир киши кассага 1989 йилда 10 минг сўм қўйган эди. Ўша пайтда унга қанча товар олиш мумкинлигини ҳисобга олиб, янги пулга алмаштириш керак. Агар ҳозирги қадрсиз пул ўлчови билан алмаштирилса, давлат омонатга хиёнат қилган бўлади.

ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН БУ ТАДБИР аслида жаҳон мамлакатлари тажрибасида анчадан бери қўлланилади. Яқин-яқингача биз капиталистик давлатлар деб атаётган томонларда пул алмаштириш бозорга, маҳсулот қийматига қараб ҳатто бир кунда икки хил ўлчов билан амалга оширилади. Акс ҳолда, ҳеч ким давлатга ишонмайди, тўпган пулини омонат кассаларида сақламайди.

Бундан ташқари, бизда пул алмаштириш ўлчамлари Русияникига тўғри келмайди. Сабаби — бир хил меҳнат учун уларда Ўзбекистондагига нисбатан бир неча баробар кўп ҳақ тўланмоқда. Бу яқинлашиб келаётган пул ислоҳотини етти ўлчаб бир кесиш тарзида амалга ошириш лозимлигини тақозо этади.

Мурод КАЛОНХОНОВ

МУҲАРРИРГА **мактублар**

Мирпўлат МИРЗО

КАМБАҒАЛНИНГ ТЎЙИ

Юртимиз аҳли бу йилги ёзни катта илҳақлик билан кутди. Чунки ёз азалдан ўзбек учун дуркунликнинг, бамисоли тўй файзиёблигининг рамзи бўлгувчи эди. Аммо бу йилгиси бошқача келди. Бозор иқтисодиётининг биринчи ёзи — пишиқчилик даври анвойи тўй саховатини эмас, қашшоқликдан энка-тинкаси қуриган шўрлик камбағалнинг ҳимматини эслатди.

Камбағал тўй қилганда унинг куюнчак дўстлари дастурхонга камроқ одам таклиф қилишни маслаҳат бередилар ва шунинг тадорикини кўрадилар. Шунда тўй тўйинроқ, дастурхон баракалироқ кўринади, тўйбоши хижолатдан ерга қараб қолмайди.

Мени яқинда Москва телевидениесининг биринчи дастуридан намойиш қилинувчи «Утро» кўрсатувидаги телемухбиримиз Мухтор Ғаниевнинг чиқиши ажаблантирди. Унда М. Ғаниев хўжалик далалари биридан лавҳа кўрсата туриб, юртимиздаги мевачевалар тўкинлиги ва арзончилик ҳақида шу қадар завқшавқ, мароқ билан гапирдики, буни кўраётган собиқ Иттифоқдаги оч-наҳор телетомошабинларнинг кўзи ўйнаб, оғизларидан сув оққан бўлса, ажаб эмас. Беихтиёр бир зумга ўйга толасан киши: ҳақиқатан ҳам бизда шунақа арзончиликми?

Тўғри, баъзан Марказий телевидение турли шаҳарлардаги меваларнинг нарх-наволари ҳақида рақамлар кўрсатиб қолади. Лекин ўша шаҳарлардаги ўртача мояна ҳақида сира чурқ этмайди. Агар бу ҳақда ҳам рақамлар ошкор қилинганда эди, Тошкент бозоридаги нархларнинг ўртача моянага нисбатини кўриб, кўплар биздаги қимматчиликка имон келтирарди.

Шундоқ экан, иқтисодий муаммолар тўрт томондан исканжага олиб турган бир пайтда боғимизда пишган бир ҳовуч гилосни ёки полизда қизарган бир жуфт памилдорини оламга кўз-кўз қилишимиз, бу тўкинчилик ва арзончилик нишонаси деб жар солишимиз шартми?

Мазкур лавҳани мухбиримиз «Юз эшитгандан бир кўрган афзал дейдилар» деган жумла билан тугатди. Бу нима деган гап: камбағалнинг тўйига етти маҳаллани чақиришга ўхшаб кетмайдими?

Шу ўринда кўнгилда ҳақли бир савол туғилади: нима учун биз то ҳануз Москва телевидениесидан фақат ютуқларимиз ва муваффақиятларимиз ҳақида гапирамиз? Нима учун республикамиз бошига собиқ Иттифоқ солган асоратлар ҳақида чуқур мулоҳазалар юритмаймиз?

Бир куни Насриддин Афанди даладан қайтаётиб, ўғлига қозон-товоқларни чайла ёнига яхшилаб яшириб қўйишни тайинлабди. Ўзи чойхонага бориб ўтирса, ўғли келиб баланд овозда дебди: «Дада, қозон-товоқларни чайланинг фалон томонига яшириб қўйдим». Афанди ўғлига «бундай гапни секин қулоққа айтиш керак», деб танбеҳ берибди. Эртаси куни эса ўғил Насриддиннинг олдига келиб секин қулоғига шивирлабди: «Дада, кечаги нарсаларимизни ўғри уриб кетибди...» Афанди жиғибийрон бўлиб: «Падарлаънат, бундоқ гаплар бақириб айтилади!» дебди.

Хуллас, биз мустақилликнинг масъулиятли дамларини бошдан кечираётган эканмиз, нимани шивирлаб айтишни, нимани жар солиб айтишни яхшилаб ўрганишимиз керак.

ТАН ВА ТАБИАТ ЧИРОҒИ

ДАВРА СУҲБАТИ

Давра суҳбатининг бош мавзуи гарчи «Инсон ва саломатлик» деб аталса-да, баҳс-мунозараларда таниқли шифокор-мутахассислар билан бир қаторда йирик файласуф олимлар ҳам иштирок этдилар. Мулоқотни бошлаб берган биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Турғунпўлат Даминов ҳамда Тошкент Давлат дорулфунуни фалсафа кафедрасининг мудири, профессор Иноможон Раҳимовнинг таъкидлашларича, бунинг ўзига хос сабаблари ва аҳамияти бор: биринчидан, тиббиёт билан фалсафа бир-бири билан чамбарчас боғлиқ фанлардир. Негаки, ҳар иккаласининг ҳам тадқиқот мавзуи битта — Инсон. Бири одам вужудини ўрганса, иккинчиси унинг тафаккур оламини, дунёқарашини, таъбир жоиз бўлса, қалбини тадқиқ қилади. Инсон қалби ҳақидаги билимни эса унинг вужудини чуқур ўрганмай туриб эгаллаб бўлмайди. Айни чоғда, вужудни ўрганиш қалбни билиш сари йўл очади. Шу боис тиббиёт билан фалсафани айро-айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Қолаверса, ўтмишда бу иккала фан бир шахс томонидан тадқиқ қилиб ўрганилган. Уша даврларда бу соҳа вакиллари медик ёки файласуф деб алоҳида-алоҳида ажратилмаган.

Иккинчидан, табобатчи олим илмий изланишлари давомида муайян бир фалсафий фикр-мушоҳада ва дунёқарашга асосланади. Пировардида, ўз тадқиқотларидан фалсафий умумлашмалар, хулосалар чиқаради. Бусиз унинг изланишлари моҳиятини англаш мушкул. Ўз навбатида, файласуф олимлар ҳам тафаккур қонун-категорияларини ифодалашда турли билимларга, шу жумладан, тиббиёт фанига таянадилар, ўз хулосаларини аниқ илмий ютуқлар негизида мустаҳкамлайдилар.

Учинчидан, одатда олимлар инсонга таъриф берганларида, уни табиий ва ижтимоий омилларнинг ўзаро бирлиги, аниқроғи, биосоциал вужуд деб атайдилар. Бу хулоса ҳам инсон фаолиятини ўрганувчи фанларнинг, чунончи, тиббиёт билан фалсафанинг ўзаро алоқадорлигини англатади. Қадим дунёнинг машҳур донишманди Гиппократ ҳар иккала соҳанинг узвий бирлигини назарда тутиб шундай деган эди: «Фалсафа тиббиётда, тиббиёт эса фалсафада қўлланиши лозим, шундагина фалсафанинг бутун кўрки тиббиётда сақланиб қолади».

Давра суҳбати қатнашчиларининг бу ўгитнасиҳатларни эслашлари бежиз эмас. Инсон ва унинг саломатлиги учун қайғуриш фақат беморларни даволашдан иборат эмас. Бунинг учун энг аввало, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш маъқул деганларидек, хасталикларнинг келиб чиқиш манбаларини ўрганиб, тегишли чоралар кўриш лозим. Дардмандлик ва унинг сабаблари эса, Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» китобида таъкидлаганидек, гоҳо очиқ, гоҳо махфий бўлиб, уларга фақат ҳис этиш билангина эмас, балки белгиларга асосланиб фикр юритиш орқали ҳам етишилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳақли бир савол туғилиши табиий: хўш, ер юзида одамзот кўпайиши билан ҳамоҳанг равишда нега турли касалликлар ҳам кўпайиб бормоқда, беқиёс даражада ривожланган замонавий тиббиёт нега бу хасталикларнинг олдини олиш ва даволашда кўпинча ожизлик қилиб қолмоқда? Бу саволга жавоб беришдан олдин буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг бир доно фикрини ёдга олиш жоиздир. Ул зотнинг таъбирича, бу оддий, аммо буюк ҳақиқатни унутиб қўйдик. Ер ости ва ер усти бойликларидан хўжасизларча фойдаландик. Дарё-кўлларни қуритдик. Утлоқ-яйловларга, ўрмону арчазорларга қирон келтирдик. Ҳуда-беҳуда чўлларни, даштбиёбонларни ўзлаштириб, табиатга зуғум ўтказдик. Боз устига, атроф-муҳит мусаффолигига катта зарар келтирувчи турли соҳаларни бир томонлама кескин ривожлантириб, табиат мувозанатини буздик. Шу тариқа одамнинг биологик имкониятлари билан у яшаётган ижтимоий-экологик муҳит ўртасида фалокатли зиддият пайдо бўлди. Булар охир-оқибат инсониятнинг табиат қўйнида эркин-эмин, фаровон ҳаёт кечиришини мураккаблаштириб, саломатлиги ёмонлашишига олиб келди. Сирасини айтганда, биз ўз ножўя қилмишларимиз жабрини торта бошладик. Бугунга келиб экология, инсон ва табобат муаммолари ҳар қачонгидан устивор даражага кўтарилиб кетди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳозир бир миллиарддан зиёд аҳсли истиқомат қилаётган, саноат чиқиндилари уюмлари тобора кўпайиб бораётган минтақаларда атроф-муҳит йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрдан анча ортиқ даражада булғанмоқда. Айниқса, атмосфера ҳавосининг беҳад ифлосланаётгани инсон ҳаёти ва соғлиғи учун жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай экологик кулфатлардан Ўзбекистоннинг саноат марказлари ҳам ҳоли эмас. Жумҳурият экология ва саломатлик жамғармасининг президенти, врач-эколог, фалсафа фанлари доктори, профессор Юсуф Шодиметовнинг қуюнчаклик билан гапиришича, диёримизда саноатнинг жадал ривожланиши туфайли ҳозир атмосферага ҳар йили 4,2 миллион тоннадан ортиқ заҳарли моддалар чиқарилмоқда. Шундан салкам 60 фоизи автотранспорт ҳиссасига тўғри келмоқда. Оқибатда Андижон, Гулистон, Қўқон, Қарши, Навоий, Тошкент, Фарғона каби шаҳарлар ҳавоси кескин ўзгармоқда. Бу жойларда заҳарли чиқитларнинг бир йўла чиқиши йўл қўйиладиган меъёрлардагидан 6—9 баравар кўпдир.

Энди, узоққа бормай, шу кеча-кундузги аҳволга назар ташлайлик. 1992 йили жумҳуриятимиз бўйича атмосферага чиқарилган заҳарли чиқитлар аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, ўртача 203 килограммданга тўғри келди. Бу нисбий миқдор Олмаликда 1374 килограммни, Навоий ва Ангренда 606—509 килограммни ташкил этди. Бундан ташқари, турли корхоналар 1,3 миллиард куб метрдан ортиқ ифлос оқава сувларни ташқарига, жумладан, табиий ҳавзаларга оқизмоқда. Юртимиз атмосферасининг булғанишига деҳқончиликда турли-туман заҳри қотиллардан, кимёвий дорилардан фойдаланиш ҳамон юқори даражада эканлиги ҳам сабабчи бўлаётир. 1987—90 йилларда экин майдонларининг ҳар гектарига 19,5—24 килограммдан, жами 79—84 минг тоннадан пестицид ишлатилди. Мана шуларнинг асорати ўлароқ, ҳозир атмосферадаги заҳарли қаттиқ моддалар 21,7 фоизни, газсимон ва суюқ моддалар эса 78,3 фоизни ташкил этмоқда.

Табиий мувозанатнинг бузилиши жумҳуриятимизда йил сайин турли касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Аҳоли саломатлигининг атроф-муҳит ҳолатига боғлиқлиги социологик тадқиқ қилинганда шу нарса маълум бўлди: фикри сўралган кишиларнинг учдан икки қисми соғлиғи қониқарсиз эканлигини, тўртдан бир қисми ночор эканлигини айтди. Сўнгги 20—25 йиллик ҳолатни қиёслаб ўрганиш қишлоқ жойларда болалар ўлимининг кўпайиши, ҳомиладорлик ва кўз ёришининг қийин кечиши, чақалоқларнинг ўлик ҳолда ёки нуқсонлар билан туғилиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш билан боғлиқлигини кўрсатди. Шунга ўхшаш кузатишлар натижасида Ангрен, Олмалиқ, Навоий каби йирик саноат марказларида сурункали бронхит, нафас қисиши касалликлари кескин авж олгани аниқланди. Бундай дардга дучор бўлганларнинг 50—70 фоизи болалар эканлиги ниҳоятда ташвишли ҳолдир.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш идоралари жумҳуриятимиз аҳолисининг ичак хасталиклари, айниқса, А вирусли гепатит билан оғриши юқори даражадалигини қайд этмоқдалар. Бу касалликлар асосан истеъмолга яроқсиз ичимлик сув орқали ва нажас йўли билан ўтадиган вируслар туфайли кўпаймоқда. Бинобарин, ҳозирги кунда минтақамиздаги ичимлик сувларнинг сифати мутахассисларда шубҳа уйғотмоқда. Жойларда сув ҳавзалари махсус текширишдан ўтказилганда, олинган намунанинг 22,1 фоизи бактериологик, 36,3 фоизи кимёвий кўрсаткичлар жиҳатидан санитария талабларига мос келмади. Коммунал тармоқлар сувининг сифати ҳам бу жиҳатдан давлат стандартларига жавоб бермайди. Бу нохушликларнинг барчаси турли хил хавфли ва юқумли касалликларни аҳоли ўртасида авж олдирувчи манбалардан бўлиб қолмоқда.

Суҳбатда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Жалол Махсумов нур диагностикаси ва муолажаси ҳақида сўз юритди. Унинг айтишича, нур ёрдамида касалликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва даволаш XX аср фан-техникасининг беқиёс улкан ютуқларидан ҳисобланади. Ҳозирги даврда ионлаштирувчи нурлардан қишлоқ хўжалигида, саноатда, фаннинг барча соҳаларида, айниқса, тиббиётда кенг фойдаланилмоқда. Бироқ уларни инсон саломатлиги йўлида қўллашда бағоят ҳушёр бўлиш зарур. Чунки ионлаштирувчи нурлар салгина нотўғри ёки ортиқча берилса, фожиага йўл очилади. Уларнинг ҳатто энг кам миқдори ҳам тирик организм учун ўта хавфли бўлиб, турли хил ўсмаларни, қон хасталикларини келтириб чиқаради, инсон наслининг бузилишига, майиб-мажруҳ болаларнинг туғилишига олиб келади. Нурланган тирик мавжудот кучли радиация таъсирида муқаррар ҳалокатга учрайди.

Минг таассуфки, бизнинг халқимиз бир неча йилдан бери сайин мутахассислар ва ҳамкасбларимиз ҳузурида ҳар ҳафта нурланишга дучор бўлган. Бу жиҳатдан 1986 йил 26 апрелда Чернобил атом электр станциясида рўй берган фалокат асримизнинг энг даҳшатли кулфатларидан бўлди. Фожиа туфайли собиқ ССЖИ 20 миллиард сўмликдан ортиқ моддий зарар кўрди. Энг ачинарлиси, икки миллиондан ортиқ одам нур таъсирида қолди. Ўша кезларда фалокат оқибатларини тугатишга сафарбар қилинганлар сафида ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган 10 мингга яқин ўзбекистонлик ёш йигит ҳам бор эди. Эндиликда улар бедаво хасталик азобини тортмоқдалар. Нур изтиробидан ҳам жисмонан, ҳам руҳан эзилмоқдалар. Бас, шундай экан, шифокорларимиз уларнинг соғлиғини мунтазам кузатиб боришлари, зарур муолажа чораларини кўришлари керак. Шу билан бирга, бошқа ҳар қандай беморнинг касаллигини рентгенологик ҳамда радиологик усуллар билан аниқлаш ва даволашни асослаштириш, бир ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёллар саломатлигини текширишда ионлаштирувчи нурлардан фойдаланишни тақиқлаш зарур. Сабаби — ҳомила ва ёш организм бундай нурларни ўта сезувчан ва уларга берилувчан бўлади.

Шуни эслатиш жоизки, кейинги ўн йилликда касалликларни ионлаштирувчи нурларни қўлламасдан ультра товуш, магнетом ва эндоскопик аппаратлар ёрдамида аниқлаш ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу зарарсиз усулларнинг истиқболи порлоқдир. Лекин бундан ионлаштирувчи нурлардан батамом воз кечиш лозим деган хулоса чиқармаслик даркор. Агар шифокорлар улардан ҳимояланиш қоидаларига жиддий амал қилсалар, беморларни текширишдан олдин уларнинг касаллик тарихини ва лаборатория маълумотларини пухта ўрганиб чиқиб, қатъий режа асосида иш юритсалар, ўзларига ҳам, даволанувчиларга ҳам зиёнзаҳмат етмайди, тасодифий бахтсизликларнинг олди олинади. Зеро, француз олими Морган «Ионлаштирувчи нурлардан қўрқиш керак эмас, уларга аҳамият бериш керак», деб жуда тўғри, оқилона фикр айтганди.

Албатта, жумҳуриятимизда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш юзасидан муҳим чора-тадбирлар белгиланаяпти. Кейинги вақтларда Табиатни асраш давлат қўмитаси тузилгани, экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадларига катта маблағлар ажратилаётгани ана шундай хайрли ишлар жумласидандир. Айни дамларда табиат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий асослари ишлаб чиқилиб, тегишли идораларда муҳокама қилинмоқда. Яқингинада ташкил топган жумҳурият экология ва саломатлик жамғармаси ҳам ўз олдига аниқ, улуғвор вазифаларни қўйган. Чунончи, ҳозир юртимиз аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш бўйича «Тоза сув» дастури ишлаб чиқилмоқда. Бу дастур ҳадемай ҳаётга татбиқ этилади.

Аммо минтақамизда инсон, жамият ва табиат ўртасида вужудга келган вазият шу даражада чуқурки, аҳволни яхшилаш учун оммавий равишда иш олиб боришга тўғри келади. Шу мақсадда халқимизнинг қадимий, миллий анъаналарига, диний таълимотларга таяниб одамлар ўртасида экологик таълим-тарбияни қучайтириш зарур. Давра суҳбатида фалсафа фанлари докторлари, профессорлар Саид Шермуҳамедов, Уткир Ҳайдаров, ЎзФА мухбир аъзоси Ҳ. Пўлатов, тиббиёт институти профессори Нусрат Абдуллаевлар шу хусусдаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Табиатга муносабатда юксак маданиятлилик намунасини намоён этишимиз лозимлигини уқтирдилар. Шарқшуносликнинг институтининг етакчи илмий ходими А. Ирисов, доцент Ф. Зикриллаев, Шарқ табобати маркази директори М. Салаевлар ҳам инсон саломатлигига, табиат муҳофазасига дахлдор муҳим масалалар юзасидан фикр билдирдилар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги бош муҳаррири Аҳмаджон Меҳибоев эса табиат ва инсон муаммоларининг матбуотда ёритилиши ҳақида сўзлаб, келгусида бундай чиқишларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш учун журналистлар билан олим-мутахассисларнинг ижодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Наби Мажидов кўпчиликнинг диққатини ниҳоятда нозик ва қизиқарли бир масалага қаратди. Маълумки, инсон барча тирик мавжудотлардан онг-лилиги, ақли, фикр-мушоҳада юритиши билан ажралиб туради. Унинг бош миясининг тутган ўрни, вазифаси ҳамда тузилиши жиҳатидан энг олий даражадаги материя бўлиб, табиатнинг улуғ сирларини ўз ичига жо қилади. Масалан, биз одатда кўриш вазифасини кўз, эшитиш вазифасини қулоқ бажаради деб ўйлаймиз. Аслида-чи? Бу вазифаларни амалда бош мия бажаради. Бордию ундаги кўриш ёки эшитиш марказлари жароҳатланган бўлса, ҳар қанча соғлом бўлишидан қатъий назар, кўз сўқир, қулоқ кар бўлади. Худди шунингдек, бош миядаги нутқ марказлари жароҳатланган бўлса, тил гапга қовушмайди.

Хўш, инсоннинг турли хатти-ҳаракатлари, ҳис этиш, сезиш, кўриш, таъм билиш, руҳий фаолияти бош мия томонидан қай тарзда бошқарилади? Бу функцияларнинг марказлари унинг қаерида жойлашган? Бу саволларга инсоният ҳали-ҳануз тайинли жавоб тополгани йўқ. Энг қизиғи, ҳозир қурт-қумурсқаларни, парранда ва ҳайвонларни ўрганадиган юзлаб институтлар ишлаб турибди. Лекин инсон ва унинг бош мияси сирларини ўрганадиган бирор-бир олийгоҳ йўқ. Ҳолбуки, биз бу муаммоларнинг лоақал ўндан бирини ечиб, уларга аниқлик кирита олсак, она табиат ва келажак авлодлар олдидаги қарзимиз озми-кўпми енгиллашарди.

Гурунг ниҳоясида давра қатнашчилари қуйидаги хулосаларга келдилар:

— Табиат ва инсон саломатлиги муаммоларига эътиборни бугунги кунда янада кучайтириш зарур.

— Келгусида Ўзбекистон ҳудудида, хоҳ ер устида, хоҳ замин остида бўлсин, ҳар қандай атом электр иншоотларини барпо этишни тақиқлаб, жумҳуриятимизни ядровий қуроллар ишлатилмайдиган минтақа, деб эълон қилиш керак.

— Омма ўртасида экологик ва диний таълим-тарбияни кенг йўлга қўйиш лозим.

— Том маънода инсонга қайтиш, унинг фаолияти ҳамда ҳаёт тарзини кенг ва мукаммал тадқиқ қилувчи барча воситалардан самарали фойдаланиш даркор. Тиббиёт, биология, фалсафа ва бошқа фан соҳалари вакилларининг бу борадаги ҳамкорликларининг кўзгуси сифатида жумҳуриятимизда Инсон ва бош мия олийгоҳи барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

Давра суҳбатида билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг, ўртага ташланган таклиф-истакларнинг барчаси Она табиатни ва Инсонни улуғлашга хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

МУАММОЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

МИЛЛИЙ РЎМОН ИБТИДОСИ

ЯНГИЧА ТАФАККУР, янгича бадиий-эстетик концепция асосида адабий қадриятларимизни қайтадан, холис ва узил-кесил баҳолаш ҳозирги пайтда адабиётшунослик ва адабий танқиднинг энг долзарб вазифасидир.

Маълумки, Октябргача яратилган ва муаллифлари «миллий рўмон» деб аташган асарларни ҳозирги тушунчамиздаги ҳикоя, нари борса повестга тенг деб қараш адабиётшуносликда қарор топган фикр-хулоса бўлиб келган. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Ҳақиқий жавобни XIX аср охири ва XX аср бошлари ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-маданий ҳаётидан, шу давр адабий жараёнида кечган изланишлар ва янгиликлар кўламидан, айниқса, жадид адабиёти тараққиёти хусусиятларидан излаш лозим. Бугунги кунга келиб жадид адабиёти 1905—1917 йиллар адабий тараққиётининг энг илғор йўналиши бўлганлиги, унинг бой бадиий олами, тобора ойдинлашиб бормоқда. Бу адабиёт намуналарининг кейинги йилларда оммавий нашр этилиши ҳайрли ишдир. Айтиш жоизки, адабиётшунослик ва танқид жадид адабиётини умумназарий баҳолаш, тадқиқ методологиясини тавсия этишдан бу адабиётнинг поэтикаси масалаларини ўрганишга томон қадам қўймоқда.

Биз қуйида 1905—1917 йиллар жадид адабиётида реалистик романга хос тафаккурни юзага кела бошлаши ва реалистик роман жанри шаклини эгаллаш йўлидаги изланишлари ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз. Хулосаларимиз мунозаралардан холи эмас.

Реалистик романнинг вужудга келиш манбаларининг асосийси воқеликдир. Бу жанр назариясига оид тадқиқотларда реалистик романнинг бош манбаи капиталистик муносабатлар куртакларининг пайдо бўлишидир, деган қараш ҳукм суради. Кўринадики, ўлкамизда 1905—1907 йиллар тарихий шароитида ана шундай воқелик мавжуд эди. Ўзбек реалистик романининг бош асоси фақат Октябрдан кейинги воқелик эмас. Адабиётшуносликдаги нотўғри қарашлар аср бошидаги тарихий воқеликни бузиб баҳолаш ва жадидчиликни сунъий равишда қоралаш натижасида юзага келди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, жадид адабиётидаги романий изланишларда Шарқ насри анъаналари билан бирга эрон, турк, афғон, татар, озарбойжон, рус адабиётлари реализми таъсири муайян даражада амал қилган. Бу ўринда Ғарб реализмининг бевосита, яъни ўша давр қўшни Шарқ адабиётлари орқали таъсирини ҳам алоҳида уқтириб ўтиш жоиз.

Жадид адабиётининг дастлабки пайтларида яратилган каттароқ насрий асарлари ва драмаларида жамиятнинг йирик ижтимоий-сиёсий, маърифий-маданий масалалари кўтариб чиқилди, уларни реалистик эпик кўламда кўрсатиш, ижтимоий типлар орқали даврнинг янгича қарашлари ва эскилик қолоқликларини бадиий ифодалашга ҳаракат қилинди. Бу жиҳатдан Фитратнинг «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи баёноти», Беҳбудийнинг «Падаркуш» асарлари алоҳида қимматга эга. Айтиш лозимки, роман эҳтиёжи ана шу асарлардан сўнг пайдо бўлди.

Фитратнинг «Ҳинд сайёҳининг баёноти» асари кўпроқ сиёсий публицистика намунасидир. Унда фикрлар инқилобий, ислоҳотчилик руҳида. Илғор қарашларини таъсирчан ва аниқ ифодалаш учун муаллиф бадиий тасвирнинг айрим белгиларига мурожаат этади, саргузашт усулини қўллайди. Воқеалар, ўрин-жой тасвири, персонажларнинг муомала-муносабатлари, диалоглар кўпинча реалистик бадиий тасвир сифатида кўринади. Дарвоқе, С. Айний «Бухоро инқилоби тарихи»нинг биринчи нусхасида Фитратнинг бу асарини роман услубида ёзилган асар дейиши бежиз эмас (С. Айний. Бухоро инқилоби тарихи. Душанбе, «Адиб», 1987).

Беҳбудий пьесасидаги тасвир характерларнинг ўзаро муносабатлари, индивидуал жиҳатлари, характер ва шароит муносабати кўламига кўра кўп жиҳатдан роман шаклига яқин. Домулла, Зиёли каби ижобий образлар, Бой, Тошмурод сингари салбий образлар характер даражасидадир. Шунингдек, асарда персонажлар кўп (Хайрулла, Тангриқул, Давлат, Нор, Артун, Лиза, бойвуччa, полиция, пристуф). Муҳими, уларнинг барчаси реалистик хусусиятга эга. Тўғри, асар ҳажман кичик, пардалардаги воқеалар содда ва ихчам, ташвиқотчилик жиҳати устунроқ. Назаримизда, бойнинг ўғли Тошмурод характери сунъийроқ. Домулланинг бой ўлиги олдидаги ваъзи, Зиёлининг пивохонадаги ваъзи ва уларнинг воқеада пайдо бўлишларида сунъийлик бор. Булар фожианинг реалистик драматургия соҳасидаги илк тажриба бўлганлиги билан изоҳланади. Шунга қарамай, асар ўз даврида катта шуҳрат топди. Бунда фожианинг ғоявий долзарблиги, тасвирдаги реалистик жиҳат, эпиклик, характерлар ва шароит муносабатининг ҳаққоний талқини муваффақиятнинг муҳим омиллари бўлгани шубҳасиздир.

Бу даврда М. Шермуҳамедов, Ҳамза, А. Қодирий илк тажрибалар сифатида романларини яратишга киришдилар. Бу асарлар адабиётшуносликда маълум даражада ўрганилган. (С. Мирвалиев, Э. Каримов, П. Қодиров тадқиқотлари).

С. Мирвалиев «Ўзбек романи» китобида (1969) бундай асарларни таҳлил қилиб, «ана шу даврда ўзбек романчилиги ўзининг эмбрионал ҳолатини кечирмоқда эди», деган хулосага келса-да, улар илк реалистик роман намуналари эканлигини узил-кесил айтмайди. Эҳтимол, олимга турғунлик даври сиёсати ва мафкураси очиқ ва қатъий хулосани илгари суришга йўл бермагандир.

БИЗНИНГЧА, МАЗКУР БОСҚИЧДА муаллифлар «рўмон» деб атаган асарларни роман жанрининг илк тажрибалари сифатида талқин қилиш ва ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунга келиб ошкор бўлиб қоляпти, адабиётимиз тарихидаги барча ҳодисани Ғарб ва рус адабиёти реализм мезонида ўлчамаслик керак экан. Бу илк романларимиз учун ҳам тааллуқлидир. Жадид адабиётида вужудга келган «миллий рўмон»лар миллий тажриба, ўзига хос ҳодисадир. Ваҳоланки, улар реализмдан узоқ эмас.

«Рўмон»ларнинг кўпчилиги туғалланмаган бўлишига қарамай (уларнинг нашр этилишига қаршилик кўрсатилганини унутмаслик керак), айтиш мумкинки, реалистик романга хос тафаккур янги сифатга эга бўлди. Бу ўринда шундай мулоҳаза туғилади: Октябр воқеаси содир бўлмаганда ҳам жадид адабиётида бадиий юксак реалистик роман яратилармиди? Ҳа, жамиятда илғор ҳаракатлар давом этар экан, тўсиқлардан қатъи назар, эртами-кечми роман юзага келарди. Назаримизда, А. Қодирийнинг буюк романи барвақт яратилганининг асосий омили Октябр арафаси адабий жараёнининг реалистик тажрибаларидир.

РЎМОН

Ана шу даврромонларини ўтмиш насри анъаналари, адабий таъсирлар, реалистик бадиий изланишлар нуқтаи назаридан холис бадиий-эстетик тадқиқ этиш вақти келмадимикан?

Бизнингча, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар»дек классик реалистик роман яратишига хос ижодий такомили бу масалага аниқлик киритади. Буни ёзувчининг реалистик характер ва реалистик эпик тасвир яратиш соҳасидаги изланишларида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жадид адабиётида Тошкент адабий муҳити илғор ва пешқадам эди. Мазкур муҳитда 1915—1916 йилларга келиб чинакам реализм қарор топган. Чунки ўша даврда Бухоро амирлиги, Хива хонликларига нисбатан Туркистон губернаторлиги демократик ҳаракат, маърифий ва маданий ҳаёт бобида анча илгарилаб кетган эди. Тошкентда туриб ижод қилган А. Қодирийнинг илк ижодида кўпроқ маърифатпарварлик реализми, жадид адабиётининг илғор тажрибалари ижодий ўсиш манбаи бўлди. Маълумки, адиб ёш бўлишига қарамай, истеъдод кучи ва адабий муҳит қулайликларига кўра Ғарбу Шарқ реализми, айниқса, рус реалистик адабиётидан самарали ўрганган. У рус, форс, араб тилларини эгаллаган, ижодий тажрибаларни ўрганиш давомида шу тиллардаги асарларни мутолаа қилган, ўша даврдаги газета ва журналлардан, театрдан, адабий ҳаётдан баҳраманд бўлган. Зеро, жадид адабиётининг Тошкент адабий муҳитига рус, европа адабиёти, татар, озарбойжон, турк, эрон, афғон, араб реалистик адабиётларининг таъсири А. Қодирийнинг ижодий ўсишида етакчи омил бўлган.

Қодирийнинг реалистик характерлар яратилган илк асари «Бахтсиз куёв» драмасида (1915) даврнинг ижтимоий турмушидаги нуқсонларни, тўй харажати билан боғлиқ бидъатларни қоралаш мавзуи халқчил руҳ билан суғорилган. Етакчи образлар индивидуаллаштирилган, маълум бир социал табақа вакили сифатида гавдаланган. Асар реалистик драма жанри талабларига кўра анча содда, муайян маънода ташвиқотчилик хусусиятига эга бўлишига қарамай, ҳаётий тасвир, бадиий тил, характер яратиш, эпик кўламлилик масалаларида сезиларли ютуқларга эга. Маиший турмуш тафсилотлари ва қаҳрамонларнинг ўзаро муомала маданияти, одобида миллийлик яққол намоён бўлган.

Ҳажман анчагина катта бу драмада етакчи характерларнинг ўзига хос хислатлари даврнинг ижтимоий шароитининг ижтимоий моҳиятини тўла ифодалайди. Масалан, Файзибой ўз мақсади ва тушунчасидан қайтмайди. Уни камбағаллар аҳволи, ҳатто фарзанди тақдири ташвишлантирмайди. Фожианинг бош сабабчиси — Файзибойдир. Судхўр Қосимбой ҳам шартларида қаттиқ турувчи, фойда олдида ҳеч нарсадан тоймайдиган, пул ўйнатиб капитал тўплайдиган бой. Асарда янгилик учун курашувчи элликбоши характерида бўшанглик борга ўхшаб кўринса-да, аслида у ҳам ўз қарашларида қатъиятли. Файзибой, домла-имом, Абдураҳимларга ўзининг илғор фикрлари таъсир этмаганда, у андиша, одоб юзасидан қалинга розилик бергандай бўлади. Бу ҳолат унинг ўз қарашларидан қайтиши эмас. Аслида у ичдан норози. Фотиҳадан кейин тўн берилганда олмаслиги норозилик белгиси. Элликбошининг бидъатлардан ҳоли, исрофсиз тўй ҳақидаги илғор қарашлари шариатнинг асл қоидаларини ҳимоя қилиш билан уйғундир. Бу борада у кенг маълумотга эга. «Ҳозирда биз туркистонликлардан бошқа жумла мусулмонлар, хусусан, Макка, Мадина, истанбулликлар... куёвдан оқча сўрамакни номусулмонлик деб биладилар ва бизлардек исроф қилмайдилар», дейди у. Элликбошининг бундай қарашлари жадидчиликнинг илғор ғояларига мос. Шу тарзда бу характер тарихий ҳаққоний касб этади. У курашда ёлғиз. Шунинг учун ҳам асарнинг охирида фожиа сабабчиларини фош этар экан, домла-имомга қарата шундай дейди: «Тақсир, сиз ҳам шунга сабаб бўлдингиз. Агарда сиз менинг ёнимга қўшилиб, Файзибойни қайтарганингизда, бундоқ исроф қилмас эди». Элликбошида гуманистик хислатлар устундир. Унинг судхўр Қосимбойга: «Бир-икки кун тўхтанг, ўлик кўмилгандан сўнг ҳовлини сотириб олурсиз», деган сўзларида бойга нафрат, дашном, камбағалларга ачиниш бор...

Муҳими, тасвирда ташвиқотчилик оҳанги сезилиб туришига қарамай, муаммолар асосан қаҳрамонларнинг ўзаро муносабат-муомалалари, ўз қарашларини ҳимоя қилишлари — ижтимоий характерларидан келиб чиқадики, бу фазилатлар асарда бадиий инъикос эттирилган. Эҳтимол, икки ёшнинг ўлими тафсилотида бироз сунъийлик бордир. Бироқ асарда ҳаётнинг ҳаққоний, эпик кўламли бадиий тасвири устун. Шунинг учун ҳам характерлар ва шароит муносабати тасвири роман шаклига хийла яқин.

Адибнинг «Жувонбоз» (1915) асари реалистик роман шакли соҳасидаги ўзига хос илк тажрибалардан биридир. Албатта, асар ҳажман кичикроқ. Тасвир асосан муаллиф баёнига қурилган. Воқеаларнинг ўзаро боғланишида, реалистик тасвирда жўнлик белгилари бор. Лекин гап бунда эмас. Асар ўз даврдаги реалистик изланишларнинг маҳсули ва реалистик насрдаги катта эпик шакл намунаси сифатида эътиборлидир.

Ўша пайтда ижодий тажрибаларни эндигина бошлаган ёш ёзувчи мазкур асарида ўз даври адабиётига нисбатан сезиларли ютуқларга эришган эди. Асарда қуруқ баёнчилик ва ижтимоий воқелик ҳақида публицистик ҳукм йўқ. «Жувонбоз» ижтимоий воқеликни қаҳрамонлар тақдирига уйғунлаштириб тасвирлашда «Бахтсиз куёв»га нисбатан олдинга ташланган қадам бўлди, дейиш мумкин.

НАЗАРИМИЗДА, АСАРДАГИ МУАЛЛИФ БАЁНИ ва воқеалар тасвири алоҳида эътиборни талаб қилади. Тасвирда ёзувчи нутқи етакчи, бироқ бу нутқда баёнчилик устун эмас. Айтмоқчимизки, кўплаб воқеалар муаллиф нутқи асосига қурилган бадиий тасвир сифатида гавдаланади ва уларда реализм нишоналари сероб. Масалан, Рауфбойнинг ўз шаҳрига келиши ва яна савдо учун тезда қайтиб кетиши воқеалари, Саъдулланинг малайи Раҳимжон билан банкдан олган катта пулни отасига юбормай, улоқ чопишлари, кейин шаҳарда айш-ишрат қилишлари, жума куни Карим полвонникидаги гапда Саъдулла ва Раҳимжоннинг чапани гапхўрлар томонидан таҳқирланиши... Муҳими, ёзувчи нутқида воқеаларни ривожлантиришга, персонажларнинг ўзаро муносабатлари ва ички оламларини кўрсатишга хизмат қиладиган унсурлар мавжуддир.

Асарнинг бошланиши росмана реалистик тасвирдан ташкил топган, пейзаж ва жой тасвиридан бошланган. Шундан сўнг персонажлардан бири Солиҳанинг ички кечинмаси, ўйлари берилади. Тасвир воқеага уланади. Солиҳанинг эридан хат олиб келган киши билан дарвоза ичида туриб савол-жавоб қилиши, хатни ўқиши кўрсатилади. Персонажнинг шу пайтдаги ҳаракатлари унинг руҳий ҳолати, хурсанд кайфияти билан боғланади. «Солиҳа суйинганидан, хатни қайта-қайта ўқимакда эди. Сўнгра уй ва асбобларни йиғиштириб супурмоқда ва чойнак-пиёла, самоварларни ювмакга бошлади. Чунки Рауфбой ифлос жойларни ямон кўрар эди». Кейинги ҳаракатнинг бошқа жиҳати ҳам бор. Бу ҳаракат Солиҳанинг эри Рауфбой характерини индивидуаллаштирувчи детал вазифасини ўтайди.

Маълумки, 1905—1917 йилларда тугал ҳолда ёзилган романлар иккита: бири Ҳамзанинг «Янги саодат» асари, иккинчиси «Жувонбоз»дир. Мазкур романларини реалистик роман дейишга қарши бўлиб келган адабиётшунос Э. Каримов яқинда нашр этилган «Адабий турлар ва жанрлар» (1-жилд) китобида ҳам шу фикрда қолган. Бироқ олимнинг қуйидаги мулоҳазаси диққатни тортади: «Янги саодат» повесть бўлса ҳам, жанр хусусиятлари билан романга анча яқин туради. Яъни, воқеликни эпик идрок этиш кўлами ана шундай дейишга асос беради».

Хуллас, асар ўзига хос тажриба маҳсули бўлган илк романлардан биридир. Албатта, унда ютуқлар билан бирга, жиддий камчиликлар ҳам бор: тили примитив, насрдаги чанакам реалистик характер белгилари бўш, пейзаж, диалог, жой тасвирлари кам.

ЁЗУВЧИНИНГ ИЛК ИЗЛАНИШЛАРИ уни насрда чинакам реализмга олиб келди. 1916 йили ёзилган «Улоқда» ҳикояси бадиий юксак реалистик асар эканлиги адабиётшуносликда эътироф этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, А. Қодирий ижодида бадиий кашфиёт — «Ўтган кунлар» романининг барвақт юзага келиши фавқулодда ҳодиса эмас. Классик намунагача ҳар қандай адабиётда унинг илдизлари, дастлабки тажрибалари, манбалари бўлиши қонуниятдир. Демак, «Ўтган кунлар»нинг ўтмишдоши, манбаси ва илдизи сирасига 1909—1917 йиллар жадид адабий жараёнида юзага келган романларни ҳам киритиш мантиқан тўғридир. Дарҳақиқат, улар ўзбек реалистик романининг ибтидоси, илк намуналардир.

Юсуфали ШОНАЗАРОВ,
Хўжанд давлат дорулфунуни катта ўқитувчиси

ФИКР ҒУНЧАЛАРИ

Ғ нигох

ХОЗИР ШОИРЛАР — АВОМГАРД, авомнинг гарди, зарраси, фуқаропарвар; топталган, хўрланган, мияси ва танаси заҳарланган, қашшоқ одам — ҳақиқат, адолат мезони. Бугун, мана шу нуқтада жамиятдаги барча қатламларнинг фикри қовушди, фикр йўлидаги тўғонларнинг бир чеккаси бузилди, авомгард шеърият кенгайиб, адабиётга айланмоқда.

Мана шу жараёнда бўй кўрсатаётган шоир Ҳамроқул Асқарнинг шеърларини кузатишга уриниб кўрайлик.

Шоирнинг қалби ҳам, хулқи ҳам зийнатли: нафис, меҳрли, одамохун. Бироқ шеърларида «Дод!» солган фикрлар, қатрлар, ханжартиғ сўзлар бор. Сероблигидан улар бир сафга тизилиб, мотив тусини олган.

Мен сизни
Осмонга улоқтириб
Кутиб ўтирмайман
Қачон тушаркан дея,
Ё чўқмор билан уриб
Киритиб юбормайман
Тиззангизгача ерга...
Мен шунчаки
Қулоғингизга
шивирлайман:
Таништириб қўяман
ўзингиз билан.

Унинг «Сўз изтироби» номли шеърий жамламасида ва эълон қилган бошқа шеърларида эл ифтихорининг — Алпомишнинг номи биргина мисрада тилга олиб ўтилган. Юқоридаги мисралар аввало ўзбек халқининг миллий тафаккури, баҳодирлик табиати ва мезонларида ўсиш, бойиш жараёни рўй бераётганини акс эттиргани билан қимматли.

Юқоридаги шеърнинг руҳи ва услубига қаранг — алпомишона кураш-ку бу! Инкор ва Руҳдошлик — мана шу қарама-қаршиликлар бирлиги Ҳамроқул Асқар шеърларининг ўзига хос хусусиятларидан бирини ташкил этган. «Чингиз Айтматов ким?», «Ҳомер», «Сергей Есенинга», «Миртемир ўгити», «Воқифнинг сўнгги қўшиғи», муҳаббат лирикаси — ҳаммасида нафис, қўшиқ табиатли шахс намоён бўлади, маънавийлик, маърифийлик улуғланади, жисмоний зўрлик билан баҳс ғойибона давом этади. Биз халқнинг, мустақилликнинг қудрати жисмоний ва илмий, маънавий кучларнинг уйғунлигида эканлигини англаймиз.

Табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг бош шарти, илк ибтидоси — Эрк. Ҳамроқулнинг қатор шеърларида шу ғоя зоҳирий ё ботиний кўринишда иштирок этади. Йўқ, ёш шоир эрк фалсафаси билан шуғулланмайди. Қуш осмон фарзанди бўлгани каби, унинг шеърлари ҳам янги фикр ғунчаларидир.

Шоирнинг аксарият шеърлари бармоқда, сарбастда, шунингдек, у мансуралар ҳам битган. Бу шеър-ҳужраларда шоир ўзини турлича сезади, руҳи ўз шаклини излайди. Уларнинг бадиий, фикрий савиясини эркка мойиллиги тайин этган, зеро, муаллифнинг табиатида Эрк туйғуси етакчи. У тафсилотларга сайқал беришга — миниатюра санъатига ишқивозмас. Серсюжет тоғлар уни шахдам тасвирлашга ўргатган. Отнинг жиловини ташлаб, жониворни ўз эркида ҳайдагандек, шеърни ҳам ўз ихтиёрига қўяди — фикрлар қандай келса, шундай ёзади. Шунинг учун ҳам бармоқдан кўра, сарбаст шеърлари ва мансуралари яхши чиққан.

Дерсу Узала ҳақида Ҳамроқул ўн йил бурун бундай шеър ёзган:

О, қанчалар доносан,
Дерсу!
Қуёш одам!
Ой одам!
Ўрмон одам!
Кун. Тун. Шамол.
Қуён, Бўри, Чумоли,
Сувсар...
Барчаси одам!

Шоир нимадан қувонаяпти — буни ҳеч ким, ҳатто унинг ўзи ҳам аниқ, тўлиқ тушунтириб беролмайди. Жамият одами онгсиз деб камситиб келган жониворларнинг инсон қаторига қўйилгани табиат одамига маъқул келади. Кун, тун, шамолнинг ҳам одам деб тан олиниши — болалик фалсафасининг ҳаётийлиги кишини қувонтиради. Бироқ, шеърда булардан кўра анча қадимийроқ ғоя мавжуд.

«КУН. ТУН. ШАМОЛ... барчаси одам!» Йўқ, «одам» эмас, у бошқа нарса демоқчи. Улар ҳам ақлли, жони бор, ҳаммаси қариндош, демоқчи. Кун, тун, шамол ва одамнинг бирлиги — бу фикр қаёқдан пайдо бўлди? Ҳа, чиндан ҳам, ҳаммаси материя. Бироқ миллиардлаб йил илгари куну тун, еру юлдузлар, тириклик аломатлари Коинот Океанида уйғун яшарди. Одамзотдан бурун кечган ўша ибтидоий хотиралар Дерсу онгида акс этмоқда. Ақл бовар қилмайдиган ҳодиса. Бироқ Оллоҳнинг ўзи одам ақли бовар этмайдиган мўъжиза экан ва биз унга ишонар, сиғинар эканмиз, ўқимаган Дерсунинг бу мўъжиза-хотирасига ҳам ишонишга тўғри келади. Балки инсон хотираси ҳам илоҳий ҳодисадир?

«Таскин» ва «Ғаройиб тушлар» мансураларида замонлар қорилган. Ўтмиш, Бугун, Келажак заминсиз; жанубдан шимолга, шимолдан жанубга учиб юрадиган паррандалар каби. Ўтмиш, Келажак, Бугун гоҳ учрашиб гоҳ ажрашиб юради. Шоир туйғуси ва тафаккури уч бекат ўртасида саргардон кезади: «Минг йиллар сўнгида менинг қонимга тегишли ишқий саргузаштлар учун бугундан ўзни ошиқ ҳисоблайвераман». «Миллион йил бурун ранжитилган озодруҳ туйғуларнинг кўнглини овлаб, юрагимни дастурхондай ёзиб меҳмон қиламан». Азал ва абад эгаси — Озодруҳ! Ибтидодан бошлаб, Коинот Океанидан бугунгача яшаб, барча хотираларни сақлаб келаётган ул Соҳибқудрат — Озодруҳ.

З. Фрейд тушни онг остки ва онгсизлик оламларини акс эттирувчи кўзгу деб атаган. Тушда одамнинг асли кўринади. Ҳушда одам ўзини кийимлар, билимлар, одоблар билан ниқоблайди. Шўро адабиётида туш тасвири сохта эди. Юзлаб тушлар тасвирланган, аммо бариси ҳушнинг ўйлари эди: тушнинг беабадлиги ва мантиқсизлиги сипогарларни чўчитарди. Аслида эса улар одамнинг моҳияти, онгсизлик кучлари билан учрашиб қолишдан қўрқардилар.

«Ғаройиб тушлар» назаримда чинга менгзайди. Қаҳрамон тушида тубсиз жарликни тўлдириш учун тупроқ ташиётган одамни кўради. Бу одам Ота бўлиб чиқади. Сўнг у ўғилга айланади. Рамзга ҳам ўхшайди, чинга ҳам. Аммо МЕННинг тасвири тўғри — туш: «Мен ётган жой ўша чуқурликнинг тубига жойлашган эмишда, қўл-оёқларим билан сузаётганга ўхшаб типирчилармишман тинимсиз». Тубсиз жарлик нима: аждарҳодай оғзини очиб турган ҳаётми, қадрсизлик, хўрлик, иложсизлик туйғусими? Назаримда, ҳаммаси ва яна бошқа кулфатларнинг йиғма образи. Туш шундай йирик умумлашмаларга қодир. Кўплаб доҳиёна кашфиётлар тушда содир бўлгани бежиз эмас. «Қўл-оёқларим билан сузаётганга ўхшаб типирчилармишман тинимсиз». Мен буни сув ё ҳаво океанидаги ҳаётдан қолган хотира, тутқуниликдаги Озодруҳнинг талвасаси дегим келади.

Ҳ. Асқарнинг айрим мисралари ҳам тушга ўхшайди: ғалати ва мантиқсиз, боғланмайди.

Болалик куларимни —
кўкайн кесилган
укаларимга,
тезак ва сомон ортилган
қари эшакларга,
етимликнинг аччиқ
пандлари-ю,
беғам жўраларимга
шоду хуррамлик билан
улашдим.

Бундай умрни шоду хуррамлик билан улашиш (сарфлаш) абсурд: ё умр манзараси хато ёки туйғу — чизилган етимлик ҳаёти бўяб кўрсатилган. Хуллас, рўпарамизда абсурд шеър. Қадамингга ҳасанот, янги ижод йўсини! Бу шеърда яна руҳдаги анархия ҳам янгилик, қизиқарли. Совет мафкурасида эрк ва анархия бир йўла қатағон этилган эди. Бу фалсафани лойдан тозалаб, нима эканлигини тушунадиган пайт етди. Менга у табиатмонанд эрк фалсафаси бўлиб кўринмоқда.

Ҳамроқулнинг озодруҳ фалсафаси ижтимоий масъулиятни инкор этмайди. Ҳақиқат, адолат, ҳалоллик тарафида туриб, мунофиқлик, ғирромлик, ёмонлик, аросат ва ғафлатга қарши туради... Файзулла Хўжани; Абдулла Қодирийни олиб кетсалар ҳам ухлайверган халқнинг уйқучанлигидан нолийди. Шаклсизликни ёмон кўради. Халқнинг шаклсизлиги — миллат сифатида шаклланмаганидан зорланади. Ўз авлодининг аросатда қолган тақдиридан куюнади:

Энг ширин сўзлар ҳам
ханжардек ботар,
На у ёқ, на бу ёқ
қилмаган тақдир—
Сенми, онажон?

РУҲДАГИ АЙРИМ ПАРОКАНДАЛИК бонси шу — аросат. «Қайта қуриш» янги шиор, янги ниқоб: аросатнинг давоми. Шоир шиорларга алданмайди: «Қайта қурмоқдамиз баҳоли қудрат, Ўғрини тўғрига омухта қилиб». Шоир беозор ёлғон (абсурд)ларни ёқтириб тасвирлайди: «Қиш бобо, қоринг йўқ, ёлғонларинг кўп, Энди ишонмасман чўпчакларингга». Ширин ва беозор ёлғонларни кулиб тинглаймиз. Нега? Назаримда абсурд ва унинг турфа хиллари ҳам одамнинг эрки, ўзига хослиги — озодруҳ фаолияти билан боғлиқка ўхшайди.

Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ,
филология фанлари номзоди

ТАҚРИЗ

ТУРКИЙ СЎЗ СИРЛАРИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҳаётдаги турғунлик маънавий таназзул сари олиб борганлиги бугун яхши маълум. Ўтмишда яратилган улкан меросимиздан бебаҳралик, тарихга нисбатан нописандлик, миллий қадриятларга беэътиборлик туйғуларининг пайдо бўлиши мана шу турғунлик оқибатларидан бошқа нарса эмас эди. Иш шу даражага бориб етдики, бизда қадимий анъаналардан чекиниш, миллий қадриятларни менсимаслик одатдаги ҳолга айланди.

Ўзининг тарихий-маданий обидалари бирмунча кўп сақланиб қолган халқлар дунёда биз ўйлаганчалик кўп эмас. Уларнинг орасида туркийларнинг ҳам бўлиши, ана шу халққа ўзингнинг ҳам мансуб эканлигинг кўнгилнинг туб-тубидан ифтихор ҳиссини қалқитиб чиқаради. Аммо айни пайтда мана шундай муҳташам тарихдан айрилиб қолишда «биздек ожизу бечора халқ» ҳам йўқлигини туйиб афсус-надоматлар чекасан киши.

Ўзбекистонимизнинг миллий мустақиллиги тарихимиздан, ўз ўтмишимиздан узилиб қолишимизга барҳам бериши шубҳасиз. Бугун бошланган миллионларнинг ҳаракати ҳам бунга умид уйғотмоқда. Эндиликда тарихнинг ўзига, унинг юзига қарашда янгича, мутлақо соғлом нуқтаи назарлар пайдо бўлмоқда.

Ўтмишдаги ёдгорликларни ўқиш, ўрганиш, уларни халқ қўлига тезроқ етказиш шу йўлдаги энг муҳим тадбирлардандир.

Ўтмишдаги ёзма обидаларимиз, айниқса, дунёга довруғ солган классик шериятимиз сирини очиб берувчи ишларга муҳтожлик тобора ортиб бормоқда. Бундай катта эҳтиёжни қондириш бирданига бўлмайди. Бунинг учун изчиллик, сабот ва чидам, айни пайтда, барча илмий кучларнинг, зиёлиларнинг ҳамжиҳатлик билан олиб борадиган узлуксиз меҳнати зарур. Барча туркий халқларнинг пешқадамлари бир ёқадан бош чиқарар экан, маънавий таназзул ҳам, ўтмиш меросимиздан бебаҳралик ҳам тезда барҳам топиши мумкин.



Жуда қадим замонлардан бери Шарқ адабиёти уч йўналишда таҳлил этиб келинади. Булар — илми аруз, илми қофия ва илми бадеъ деган номлар остида иш кўрган. Кейинги пайтларда айни шу соҳаларда нисбатан эътиборсизлик юзага келди. Албатта, адабиёт илмининг зукко билимдонлари бу борада айрим ишларни амалга оширдилар: баъзи ёдгорликларга боғлиқ ҳолда анъанавий поэтика масалалари ишланди, бевосита шу соҳага доир обидалар таржима қилинди. Айниқса, илми бадеъга доир бирмунча ишларнинг юзага келганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, профессорлар— Алибек Рустамов, Баҳодир Саримсоқов, филология фанлари номзодлари — Ёқубжон Исҳоқов, Ваҳоб Раҳмонов, Ҳамиджон Мамадов ва бошқаларнинг мақолалари, китоблари яратилди. Шунга қарамай, бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ҳали жуда катта.

Айни йўналиш Туркия адабиётшуносларининг ҳам диққат марказида турибди. Жавдат Пошонинг «Балоғати Усмония», Муаллим Ножининг «Истилоҳоти абадиййа», Режоизода Акрамнинг «Таълими адабиёт», Саид Пошонинг «Мезон ул-адаб», Рифат Бейнинг «Мажмо ул-адаб», Тоҳир ул-Мавлавийнинг «Адабиёт луғати», профессор Али Ниҳод Тарлоннинг «Адабий санъатлар» каби тадқиқотлари фикримизга далил бўла олади. Яқинда улар қаторига яна бир китоб қўшилди. У Исо Хўжақоплоннинг «Ачиқламали адабий санъатлар» асаридир. Уни Туркия миллий таълими вазирлиги «Фан ва маданият асарлари серияси»да нашр этган. Китоб Истанбулда 1992 йили босилган.

Ҳар қандай шеърият муайян халқ тили имконлари асосида юзага келади ва айни пайтда шу халқ тилининг бойлигини кўрсатади. Тил бойлигини юзага чиқарувчи омиллардан бири шеър санъатларидир. Китоб ана шу санъатларнинг шакл ва мазмуни, уларнинг асл моҳияти ҳақида.

Асарда шеър санъатлари таснифи ҳам берилган. Муаллиф ўзигача юзага келган ишлардан фойдаланган ҳолда бир неча таснифларни келтиради. Жумладан: I. Мажоз санъатлари; II. Маъно санъатлари; III. Сўз санъатлари. Китобда яна бир асосий тасниф ҳам ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган. Олимнинг бу таснифига кўра шеър санъатлари иккига ажратилади:

1. Ҳаяжонга боғлиқ адабий санъатлар;
2. Фикрга боғлиқ адабий санъатлар.

Биринчи туркум Мажозий ва Маъно санъатлари; иккинчи туркум эса Маъно санъатлари, Маъно ва Сўз санъатлари, Сўз санъатлари.

Китобда ана шу тасниф асосида эллик олти шеърий санъат таҳлил қилинади. Уларнинг моҳияти, намоён бўлиш шаклларини кўрсатиб берилади. Намуна сифатида эса турк адабиётининг йирик намоёндаларидан бири, ҳассос шоир Яҳё Камол асарларига мурожаат этилади.

Асарда Фузулий, Аҳмад Пошшо, Тавфиқ Фикрат, Нозим, Нажотий, Носир Фозил, Аҳмад Ҳошим, Жаноб Шаҳобиддин, Исмоил Сафо, Боқий, Сурурий, Шиносий сингари адиблар ижодидан энг порлоқ мисралар мисол сифатида келтирилган.

Китобнинг энг муҳим хислати унинг билдирги шаклида тузилганлигидир. Унда Истиора, Киноя, Ташбиҳ, Тазод, Ҳусни таълил, Илтифот, Ижоз, Саҳли мумтанe, Абжад ва Таъриҳ, Тарси ва бошқа санъатлар таҳлил этилган.

Шеърий санъатларнинг барчаси алифбо сирасида жойлаштирилган. Бундай усул китобдан фойдаланишда жуда қулайлик туғдиради.

Ҳозирги авлоднинг классик шериятимиздан бирмунча узоқлашиб қолгани аён ҳақиқат. Ўтмишдаги нодир асарларимиз мазмунини англашдаги қийинчилик ва тўсиқлардан бири фақат улардаги лисоний томонларга эмас, айни пайтда шеърни тутиб турган санъатлар моҳиятини илғаш ва англашга ҳам боғлиқ. Исо Хўжақоплон яратган қўлланма ана шу йўлдаги қутлуғ қадамдир.

КИТОБНИ ВАРАҚЛАР ЭКАНМИЗ, шундай асарларга ўзимизда—ўзбек китобхонларида ҳам ниҳоятда катта эҳтиёж борлиги яна бир марта ёдга келди. Зеро, ҳозир ўтмиш маданий меросига, жумладан, Шарқ шериятига қизиқиш кучайган пайтда бундай ишлар, жуда зарур. Олимларимиз бу зарурлиги инобатга олмоқлари керак. Токи, ичқиламган ёнғоқ» бўлиб кўринган классик шериятимизнинг чуқур мазмуни, тўқ маъзи китобхон кўнглига тезроқ бориб етсин, улар шундай улкан шеърият мазасидан баҳра олсин.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Боқижон ТУХЛИЕВ,
филология фанлари доктори

Ҳожи Абдулла ОРИФ

ҲАЖ ДАФТАРИ

КАЪБАТУЛЛОҲ

Ҳануз бири икки бўлмаган элдан
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.
Баҳри хун, толеи кулмаган элдан
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Бир замон унинг ҳам бўлган қудрати,
Дунёни ёритган зеҳни, фикрати.
Ҳатто қирғоқларни бузган шиддати,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Тегирмон тошидек айланди тақдир,
Қарвонлар тўзғиди, сарбонлар басир.
Банди бўлган эди улуғ юрт, ахир,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Авж олди иғвою фириб, разолат,
Йиғлади бир четда етим адолат,
Борми саодатга, ахир, кафолат,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Хор бўлди Ватанда кимки илми бор,
Бировлар зар билан топди эътибор.
Ҳийлагар кўпайди, кўпайди маккор,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Дуч келган санамга сиғиндик гоҳи,
Бизга кенг очилди Шайтон даргоҳи.
Ахир, нима эди элнинг гуноҳи,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Магар бўри экан одамга одам,
Бир-бирин бошини егай дамодам,
Инсоф, диёнатни унутдик биз ҳам,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Ҳаргиз айнимасин томирдаги қон,
Мудом таъзим қилгай асли қул Инсон.
Ҳақиқат йўқ жойда яшнагай ёлғон,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Қай замон одамлар бад феълин
сездим,
Вафоли дўст излаб дунёни кездим.
Топмадим, топмадим, баридан бездим,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Қошингда тиз чўкиб турибман шу дам,
Дилимда илтижо, қўлимда қалам.
Шафқатинг аяма мендан ҳам, Эгам,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Шукрона айтурман ўзингга, ё раб,
Юз бурдик ҳидоят йўлига қараб.
Ҳақ деган юртимнинг бахтини сўраб
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

ПАЙҒАМБАР

Сиз башар фарзанди, Абдуллоҳ ўғли,
Араб саҳросидек оташин, чўғли,
Пайғамбар бўлдингиз, музаффар
туғли,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Ё, Аллоҳ Расули, тенги йўқ Инсон,
Сизнинг йўлингизни ёритгай Қуръон,
Сиз — Олам сарвари, Сиз —
нури жаҳон,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Қиёмат айёми, Маҳшар айёми,
Сизга насиб этсин Маҳмуд мақоми.
Мудом тилингизда умматлар номи,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Сиз билан олишди мушриклар аввал,
Бир нафас тинмади жанг ила жадал,
Раббано қўллади Сизни ҳар маҳал,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Сизнинг муродингиз ҳидоят эрур,
Шўрлик бандаларга иноят эрур,
Сизга уммат бўлмоқ саодат эрур,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Сизнинг зиёратга келмишдир жаҳон,
Сиз боис Мадина тун-кун чароғон,
Қуёш кетмас бундан, ой боқар шодон,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Қабрингиз қошида турфа умматлар,
Сувратлар бошқа-ю ўзга Сийратлар,
Ахир, хос Инсонга алвон сифатлар,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Бир ёнда иймони бутунлар турар,
Бир ёнда такаббур, манманлар юрар,
Бари ҳам Аллоҳдан кушойиш сўрар,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Раҳмдил Инсонсиз, баҳри кенг Расул,
Барчага яхшилик тилайсиз нуқул,
Лекин куфр билан кимлардир машғул,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Қимдир пок бўлгали ичади қасам,
Лекин ичи қора, Шайтонга ҳамдам,
Улар Сизга фақат орттиради ғам,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Ҳазрат, сўранг бизнинг гуноҳимизни,
Бошланг тўғри йўлга гумроҳимизни,
Эгамга етказинг оҳ-воҳимизни,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Дунёда яхшилар кўп ҳали, шукур,
Улар бор, ёғилар замин узра нур.
Умматсиз йўқ сизга ҳаловат, ҳузур,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Келдим зиёратга, озурда жонман,
Ранжу балолардан тўйган Инсонман.
Сизнинг пойингизда гардман,
тўзонман,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Ҳақ деб нина билан тоғларни қаздим,
Бандаман, рост йўлдан гоҳида оздим.
Тавбамнинг изҳори — шу шеърни
ёздим,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

ИБРАТ

Ружу қилмадилар Ҳазрат Пайғамбар
На юксак саройга, на олтин тахтга.
Қайгадир толиқиб этганда сафар
Суяниб дам олди бир туп дарахтга.

Қим айтар, дунёда кибр устивор,
Қим айтар, умрнинг маъноси шуҳрат.
Расул камтарликни қилиб ихтиёр,
То Маҳшар бизларга қолдирди ибрат.

Расул амр қилди: — Кесинг дарахтни,
Ўйламанг, борлиққа йўқдир ҳимматим.
Пайғамбар дарахти бергай деб бахтни
Сиғиниб юрмасин унга умматим.

ОНА

Каъба қопқасида турган, эй посбон,
Аввал оналарнинг очгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавоф қил, кўзга сурт, ўпгин
қўлларин.

Ҳожар онамизнинг нидоси сабаб
Каъбада кўз очган оби зам-зам ҳам.
Бир умр талпинмиш онага қараб
Не-не пайғамбарлар, кўзларида нам.

Қавмимни ранжитиб қўймайин, аммо
Тобут ясаб келган эр зоти доим.
Оналар бағрига фақат бешик жо,
Ҳаётбахш аллалар айтган, мулойим.

Шўрлик одамзоднинг толеи учун
Энг аввал оналар қилсин ибодат.
Зора, гуноҳлардан пок бўлгай очун,
Оналар ўтинчи топиб ижобат.

Каъба қопқасида турган эй, посбон,
Аввал оналарнинг очгин йўлларин,
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавоф қил, кўзга сурт, ўпгин
қўлларин.

АРОФАТ

Арофат тоғининг этакларида
Кўрдим қиёматнинг аломатларин.
Ҳамма бир хил либос—эҳром сарида,
Қайтадан варақлар умр дафтарин.

Йўқдир биров билан бировнинг иши,
Айқаш-уйқаш бўлмиш ер билан осмон.
Ҳар кимнинг ичида дарди, ташвиши,
Шукрона айтмасанг осийсан шу он.

Мажруҳ боладан то мункиллаган чол,
Лаббай, Аллоҳим деб қилар илтижо.
Кимдир ташналикдан инграйди беҳол,
Кимнингдир ҳаёти шул ерда адо.

Намоз вақти келар, тумонат муслим,
Саждага эгилар, кўзда жиққа ёш,
Мен ҳам сафим билан тиз
чўкаман жим,
Балки мен ҳам қайта
кўтармасман бош...

Қиёмат нима деб сўрама энди,
Унинг бир саҳнасин кўрсатди Аллоҳ.
Зўр денгиз тонггача қайнади, тинди,
Синовдан ўтганим рост бўлсин,
Валлоҳ!

ҲОЖИЛАР

Ҳалоллик Исломда энг олий матлаб,
Тўғрилик Муслимнинг асл гултожи.
Бир куни ўртада Шайтон оралаб,
Ҳожининг ҳамёнин урди-ку ҳожи.

Қайсибир ўлкадан келган кекса чол,
Бор-йўқ бисотидан бўлди мосуво.
Не қилсин? Чорасиз тураберди лол,
Дилида шукрона, тилида дуо.

Ўғри ҳожи эса мамнун ишидан,
Тинмайин саждага эгилар боши.
Нобакор банданинг бу қилмишидан
Бадтарроқ қорайди Каъбанинг тоши!

●

Эҳром кийиб олган икки мусулмон
Бир-бирин сўкишиб чой талашарди.
Асли билмаснлар, шу зум икковлон
Дўзахнинг тубидан жой талашарди.

●

Кезиб бу шаҳарни балки ҳоргайсан
Ва лекин Аллоҳга дилинг ёргайсан.
Адаша-адаша Маккани топдинг,
Энди адашсанг гар қайга боргайсан.

АСЛИЯТ

Бу ерга ўғри ҳам, тўғри ҳам келар,
Покланиш ҳар кимнинг муддаосидир.
Гуноҳу савобин ҳар банда билар,
Элнинг у шоҳидир ё гадосидир.

Ҳаётнинг оқимин тўхтатиш қийин,
Ҳеч ким айри тушмас қорган лойидан.
Бир карра покланиб олгандан кейин
Ишларин бошлайди келган жойидан...

ШАЙТОН

Лаънатлаб бўлса ҳам, қарғаб
бўлса ҳам
Ҳар кун тиловатда айтилар номи.
Унинг бош суқмаган жойи камдан-кам,
Ичилган ҳар қадаҳ унинг ҳам жоми...

Дейдилар, нораста гўдакни ҳатто
Уйқуда қитиқлаб кулдирар эмиш.
Салгина ғафлатда қолсанг мабодо
Қилмаган ишингни қилдирар эмиш.

Шайтоннинг ҳунари чиндан
ранг-баранг,
Саллани пайтава қилиб ўратгай.
Агар сидқидилдан кўрсатса найранг
Нодонни шоҳ қилиб, юртни сўратгай.

Минода Шайтонни қилдик тошбўрон,
Лаънатга кўмилди бадбахт у лаин.
Дедик, шунча юкнинг остидан Шайтон
Минг йиллаб чиқолмай ётмоғи тайин.

Шодумон йўл олдик Ватанга қараб,
Шайтон қолди, дея чуқурда —чоҳда.
Манзилга қайтгандик, Шайтон,
во ажаб,
Бизни кутиб олди тайёрагоҳда.

Макка — Мадина — Тошкент
25 май — 16 июн

Ҳаким НАЗИР

КИНДОҚ

ҲИКОЯ

1.

ХУРОЗНИНГ БИРИНЧИ ҚИЧҚИРИШИГА чумчуқлар чирқираши қўшилганиданми, Норбувн уйғониб кетди. Лип-лип пилта чироғнинг хира шуъласида ип йигириб, алламаҳалда ётганн учун дармони қуриб, аранг ёстиқдан бош кўтарди. Кунига одати шу. Барвақт туриб дўконга чиқмаса, навбат кўпайиб кетади, нонни олиб келиб чой қайнатгунча нақ гўдакларнинг ичаги узилади.

Норбувнинг тўнғичи Умри укаси Ашурни турғизиб юзини ювдириб, самоварга ўт ташлаб турганда ойиси келди. Келтирган қора булкасини ўткир пичоқ билан учга бўлиб, бир бўлагини дастурхонга бурдаларкан, нондан бошқа болалар оғзига тутгудай ҳеч нарса қолмаганидан эзиларди. Қиш ичи болаларга эрмак бўлган олма қоқи, шинни, тут майизлар соб бўлганди. Шу чоғ ҳовли чеккасидаги қари тутда чумчуқлар чирқирагани Норбуви диққатини тортди. Дарахт тагига оппоқ тутлар тўкилганини кўрдию, югура бориб ликопчага териб келди, чайиб болалари олдига қўйди.

— Омонлик-саломонлик, — деди хийла шира тортиб қолган тутлардан оғзига солиб. — Мана, кўзичоқларим, тут ҳам пишибди. Энди маззе қилаверасизлар...

Болалар иштаҳа билан нонга тутни қўшиб ейишаркан, чеҳралари очилганини кўрган онаизорнинг кўнгли ёришгандай, азонги карахтлиги ёзилгандай бўлди.

Умри ҳовлини чининдай қилиб супуриб қўйди. Боҳор шабадасида меваси тўкила бошлаган дарахт ости қўшни болалар қий-чувига тўлди.

Норбувн қизининг қўлига калава ип тутқизиб, бўзчи отага бериб келишни буюрди.

Кўп ўтмаёқ Умри, қўлида калава, чопқиллаб қайтиб келди. У қисиқ кўзлари пир-пир учган, нафаси оғзига тиқилган кўйи жовиллади:

— Вуй, ойи-чи, ойи! Анутта-чи, жанжал, тўполон!..

Эндигина чарх йигиришга ўтираётган онанинг капалаги учди.

— Қатта! Нима жанжал! Тушунтириб гапирсанг-чи!

— Боқижон отамни тутини... ҳалиги, анақа... одамла кесишвотти!..

— Нима, ким кесаркан бировни тутини?..

Она-бола кўчага югуришди. Ярим чақиримча нерида от-арава, унинг ёнида катта-кичик уймалашган. Бўзчи ҳовлиси деворидан кўчага тарвақайлаб чиққан тут шоҳларини кимдир кесиб, аравага итқитяпти. Бошида кўк бўз салла, мошкичири соқоли кўксига тушган Боқижон ота алланималар дея хириллаяпти. Она-бола у ерга яқинлашиб, қулоқ солишди:

— Бир бандан мўмин ҳовлисидаги мевани кесишга нима ҳақларинг бор, сўрамай-нетмай-а!? Уволидан қўрқмайсанларми? Қандай бевошлик бу!

Дарахт тепасида қўлига болта тутган, сарпойчан, сап-сариқ киши чапаниларча гердайиб, масхараомуз бир оҳангда дерди:

— Э, отахон, тутингиз ўзингизга сийлов. Фақат барги бўлса бас бизга. Бир-икки бойлам шох кимни ўлдирибди. У ёғини сўрасангиз, биз ўзимизча келганимиз йўқ, бунга катталарнинг буйруқлари бор!..

Боқижон ота шахтидан тушмади. Бу зўравонликни тўхтатишни талаб қилди. Тўхтатишмаса, ўша катталар билан ўзи гаплашажагини айтди. Яна ўзининг икки ўғлонни армияга берган фронтчилар отаси эканлигини ҳам эслатиб қўйди.

Эртасига нонуштадан сўнг Норбувининг тамбаланган эшиги гурсиллади. Чиқиб қараса, таниш арава. Ундан кечаги «сариқ маймун» тушди. Тўғри ҳовлига кирди-да, тутга кўз ташлади. Кечаги ҳангомадан юрак олдирган Норбуви:

— Ҳой, барака топкур, менинг тутимга тикилманг. Мен кестирмайман! — дея унинг йўлини тўсди.

— Қўрқманг, келин, тутингиз жойида қолади. Ниҳояти баргидан оз-моз олинади...

— Йўқ, мен олдирмайман. Бу тут ўзимга, болаларимга керак!..

Сариқ киши қулоқ солмади. Этигини ечиб, болтасини қўлига олиб дарахтга тирмашди. Хашпаш дегунча уч-тўрт шохни танасидан жудо қилди. Шох тагига тушган ҳар бир зарба Норбуви танасига урилгандай жони ҳалқумига келар, фарёд чекишдан ўзини аранг босарди. Унинг сиқилаётганини кўрган болалари ўзларини тутолмай чиқиб юборишди. Ғалвани эшитган қўшнилар югура чиқишди. Булар ичида Муслим домла ҳам бор эди. Миқтидан келган, ўттиз беш ёшларда бўлишига қарамасдан тепасочи тушиб, пешанасини ажин босган, истараси иссиқ, қарашлари мулойим бу одамни бекорга «домла» дейишмасди. Олий мактаб мударриси бўлиш билан бирга, маҳалла аҳлининг доно маслаҳатгўйи, яхши-ёмон кунларда қўни-қўшниларга бало-гардон бўлиб туриши катта-кичикка ёққанди.

Домла Норбувининг нолишига қулоқ тутди, тут кесувчининг бежо ҳаракатларига разм солди, кейин осойишталик билан унинг исмини сўраб олди-да:

— Мулла Нодирмат дейман, бу ишни қилишингизга ким рухсат берган ўзи? — деди.

— Ким бўларди, ижроқўм-да, — деди Нодирмат ажабланиб. — Шаҳар атрофида ипак қурти боқаётган колхозчилар бор-ку, шуларга барг етказиб бериш тўғрисида қарор бор...

— Ахир ипак қуртига балх тутмас, ёввойи тут барги берилади-ку?

— Ёввойи тут барги етишмай қолган бўлса нима қилишсин?

— Айтинг-чи, мулла Нодирмат, ўша қарорда шаҳар хонадонларидан мажбурий сувратда балх тутлар кесиб келинсин, дейилганми?

— Уёғини хўжайинлардан суриштиринг, тақсир, биз бор-йўғи буйруқни бажарувчимиз! — Нодирмат сал зардага ўтди.

— Кеча у хонадонни таладингиз, бугун бу хонадонни таламоқчимисиз? Тўғри келмайди бу, мулла Нодирмат. Ўша хўжайинларингизга бориб айтинг: бунақа номаъқулчиликка йўл қўйишмасин. Қани, бўлди! — деди домла, энди гап тамом, туёғингни шиқиллат, деган маънода қилиб.

— Ахир, тақсир, мен мажбурман давлатни қарорини бажаришга! — Икки оёғини бир этикка тиқиб турив олди Нодирмат. — Бажармасам балога қоламан. Хўжайинлар билан ҳазиллашиб бўладими?!

— Ким ўша хўжайинларингиз?

— Биттаси колхоз раиси, биттаси ижроқўм...

«Ижроқўм»нинг исми-фамилиясини эшитаркан, Муслим домла бирдан сергак тортди. Унинг ижроқўмга қачон ва қаердан келганлигини сўраб билгач, ҳайратга тушиб, ўйланиб қолди. «Бу чинданам ўшанинг ўзимикин?» дея иккиланди. Кейин Нодирматга:

— Сиз энди бораверинг, укам, зарур бўлса Рўзи Қўзиевга ўзим қўнғироқ қилиб қўяман, — деди.

Нодирмат сувга тушган мушукдай шалвайиб ҳовлидан чиқди, аравасини ҳайдаб жўнаркан:

— Барибир қайтиб келаман, — деб тўнғиллаб қўйди.

Муслим домла бўлса бу иши билан ўзига ҳийла оғир бир можарони сотиб олганини сезиб қолди...

Кечга томон у хизматдан қайтиб, чой ичишга ўтирганда, эшикдан ранги ўчган Норбуви кириб келди. Унча-мунча ташвишни ичига ютиб кетаверадиган, сабр-бардошли бу аёл йиғламоқдан бери бўлиб, домлага ҳасратини тўкди. Нима бўбди денг, пешин маҳали Нодирмат қайтиб келиб ҳе йўқ, бе йўқ тутга ёпиша кетибди. Норбувининг дод-фарёдига қарамасдан меванинг бир томонини каллаклаб аравасига босиб кетибди. Тағин нима дермиш-а: «Ўша домлангизга айтиб қўйинг, бошида туғи бор бўлсаям, ҳукуматнинг қарорини бузишга ҳақи йўқ. Тут барги зарур бўлса тағин келаверамиз!», деб чирангамиш!

Домлага шу гапнинг ўзи кифоя қилганди. У даставвал бу шўрпешона бевачанинг куйган юрагига сув сепиб, салгина бўлса-да ташвишини енгиллатиш ҳаракатида бўлди. Сўнг оғир ўйга толди... Наҳотки шу зўравонликни ўзича қолдириб, ичига ютиб кетаверса. Булар танага чиққан чипқон-ку. Чипқонни тиғ билан йўқотмагунча алам-ситами босилмайди. «Ҳа, тўппа-тўғри бориш керак амалдорнинг олдига. Ҳамма гапни дангал ўртага ташлаб, уни бу қалтис йўлдан қайтариш керак». Аммо... ижроқўмдаги одам ўзи билган Рўзибой Қўзиевмикин, қандай қилиб амалга мониб қолдийкин у? Агар ўша бўлса, унга сўз уқдириш, тутган тутуми эгрилигини кўрсатиб, йўриғини бузиш... Эҳе!..

2.

РУЗИБОЙ ҚЎЗИЕВ ДЕГАНИ БУ МУСЛИМНИНГ ТЕНГДОШИ, болалик ўртоғи эди. Улар шаҳар яқинидаги мавзеда бир кўчада туғилиб ўсишган. Бир мактаб, бир синф, бир партада ўтириб ўқишган. Бирга юриб-бирга турадиган, орасидан қил ўтмас дўстлар бўлишган-у, фақат хулқ-атворда ажралиб туришган. Муслим қанчалик ювош, мўмин-қобил бўлса, Рўзибой шунчалик калондимоғ бўлиб, такасалтанг, тегажоқлиги бор эди. «Бири ўт-бири сув», дейишарди яқиндан билганлар. Баъзан ўртада туғиладиган чиқишмовчиликларга ҳам феъларидаги фарқлари сабаб бўларди. Рўзибой ўйинқароқлик қилиб айрим дарслардан улгуролмай қоларди, шунда «ёрдамлашвор» деб Муслимга ёпишиб олар, унинг дафтаридан тайёр жавобларни кўчириб олишдан ҳам тортинмасди. Тағин ўзим чиқардим деб ўқитувчининг кўзини бўярди. Шунда Муслимнинг жаҳли қистаб, камчилигини юзига солар, ўқитувчига айтаман деб огоҳлантирарди. Рўзибой парво қилмасдан шу ишини қайтараверди, Муслим жим туролмай, ўқитувчига айтди. Рўзибой бўлса, ўртоқчилик шунақа бўлдими деб аразлади, бир неча кун тескари қараб юрди. Лекин, билагон ўртоғининг кўмагидан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқди шекилли, шаштидан тушди. Муслим ҳам ялхаклигини қилиб, дўстининг айбини унутди. Шу сабабдирки, дўстлик иплари қишлоқ хўжалик институтига кириб ўқиганларида ҳам узилмади. Фақат иккинчи курсга ўтганларида дўстликка доғ туниб сургунга юборилгани, ўшоқда ўлиб кетганини айтди. Очиқчасига иқрор бўлганиданми, ё бошқа сабабданми, Муслимни ортиқ айлантиришмади. Бироқ «ўз аризасига биноан» деган силлиқкина ифода билан гуруҳ бошлиғи вазифасидан озод этиб қўйишди. «Энди орқа-ўнгимга қараб иш қилишим, ҳар бир қадамимни ўлчаб босишим, айниқса бор куч-ғайратимни ўқувга сарфлаб нуқил аълога ўзлаштиришим лозим» деган қатъий хулосага келди. Шу аҳдида маҳкам тургани учун ҳам институтни муваффақият билан тамомлади.

Дастлаб уни ўз колхозига агроном қилиб юборишди. Туғилиб ўсган қишлоғига, кексайиб қолган онаси бағрига келганидан хурсанд эди. Шунга қарамай, Муслим ўзини хизматда чақирилмаган меҳмондай сезиб юрарди. Ўқишини ярим йўлда қолдириб (имтиҳонда қулаб) қайтган Рўзи Қўзиев колхоз идорасида котиблик қилмоқда эди. Тоғаси колхозда партком бўлгани учунми, Рўзибойнинг ошиғи олчи, айтгани-айтган, шадиган бир ҳодиса бўлди. Муслим курсдошларига ҳар томондан маъқул тушиб қолган экан, уни ўзларига гуруҳ бошлиғи қилиб сайлашди. Муслим энди отнинг қашқасидай ҳаммага кўз-кўз, курсдошлари билан ўтказиладиган жамики тадбирларга бош-қош, муаллимлар ҳам, факультет бошлиқлари ҳам баъзи ишларни у билан бамаслаҳат битиришарди. Ҳаммадан кўра Муслимни безовта қиладиган нарса — гуруҳдаги тартиб, интизом. Шунга қолганда у ўзини анча ожиз, ноқулай сезади. Ахир дарсларнинг яхши ўтишига халал берадиган нарсаларни йўқотиш, давоматнинг бўшлиғига сабабкор бўлувчиларнинг танобини тортиб қўйишнинг ўзи бўладими? Айниқса, қизларни ранжитувчи шилқим йигитчаларни тийиб қўйиш Муслимнинг қўлидан келармиди? Бордию ана шундай шилқимликни қилган йигитча унинг энг яқин дўсти бўлса-чи? Ҳа, Рўзибой турли томошаларга алақсиб дарсларга кечикиш, ҳатто келмай қолиш одатлари билан Муслимга бир-икки марта гап тегизди. Муслим, «шу қиликларингни ташла, ўртоқ!» деса, ўртоғидан: «Сен катталигингни менга қилма!» деган жавоб олди. Бу ҳам етмагандай, нозикниҳол бир қизга суюқлик қилиб, ғалва чиқишига сабаб бўлди. Қизнинг отаси институт домлаларидан экан, қулоғига бу ғовга етиб борибди, нақ Рўзибой демаганларни деканатга дингиллатиб келиб, таъзирини берди. «Агар гуноҳингга кўпчилик ўртасида тавба қилмасанг институтдан ҳайдаласан», деб дўқ урди. Рўзибой бўлса, ўламан саттор гуноҳ қилганим йўқ деганча без бўлиб тураверди. Шундан сўнг, Рўзибойнинг шилқимлигини кўрган Муслимни ўртага олишди, Рўзибойни гуноҳига иқрор қилдиришни «яқин дўсти, ҳамқишлоғи» деб унга юклашди. Кейинги вақтларда Муслимга муомаласи совиб қолган Рўзибой, дўстига қулоқ солиш у ёқда турсин, «мени сотдинг!» деб бетига тупурди

Рўзибойга қаттиқ ҳайфсан эълон қилишди, «бундай номаъқулчиликни иккинчи марта қайтармаслик» шарти билан ўқувда қолдиришди.

Кўпчилик олдида уятга қолган Рўзибой ўша кундан эътиборан Муслим билан юз кўрмас бўлди. Ётоқ жойини ўзгартириши етмагандай деканга хиралик қила-қила шу курснинг бошқа гуруҳига ўтиб кетди. Булар билангина унинг алами ёзилмади, Муслимни ҳаммага чалпийдиган қилиқ чиқарди. Эмиш, у мактабдагиларга пора бериб «олтин медаль» олганмиш, институт муаллимларигаям ёғанбардорлик қилиб ўз баҳоларини ошириб юрганмиш. Булар билан кифояланмасдан, Муслимнинг ижтимоий келиб чиқишини ҳам титкилаган кўринди. Буни Муслим деканатга чақирилиб, кутилмаган сўроққа тутилганда пайқаб қолди. Муслим уларга иккиланиб ўтирмасдан ўз таржимаи ҳолидан сўз очди, дадасининг домла имом бўлгани, колхозга киришга тиҳирлик қилгани учун шўрога ҳақсиз қилинган-деган эди. Мажлисларда сўзга чиқар, Муслимнинг ишларидан кемтик топишга ҳаракат қилар, пайт пойлаб оёғидан чалиш пайида бўларди.

Муслим бир йилча ишлагани ҳам йўқ эди, институт аспирантурасига кириш учун қилган илтимоси кондирилдию, ишдан бўшаб олди. Энди у ўзининг асосий орзусига эришиб, илмий ишга берилди, кичик бир ерга экин қилиб, тажриба ўтказишга киришиб кетди. Тўрт йилча вақт ўтгандан кейин, у диссертация ёқлаб, фан номзоди бўлди. Шунда қишлоқ аҳлининг аксариси келиб, Муслимнинг уйини обод қилишди, ўзларидан чиққан ёш олимни севинч-қувонч билан қутлашди, дуо қилишди. Фақат Рўзибой, унга яқин бўлганлар ҳамда парткомдан дарак бўлмади. Муслим уйланганда ҳам тўйда ҳалигиларнинг қораси кўринмади. Муслим бунга парво қилмай деса ҳам, кўнгилчан эмасми, юрагининг бир чеккаси ғаш тортди. Шунда раҳматлик падарининг насиҳатлари ёдига тушди: «Дўстинг юзта бўлсаям оз, рақибинг битта бўлсаям кўп», «Касаллар ичида энг бедавоси — ҳасад касали...».

Нима бўлгандаям Муслим қиндик қони тўкилган жойи, ҳамқишлоқлардан айрилиш фикридан узоқ эди. Лекин институтга қатнашда масофа олислик қилиб, хийла уриниб қолди.

Кейин онасининг розилиги билан шаҳардан жой олиб кўчди...

3.

МУСЛИМ ДОМЛА ЭРТА БИЛАН ИЖРОҚУМГА КИРИБ БОРСА, худди ари уяси бузилгандай одамлар узун бир қаватли бинонинг қаторлашган хоналарига кириб чиқишмоқда эди. Хоналар эшигидаги ёзувларга қараб бораётиб, одамлардан Қўзиевни сўраганди, бурчакдаги хонани кўрсатишди. «Инспектор» деб ёзиб қўйилган кўримсиз пастак хонага кириб борган Муслимни бўйдор, ўйноқи кўзли йигит ўрнидан ирғиб турганча қучоқ кериб қарши олди. Илгари жир битмасдан тарашадай қотиб юрадиган Рўзибой хиёл тўлишгандай кўринди. Соч ўстириб, мўйлов ҳам қўйибди. Муслимнинг хаёлидан «Арзимаган бўлса ҳам амал ёқибди», деган фикр кечди. Кўпдан кўришишмаган ва орада қанча паст-баланд гаплар ўтган бўлса-да, Рўзибой ҳеч нарса ўтмагандай ўзини аввалгича яқин тутишга ҳаракат қилди, «Ўртоқ» сўзини қайта-қайта такрорлаб, қуюқ омонлашди. Муслим эса сохта мулозамат қилиб гапни чўзиб ўтирмасдан, асли муддаога ўтди. Уз кўчасида бўлган тут кесиш воқеаларини эслатди:

— Булардан хабаринг бордир, албатта. Эшитишимча, бу ишлар шу идорадан чиққан экан, шундоқми?

Рўзибой шундай саволни кутган каби ўзини унча йўқотмади-ю, аммо очиқ жавоб беришга тили қовушмайроқ:

— Ҳа, анави... кўрсатма бўлган...— деди. Кейин ўзини хиёл тутиб олди, давом этди. — Мен сизга айтсам, ўртоқ, бу йил колхозга ҳар йилгидан икки баравар ортиқ пилла тушди. Хонадонларда қуртлар жонланувдики, тут барги етишмай қолди. Шаҳардан ёрдам сўрашди. Ижроқўм қарор чиқариб, бу ишга одамларни сафарбар қилди. Ахир қишлоққа ёрдам қўлини чўзмасдан бўладими!..

— Тузук, доно ташвиқотчи бўб қолибсан, — деди кесатиб Муслим. — Қани ўша қарорни кўрсат-чи!

— Ҳей, ўртоқ, — деди Рўзибой малол чекиб, — олим одамга ким қўйди ҳукумат ишига аралашиб, жон қойитишни!..

Рўзибойнинг масхараомуз сўзи бировга қаттиқ-қурум сўзлаб ўрганмаган Муслимнинг нафсониятига тегди, дилидагини тилига чиқариб юборди:

— Агар нотўғри қарор чиқарилсаям аралашмаслик керакми? Шаҳар халқининг манфаатига хилоф, ризқ-рўзини қиядиган қарор бўлсаям-а!?

— Сал орқа-ўнгингга қараб гапирсанг бўларди, ўртоқ. Озгина тут барги кесиб олинса, осмон узилиб ерга тушадими?

— Сен-чи, Рўзи, амал курсисида ўтирибман деб ж-жа ўзингдан кетма! Одамларнинг аҳволини суриштирмай туриб кекирдагингни чўзма! Ўша сен кестирган тут эгалари қандай кун кечираётганларини мендан сўра!..

Муслим домла ҳамсояси Норбувидан сўз очди. Неча йил кўзи тўрт бўлиб кутган эридан уруш охирида «қора хат» келган Касалманд қайнонаси фарзанд доғида ўртана-ўртана оламдан ўтди. Норбуви аза устига аза тутиб, эгнидан мотам либосини ечганига кўп бўлгани йўқ. Йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган кунларда икки боласи билан тирикчилигини ҳолма-ҳол тебратиб турибди. Мактабда фаррошлик қилиб, қўни-қўшниларнинг оғир-енгил юмушларига қарашиб топгани болаларнинг бошига етса-оёғига етмас экан. Очяланғоч қолмаслик учун келинлигида орттирган пичоққа илинарли буюмларни ҳам бозорга чиқариб сотишга мажбур бўлган. Устига-устак уруш йиллари тушган пахта солиғини тўлаш учун одамлар кўрпа, кўрпачаларини сўкиб топширишганда, Норбуви ҳам четда қололмаган, Арғамчига қил қувват дегандай жонига андаккина ора кираётган нарса ҳовлидаги уч-тўрт туп мева дарахтлари бўляпти. Шу мевалар етишганда, болаларидан ортганини бозорга чиқариб туради. Илик узилидга қора тушадиган балх тут ҳам рўзғорга бир қадар тап босди бўларкан...

Муслимнинг сўзларини Рўзибой қовурғаси қайнишиб, ғижиниб тинглади. Лекин ғижинганини билдирмасликка тиришиб, зўраки илжайганча деди:

— Ўртоқжон, фақат бир дўстона маслаҳатим шу: яхшиси алоқанг бўлмаган ишларга аралашиб, ўзингни ёмон отлиқ қилма. Қарорни бузаман деб овора бўлишнинг ҳожати йўқ. Оқибати яхши бўлмайди, гапнинг хўрози шу, ўртоқжон...

— Бўлмаса ўзинг ҳам гапнинг лўндасини эшит, — деди энди обдон йўсини ўзгарган Муслим. — Ўша нотўғри қарорни чиқарганларга айтгин: халқнинг ғазабидан, худонинг қаҳридан қўрқишсин!..

Муслим домла, ўзини қийнаган фикрларни баралла тўкиб, кўнглини бўшатгандай бўлди. Бироқ шуни ҳам пайқадики, бу гапларни эски дўстига рўпара келгани, ундан заррача ҳайиқадиган жойи бўлмагани учунгина бемалол айтолди. Бошқа бир одамга дуч келган бўлса, бунчалик кўтара савдо қила олармиди? Шуни ўйлаб қайтаркан, Рўзибой айтган: «...ўзингни ёмон отлиқ қилма... оқибати яхши бўлмайди», деган сўзлар қулоғи остида такрорланиб, юрагининг қаърида аллақандай андиша, гумон соя солгандай бўлди. Бу туйғу ўхтин-ўхтин унинг ороминн бузиб турди. Шу билан бирга назарида Норбуви ҳам, бошқалар ҳам ортиқча ташвишдан ҳоли бўлгандай, ўзи қилган ҳаракат зое кетмагандай кўрниб, юпанди...

Аммо...

Кейинги ҳафта Муслим домла кўринмай қолди.

МАҲАЛЛАДА ХУНУК МИШ-МИШ ТАРҚАЛДИ: «Муслим домлани махфий идора олиб кетиб, ўтқизиб қўйганмиш...». Биров «Домла тилидан илинганмиш» деса, биров «Домланинг эски айблари очилганмиш» дер, бошқаси «Балки бечора қуруқ туҳматга учрадимикин-а!» деб тахмин қиларди. Тахминларнинг қайси бири тўғри, ҳеч ким билмасди...

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

„МЕНГА НИМА?"

ЕХУД ЎИЛАШГА ЭРИНАДИГАН ОЛОМОН ФАЛСАФАСИ

БИР КУНИ АФАНДИ КЎЧА ЭШИК ТАГИГА ЧИҚИБ, хаёл суре-е-б ўтирса, бир одам ҳовлиқиб келиб қолибди.

— Мулла Насриддин! — дебди. — Кўча бошида бир арава келяпти. Ичи тўла ноз-неъматлар!

— Менга нима? — дебди Афанди пинагини бузмай.

— Қизиқмисиз? — дебди бояги одам. — Уша ноз-неъматларни подшоҳи олам сизга юборибди!

— Сенга нима?! — дебди Афанди...

Ў-ку, бир латифа. Лекин «менга нима», «сенга нима» деган фалсафа қонимизга шу қадар сингиб кетганки, баъзан дод деб юборгинг келади.

Яқинда Жиззах вилоятига борганимда бир воқеани гапириб беришди.

Тўрт-беш йил илгари Жиззах обкомида Клепиков деган котиб бўлар эди. Ўзбек тилига давлат мақоми бериш ҳақидаги масала муҳокама қилинаётганида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳунарлар кўрсатди. Аллақайси бурчакларда «Ғайри миллатлар йўқолсин» деган варақалар пайдо бўлди. Шунақа варақалардан бирини вилоят рўзномасида босишга мажбур қилди. Қарасак, қоғознинг биронта жойга қоқиб қўйилганини тасдиқловчи тешиги йўқ. Деворданми, дарахтданми йиртиб олинган десак, елим изи йўқ... Демак, ўша мудҳиш варақа кимларнингдир қўли билан махсус тайёрланган.

«Сиз қанақа раҳбарсиз, тақсир, бунақа туҳматларни газетада боссак, кўп йиллар оға-ини бўлиб келган халқлар ташвишга тушиб қолмайдими, йўқ жойдан ғавғо қўзғамаймизми, десак мажбур қилиб, чоп эттирди. Ҳайрият, замонлар ўзгарди. Клепиков дегани чиққан ерига кириб кетди. Лекин ўша кунларнинг асорати, мана, ҳамон давом этяпти...

Ўша воқеани эсласам, хаёлимга бир-биридан изтиробли ўйлар келаверади. Қачондан бошлаб бу қадар лоқайд бўлиб қолдик? Кечами? Бугунми?

Ким билсин! Қайсари Рум лашкарлари юртимизни босиб олганида, Спитаменнинг боши хиёнаткорона кесилиб, душманга тантанавор тақдим этилганида ҳам «Менга нима?» деб, бир чеккага чиқиб турганлар оз бўлмагандир? Эҳтимол араб босқинчиларидан ўз Ватанини ҳимоя қилган Муқаннанинг сафдошлари орасида «Менга нима» деб пана-панага уриб кетганлар ҳам оз эмасдир?

Ярим ёввойи мўғуллар гуллаган воҳаларни пакана отининг туёғи остида топтаганини кўриб туриб, чеккага чиққанлар қанча бўлганийкин? Тарихнинг гувоҳлик беришича, душман қўлига тушиб қолган бир аёл саҳройи босқинчилардан жон сақлаш умидида илтижо қилган экан: «Агар мени ўлдирмасанглар бир сирни айтаман. Мен ярим жаҳонга тенг гавҳарни ютиб юборгам. Сабр қилсанглар... «Шунда мўғуллар фақат ўша бечора аёлнинг эмас, атрофдаги жамики хотин-халажнинг қорнини ёриб, гавҳар излашган экан. Ўша паллада «менга нима?» деб четга чиқиб турган ва бу ҳам етмагандек, ўз халқига хиёнат қилган Маҳмуд Ялавочлар қанча бўлганийкин?

Ўтган асрнинг ўрталарида Россия босқинчилари Оқмачитни забт этди, деган хабар келганида Қўқон хони саройида базми жамшид қилиб ўтирган аъёнлар «олса-олибди-да, шу билан еримиз камайиб қолармиди?» деб қўл силтаб қўйишганига ишонмай илож йўқ. Акс ҳолда Тошкентда босқинчиларга қарши қонли жанглар кетаётганида, уёғи Қўқон, буёғи Марғилону Андижондан келган сарбозлар ҳарбий аслаҳалари жиҳатидан тенгсиз рақибга қарши жон олиб, жон бераётганида Бухоро амири Насруллохон Қўқон хонлиги устига лашкар тортиб бормас эди.

Қандингни ур, амир! Баракалла хон! Офарин, беклар! Ўртачароқ йўталсанг, овозинг сарҳад нарисига чиқиб кетадию, ҳар биринг ўзингча «шаҳаншоҳ» бўлгинг келади! Ўзингни осмонда сезасан! Тўғри қиласан! Бир-бирингни ур, ўлдир, бир-бирингнинг гўштингни хомлигича еб ётавер! Сенга нима?!

Қодирий домланинг Юсуфбек хожиси остонанг тагида қандай баттол душман турибдию, сенлар бир-бирингнинг гўштингни ейишдан бўшамайсан, эсингни йиғсанг-чи, нодон оломон, деб инграганида нақадар чуқур ҳақиқат бор!

Яна гувоҳлик беришларича, Тошкентни босиб олган ўрис аскарлари шаҳарга «муждика чалиб» кириб келганмиш. Такяхонада ёнбошлаб ётган банги «вой-вой-ей, баччағарни карнай чалишини қаранг, одамни сел қилиб юборади-я, отангга раҳмат-е!» деб хитоб қилган эмиш... Сизларни билмадим-ку, мен бу гапга ҳам ишонаман. Такяхонада сасиб ётган бир бангига юрт ғамини ўйлаш не ҳожат? Бир чимдим наша, бир дамлам кўкнор кифоя. Унга деса шаҳар вайрон бўлмайдими? Эл қирилиб кетмайдими?

Астағфурилло! Наҳот ҳаммамизнинг вужудимизда озми-кўпми бангилик қони оқса?!

БУНДАН БИР НЕЧА ЙИЛ ИЛГАРИ СОЧИГА дам олишга бордим. Мева-чева харид қилиш ниятида бозорга кирдим. Шляпа кийган, бўйинбоғ таққан зиёлинамо харидор саватга солиб қўйилган зарғалдоқ шафтолини бармоғи билан шошмай эзғилади.

— Қанчадан сотяпсан? — деди беписандлик билан.

Сотувчи — озарми, арманими, гуржими (ҳарқалай, кавказлик) харидорнинг қўлига тушириб қолди.

— Торт, қўлингни! — деди ғазаб билан. — Биринчидан, мен сенинг уканг эмасман, сансирама! Иккинчидан, шафтолини меҳнат билан етиштирганман. Дуч келган ислоқи эзғилашига йўл қўймайман!

Ажаб, харидор дарҳол ҳушёр тортди. Узр сўради...

... Сочида магнолия деган дарахт ўсади. Гуллари чинни пиёладек, нимпушти, нафис... Ольга Берггольц «Кундузги юлдузлар» китобида уни «жаннат гули» деб таърифлайди...

Санаторийда мени даволаган кекса ўрис дўхтир — собиқ жангчи экан. Устига-устак йигирманчи йиллар охирида Тошкентга келган, ўз ибораси билан айтганда, «самариска»лардан экан. Қадрдон бўлиб кетдик. Ҳатто Сочи телевидениесида биргалашиб суҳбат ҳам қилдик.

Уйга қайтаётганимда дўхтир ўз боғидан бир дона магнолия гулини совға қилди. Болаларингга олиб бор, деди.

Эртаси, аэропортда Тошкент самолётидан тушириб юборишларига бир баҳя қолди. Қонун бўйича ҳеч кимнинг Сочи набототини ўғирлашга ҳаққи йўқ экан...

Бу ҳангомаларни бежиз эсламадим.

Шу йил айни қулупнай пишиғида Тошкент халқа йўлидан бораётиб, қаторлашиб тўхтаб турган машиналарга кўзим тушди. Қарасам, катта йўлнинг ўнг томони — қулупнай пайкаллари. Деҳқонлар шундоқ пайкалдан қулупнай териб чиқиб, сотяпти. Ҳавасим келди. Яқин бордим... Лаб-лунжини бўяган, юзига беармон «шпаклёвка» суркаган, чапанича айтганда, «қулоғидаги сирғаси калласидан ўн ҳисса қиммат» хонимча, ёши тахминан мен тенги деҳқон билан савдолашяпти.

— Эй, бабай! Қулупнайнг неча сўм?

«Бобой» ўрисчани сувдек биларкан.

— Олинг, сестра, олинг, йигирма сўм! — деди илжайиб.

— Йигирма бешдан оламан. Бир соатдан кейин самолётга чиқишим керак. Аммо танлаб оламан.

— Пажалиста, сестра, пажалиста! Сиздек чиройли баршня оламан дейдию мен йўк дейманми? — Деҳқон капгирча билан тарозига энди қулупнай солаётган эди, «баришня»нинг ипдек қоши тахдидли чимирилди.

— Қўлингни торт, бабай! — деди жеркиб, — Ўзим танлайман. — Шундай деб энг сара қулупнайларни битта-битталаб тарозига қўя бошлади.

Қоним қайнаб кетди.

— Ҳой, инсон! Қизингиз тенги хоним сизни нега «сен» дейдию, сиз нега уни «сиз»лайсиз? Орият деган нарса борми ўзи?

«Бобой» киприкларини пирпиратди.

— Така бўлсин, сут берсин, домла! Йигирма бешдан оляпти-ку?

... Йиғлагим келди.. Нима десам бўлади бу одамга? Ҳой, барака топкур! Чайқовчи бўлсангку, айтардим: ҳа, энди чайқовчи беш сўм учун имонини сотмаса, чайқовчилиги қаёқда қолди, дердим. Сен деҳқонсан-ку, инсон! Сут берадиган «така» юртингнинг бойликларини сув текинга супуриб кетаётганини биласанми? Мана шу хоним ўз юртида ойига камида ўн минг, эри йигирма минг маош олишидан ўша юртларда пул деган матоҳ хазон сингари босилиб ётишидан хабаринг борми? Сен унга бир кило қулупнайни 25 сўмга сотганингга хурсандсан. У ёқларда қулупнай камида 200 сўм туради. Буниси ҳам майли. Худо берган ақл-идрок деган неъматни ишлатсангчи! Уч чақирим нарида — шаҳарда яшайдиган синглингнинг болалари, акангнинг фарзандлари қулупнайга оғзи тегдими? Йў-ў-ўқ! Сенга барибир! Беш сўм ортиқроқ ҳақ берганнинг товонини ялайсан! «Бабай» дейдими, «басмач» дейдими, барибир... Така бўлсин, сут берсин!..

Хонимча саватини тўлдириб жўнаб қолди.

— Менга беш кило! — дедим ғазабимни аранг босиб.

— Йигирма бешдан, домла... — Қулупнайчи тағин киприкларини пирпиратди. — Ўзингиз кўрдингиз, одамлар йигирма бешдан оляпти...

...«Шаҳар бедарвоза эмас» деган гап бор. Бир замонлар Тошкентнинг тўққиз дарвозаси бўларкан. Ҳозир дарвозадан кўра тешиклар кўп, туйнуклар кўп. Сочидан бир дона гул олиб чиқаётганимда йўлимни тўсганлардан ранжиган эдим. Энди ранжимайман. Тўғри қилишган экан!

Ҳар юртнинг ўз тош-тарозуси бўлмоғи керак экан.

«Известия» рўзномасининг хабар қилишича, 1992 йилнинг тўрт ойи ичида Россияда ўтган йил шунча фурсатдагига нисбатан 2 миллион 800 минг бош қорамолни кўпроқ сўйиб юборибдилар. Бир қисми ҳаром ўлибди. Сабаб — хашак етишмаган эмиш...

Бундан бир неча йил аввал поездда Москвага — ёзувчилар анжуманига бордик. Россия минтақасига кирганимиз замон қозоқ шоири вагон деразасидан қараб, хитоб қилди. «Шўп! Ой-баёв. Шўп кўп экан-ғўй!»

Қарасам, темир йўлнинг икки томони ўтлоқ. Одам бўйи келади. Кўзинг илғагунча ўтлоқ.

«Известия»даги ўша хабарни ўқишим билан бепоён ўтлоқлар кўз ўнгимга келди. Майли, Қозоғистонда қурғоқчилик бўлиб, ўт унмаслиги мумкин. Ўзбекистон ерларини пахта «еб қўйган» бўлиши мумкин. Лекин бу бепоён юртда ҳар бир оила камида ўн бош мол боқишга қудрати етади, шекилли.Бутун дунёни гўшт билан сутга тўлдириб ташлашга қодир, шекилли...

Бу билан ҳеч кимга иддао қилиш ва айниқса, Худо асрасин, камситиш ниятим йўқ. Мажбурий коллективлаштириш деган зўғум деҳқонларнинг ердан кўнглини совутганига, Россия қишлоқлари айнан шунинг оқибатида ҳувиллаб қолганига ақлим етади. Лекин бошқа ҳақиқат ҳам бор. Бир юрт далалари ҳувиллаб ётсаю, деҳқончилик маҳсулотлари нуқул бошқа юртлардан ташиб келтирилаверса, униси ҳам, буниси ҳам охир-оқибат қашоққа айланмайдими?

ЎЗБЕКИСТОН БОЖХОНАСИ ХОДИМЛАРИ олди-сотдини тартибга солиш учун қўлдан келганча уриниб ётишибди. Лекин шаҳар, барибир —бедарвоза! Бир эшикни ёпсанг, минг тешиги очилади. «Бобой» деҳқон ҳар кило қулупнайига ортиқча беш сўм олгани учун оғзи қулоғида. Вокзал, аэропорт, аэровокзал деган дарвозаларда эса шундайлар борки, биров қўлига минг сўм тутқазса, миллион сўмлик неъматни бемалол юклаб беради! Унга нима! Киссасига чойчақа тушса бас!

Хўп майли... Бу — масаланинг моддий томони. Маънавий жиҳатдан-чи?

Яқинда болаликдан бирга ўсган дўстим Салоҳиддин ўғлини уйлантирди. Каминанинг «хизмати» шу бўлдики, ҳоли бир хонага кириб ўртоғимнинг қайнотаси билан узоқ суҳбатлашдик.

Ёши етмишдан ошган отахоннинг қисматини бафуржа эшитсангиз, бутун бошли китоб ёзиш мумкин. Мунгли ва даҳшатли китоб...

— Отам машҳур кўнчи бўлганлар. «Қулоқ» қилиш бошланганида бор буд-шудимизни давлотга топширдилар. Терилар, отлар, туялар... Ўшанда тўрт-беш ёшлардаги бола эдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Битта қўзичоғим бўларди. Ишонсангиз, ёнимда олиб ётардим. Мени кўрса, дикир-дикир сакраб, чопиб келарди. Қўзичоқни олиб кетишаётганида дод солиб йиғладим. Ёдимда бор. кўклам эди, ёмғир ёғиб турувди, кўчага чиққанда «Сельсовет амаки»нинг этагига осилиб ялиндим. «Жон амаки, қўзичоғимга тегманг», дедим. Сельсовет «йўқол, унсурнинг боласи!» деди-да, ёқамдан олиб улоқтириб юборди. Лойга шалоплаб тушдим. (Ўша «амаки» ўзбек эди). Қўшнилар бу ҳангомани бамайлихотир томоша қилиб туришарди...

Қозон шаҳрига «висилка» қилиндик... Фалакнинг гардиши билан қайтиб келгач, мактабда ўқидим. Аълочи эдим. Активист, комсомол ташкилоти котиби эдим. Эски турмуш иллатларига қарши фаол курашишни ягона шиор деб билардим. «Бой-феодал» оиламиз адолатли жазоланганига чиппа-чин ишонардим. Ўша кезлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовларга қарши кураш бошланди. Мактабда митинг бўлиб, «Халқ душманларига ўлим!» деган қийқириқлар янгради. Мен ҳам кучим етганча чинқирдим. Фақат битта одам — адабиёт муаллимимиз бир чеккада ранги ўчиб турарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Индамай турди-турди-да, «ёлғон, туҳмат, ишонмайман» деб инграб юборди... Орадан кўп ўтмай муаллим тўсатдан ғойиб бўлиб қолди.

Уткир ҲОШИМОВ,
Узбекистон халқ ёзувчиси

1939 йили яна бир воқеа бўлди. Синф бўйича навбатчи эдим. Танаффусдан қайтиб келсам, синфдошларимдан қайси биридир артиб, тозалаб қўйган доскага ҳазиллашиб бўр билан чизиқ тортиб ташлабди. Дарсга қўнғироқ бўлиб қолди. Латтани қидириб тополмайман. Қарасам, шумлик қилиб, ғиштин печканинг дудбуронига илиб қўйибди. Осилиб, латтани олаётганимда печканинг иккита ғишти кўчиб тушди. Шунинг устига ўқитувчи кириб қолди... Кейинги танаффусда кўчадан лой чангаллаб келиб, ғиштларни жойига қўйдим. Қўлимдан келганча суваган ҳам бўлдим.

Эртасига ярим кечагача мажлис бўлди. Масала жиддий. «Фалончи унсурнинг ўғли пистончи—бузғунчи, ички душман. Совет мактабининг печкасини атайлаб бузди. Комсомол сафига қора ниятда суқулиб кирган». Мажлис уч кун давом этди. Синфдошларимдан бири мени жиндай ҳимоя қилмоқчи эди, бечорани ҳар томондан талаб ташладилар. «Сен ҳам унсурнинг боласисан», дедилар. Беҳос кўчиб тушган иккита ғишт учун ўн беш яшар боланинг масаласи уч кеча муҳокама қилинди. Казо-казо ўқитувчилардан биронтаси айтмадики, барака топкурлар, биргина шу болага қирқ-эллик киши ҳужум қилишимиз тўғрими, демади. Ҳар ким ўз жонини ўйлар эди. «Ёт унсурнинг ўғли» сифатида мактабдан ҳайдашди... Тўғри, ярим йилдан кейин мени ўқишга қайта тиклашга қарор қилдилар. Аммо энди шўро мактабидан ҳам, комсомолидан ҳам кўнглим муз бўлиб кетган эди.

Буни қарангки, уруш бошланганида менинг «душманлигим»ни унутишдими, биринчилар қатори повуска келди. Олти йил қон кечдим Хафа бўлманг-ку, уруш ҳақидаги китобларни ўқисам, ёзувчилардан ҳам ҳафсалам пир бўлиб кетади. Мард бўлса, «ўзбек дивизияси»даги ҳар юз кишидан тўқсон бештаси немис замбарагига ем бўлганини, менга ўхшаганларни «юлдаш», «баран», деб камситишганини, энг қалтис пайтда, «анави ерга сен борасан», деб буюрганини нега ёзмайди?! Тўғри, 9-Май мен учун энг катта байрам. Совет давлатидаги ҳамма халқлар бир бўлиб фашистни енганимиз рост. Аммо-лекин урушда камситишлар, ҳақоратлар бўлгани ҳам — бор гап... Ёзувчилар ҳақиқатни ёзади, дейсиз. Унақа бўлса, уёғиниям, буёғиниям ҳаққоний ёзсин-да!

Оқсоқолнинг гапига нимаям қўшиш мумкин? Ҳаммаси ҳақиқат. Аччиқ ва аламли ҳақиқат.. Зулм системаси одамларнинг оғзини боғлаб ташлагани, ғиринг десанг хонимонинг куйиб кетиши, Файзулла Хўжаевлар устидан олиб борилган «суд» моҳиятини тушуниб етган ва изтироб билан инграган адабиёт ўқитувчисининг бир кечада ғойиб бўлиши... Ғишт воқеасида синфдошини ҳимоя қилиб оғиз очган боланинг бошида тўпланган қора булутлар.... Ҳаммаси чиппа-чин...

Лекин... Беш яшар бола «қўзичоғимни ташлаб кетинг, жон амаки» деб ёлбораётганини кўриб турган қўшнилар ўз ҳамқишлоғи, тобуткаши бўлмиш «Сельсовет амаки»га бир оғиз айтиши мумкинмиди? «Қўйинг энди, биррдар, бир ердаги одаммиз, шу норасидани чирқиллатманг» деса бўлармиди? Билмайман... Назаримда ўша паллада ҳам «менга нима?» деган ақида устивор бўлган эса ажабмас.

Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевлар қамоққа тиқилганида «халқ душманларига ўлим!» деб чинқирганлар орасида кечагина ўша одамларнинг суратини кўтариб юрганлар, этагида намоз ўқиганлар оз бўлганмикин? Наҳотки улар оддий бир ҳақиқатни ўйламади экан? «Кеча-ку, мен уни «доҳий» деб юрган эдим. Майли, беайб Парвардигор, улар ҳам адашгандир, хато қилгандир, лекин қачон бунчалик душманга айланиб қолдийкин» деган ўй калласига келмадимикан?

Чамаси, бу ўринда зулм системасининг оддий механизми ишга тушган. Доҳий Ленин «пайғамбарона» башорат қилган: «биз ушбу жамиятнинг оддий винтчаларимиз!» Доҳийнинг яна бир башорати, тўғрироғи башоратомуз ибораси бор: «вайсақи интеллигентлар»...

ҚАРАНГ, НАҚАДАР ОДДИЙ ВА ДОНО ҲАҚИҚАТ. Бизнинг жамиятда ҳар ким — винтча, Митти темиртак! Муттасил айланиб туради. Хоҳласанг уёққа, хоҳласанг — буёққа. Ора-чора мойлаб турсанг — бас. Айлангиси келмаганини улоқтириб юборасан. Бизда ишма кўп — винтлар кўп. Зиёлилар эса винтча бўлишни унчаям хоҳламайди. Олим, ёзувчи, шифокор, муаллим, инженер... ўйлайди. Бизга эса ўйлайдиган «винтча» керакмас. Ўйламайдигани, «менга нима?!» дейдигани керак! Иккита ақлли одамни бошқаришдан кўра икки миллион, икки юз миллион ўйламайдиган оломонни бошқариш осон! Яхши-да! Бугун «яшасин!» деса, эртага «йўқолсин!» дейди!

Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир Элбек, кейинроқ, Ҳамид Сулаймонлар, Шайхзодалар, Саид Аҳмадлар, Шуҳратлар, Шукрулло лар қатағон қилинганида нима бўлди? «Менга нима?» деган оломончилик психологиясидан ошиб тушганлар, ўз қамкасбларини сотган «замонавий Маҳмуд Ялавочлар» қанча эди?

...Саксонинчи йиллар ўртасида авж олган «ўзбек иши» ушбу юртга кўп йиллар раҳбарлик қилган одамни гўрдан олиб, гўрга тиқди. (Бундай лўттибозлик фақат «социалистик» жамиятда бўлиши мумкин. Амал отига миниб юрганда «Доҳий» ясайди, вафот этгач қабрини ковлайди. Фақат «социалистик тузумгина» марҳумдан қасос олади). Кечагина ўша раҳбарни пайғамбар даражасига кўтарганлар, ҳар калимани «бисмилло» ўрнига мазкур одам номи билан бошлаганлар энди унга қарши оташин ва нафратли нутқлар сўзлади... Буни қарангки, замонлар ўзгарди. Бугун худди ўша кимсалар мазкур одамни тағин «пайғамбар» даражасига кўтаришдан истиҳола қилмайдилар. Бир дарднинг уч хил иситмаси: мутеъ-лик, лоқайдлик, мунофиқлик!

Аслида етмиш йиллик тарихимизда Ўзбекистонга бошчилик қилган ҳар бир раҳбар хоҳлайдими-йўқми — Москва иродасини бажаришга мажбур бўлган. Шундай экан, улар ўзларининг фазилат ва камчиликлари билан тирик инсон бўлганини адолат тарозисига солсак ва шунга яраша ҳурматини жойига қўйсак, тўғри бўлмасмикин?

...Ўтган йил кузида неча юз йилликлар тарихида илк бор Ўзбекистон муқаддас тарихий ҳужжатни қабул қилди. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ деб эълон қилинди! Қизиғи (аниқроғи, аламли жойи) шундаки, Президентнинг бу гапини чоғроқ залда тинглаб ўтирганлар мунғайиб тураверди. Эртасига кўчаларда байрам бўлиб кетишини кутган эдим. Ҳаммаси жимжит. Ҳаммаси ўз ташвиши билан банд.. Бозордаги чайқовчи олмани қанча қиммат сотса, киссасига қанча пул тушишини мўлжаллайди. Ўқитувчи мактабига шошилади. Қаламкаш кеча ёзган очеркига қанча гонорар олишини ўйлайди.

Ажаб! Чет элларда яшашга мажбур бўлган юртдошларимиз бу кунни кўзда ёш билан байрам қилсаю, ўз юртимизда туриб, ўзимиз бепарво юраверсак... Бундан чиқди, бизнинг руҳимиз «ватангадолар», «ватан хоинлари» деб, ҳақоратлаб келганимиз — чет эллардаги ватандошларимиз руҳидан қашшоқроқ, онгимиз, имонимиз эса — сустроқ экан!

Ўйлайман.... Нега шундай бўлди? Ва, ўзимча жавоб излайман, Балки оддий халқ бу хабарни «расмий» гаплардан бири деб қабул қилгандир? Бўлиши мумкин! Деҳқон, чўпон, ишчи ёлғон ваъдалардан толиқиб, адойи-тамом бўлган. Лекин биз-чи? Доҳий таърифлаган «вайсақи интеллигентлар-чи?»

... Ўша кезлари район (ноҳия, туман, балобаттар — номининг аҳамияти йўқ) раҳбарлари, олимлар, хўжалик бошлиқлари даврасига кириб қолдим. Бир олим жон куйдириб, мустақиллик ақидаларини ҳимоя қилди. Бошқалар (асосий кўпчилик) уни «талаб ташлашди». Гапнинг асл моҳияти шу эди: Ўзбекистон мустақил бўлса — ҳаммамиз очимиздан ўламиз... Охир-оқибатда мени ҳакамликка тортдилар.

Даврадагиларнинг ҳаммаси дипломли мутахассислар эди: агроном, инженер, иқтисодчи, олий партия мактабини битирган малакали сиёсатдон... Ҳаммаси зиёли эди. Аммо деярли ҳар бири мустақилликдан шахсий манфаат, ақалли ўз ҳузурини излаётгани кўриниб турарди. Чиқдим-кетдим.

Чиқиб кетдим-да, масаланинг бошқа жиҳатлари ўйладим. Мен борман — дунё бор, қора қозоним қайнаб турибдими — бас, деган тушунчадан воз кечиш осон эмас экан. Бошқа минтақаларда, дейлик, Болтиқбўйида академик билан этикдўз тафаккури орасидаги фарқ — бир қарич. Бизда эса — бир чақирим! Ўйлайдиганлар бир ҳовуч, ўйлашга эринадиганлар — миллионлаб! Борингки, бизнинг баъзи зиёлилар ҳам Болтиқбўйининг этикдўзи даражасида тафаккур қилолмайди. (Бошқаларни ранжитмаслик учун эътироф эта қолай: менинг тафаккурим ҳам шундай).

Ўша суҳбатдан армонли хулосага келдим. «Ўзбек иши» мантиқан тўғри бўлган экан. Негаки, «арман иши», «ўрис иши» «латиш иши», «эстон, литвалик, молдован, гуржи, украин ва бошқа бало-баттар ишлар» бўлиши мумкин ҳам эмас экан! «Асрга татигулик сенсация»ни фақат «ўзбек иши» сифатида дунёга достон қилиш мумкин экан.

Ҳозир «турғунлик йиллари» деб таърифланаётган паллада Ўзбекистонда катта-кичик қийғирликлар рўй бергани рост. Марказдан «чекланмаган ҳуқуқлар» билан келган Гдлян гуруҳи чекланмаган зўғумлар қилди. Ҳўлу қуруқ баравар ёнди. Гуноҳи борлар қатори бегуноҳлар — оддий бригадирдан тортиб давлат арбобларигача, барчасига «антиқа усуллар» қўллаб «айб»ини бўйнига қўйдилар. «Миллион сўм топмасанг, ҳозир хотинингни, қизингни, келинингни рецидивистлар зўрлайди. Ўз кўзинг билан кўрасан!». Бунақа «томошага» қайси ўзбек чидайди? Ажаб! Пахтакор заҳмати етти ухлаб тушига кирмаган, пахтани вата деб юрган Гдлян қандай қилиб ўзбекка ҳакам бўлиб қолди?! Масалан, биронта ўзбек ҳукуқшуноси Арманистонга бориб, нима учун беш юлдузли коньякнинг уч юлдузлигидан фарқи йўқ, нега қўшиб ёзасан дедими? Нима учун Арманистон КГБсида ҳеч қачон биронта ўзбек ишламагану Ўзбекистон КГБси раҳбарлари нуқул кавказликлар бўлган?

Такрор айтаман: бу билан бир халқни иккинчи халққа қарши қўйиш ниятим йўқ. Дўстларим орасида арманлар ҳам оз эмас... Чамамда, гап бошқа ёқда: бу ҳам марказнинг, шўро сиёсатининг навбатдаги «ўйини» эди. Аслида «қўшиб ёзиш» марказ зўғуми билан бошланган, яъни, «чўтал»нинг каттаси марказга кетар, порахўрлик, таниш-билишчилик бутун мамлакатда авж олгани кундек равшан эди. Ундай бўлса, нега энди айнан «ўзбек иши» рўй берди?

Гап шундаки, ўзбек қўйдек ювош. Биров кўз ўнгида қўшнисини итдек хор қилса, тескари қараб тураверади. «Менга нима?»

Тўғри қиласан! Биласан, ён қўшнинг бригадир — яхши одам эди, инсофли эди, Ҳалол эди! Ҳаммасини биласан. Лекин ўша бригадирнинг уйига кимлардир бостириб кирсаю, ҳеч йўқ-бе йўқ қўлига кишан солиб обчиқиб кетса, бола-чақаси чирқиллаб қолса, ин-ининггга уриб кетасан. Ақалли, «ҳой бу қандоқ бедодлик», демайсан, Сенга нима?

Иккитагина адиб, иккитагина олим марказ минбарларида, марказ матбуотида «бутун бошли халққа зўғум қилиняпти-ку», деб овоз чиқарса, ичингда суюнгандек бўласан. Лекин бунга қарши бир гуруҳ пиёниста оломон Москва кўчаларига «Гдляндан қўлингни торт!» деган шиор кўтариб чиқса, пуси-и-б қоласан.. Сенга нима?!

Марказий газетлар Ўзбекистон устидан, мустақил республика раҳбари бошидан тоғоратоғора мағзава ағдарса, ушбу юртда жанжал қўзғаш ниятида минг бир хил ғаволар уюштирса, миқ этмайсан. Иложи бўлса, ҳимоя қилиш ўёқда турсин, мағзавага ўз ёнингдан жиндай кўпик қўшиб ҳам юборасан. Унинг уёққа тортасан, бунинг буёққа тортасан... Сенга нима?!

Ўз халқига таъна қилиш — туққан онасига маломат қилиш билан тенг. Начора, бу гапларни куйганимдан айтаман. Негаки, қўрқаман. Худо кўрсатмасин, диктатура деган аждаҳо қайтадан бош кўтарса, «винтча» бўлиб яшашга кўникиб қолган, ўйлашга эринадиган оломон ўйлайдиган фарзандларнни осиш учун ўз қўли билан дор ясаб бермасмикин?!

УШБУ ГАПЛАРНИ НАШРГА ТОПШИРИШДАН ОЛДИН қадрдон бир дўстимга ўқиб бердим. Дўстим эътибор билан тинглади. Иккки гепнинг бирида «офарин, айниқса шу ерини боплабсиз», деди-да, охиригача эшитиб бўлгач, ўйлаб қолди.

— Биласизми? — деди вазминлик билан. — Халқ сиздан асарлар кутади. Романлар... Қиссалар... Нима қиласиз, бошингизни қотириб... Худога шукур... Эл таниган адибсиз. Бола-чақангиз бор... Сизга нима?!

МИЛЛАТПАНОҲНИНГ МИЛЛИЙ ЗИЁФАТИ

ТАДҚИКОТ * АХБОРОТ

Ўзбек халқининг мутафаккир адиби ва мураббийси Мунаввар қори Абдурашидхонов миллий мактабни ташкил этиш, янгича фикрловчи муаллимларни вояга етказиш, ўзбек болаларининг тарбиясини умумжаҳон талаби даражасига олиб чиқиш учун астойдил жон куйдирган сиймодир.

Эл паноҳи ўқув-тарбия ишларини яхшилаш учун «Муаллимлар жамияти»ни тузиш масаласини кўтарди. Бу ҳақда «Турк эли» (1917 йил, 4 октябр) жаридаси: «1917 йил Феврал инқилобидан кейин 20 чоғли жамият очилган, аксари синфий жамиятлардир... Бу жамиятлар ичинда мустаҳкамроқ хизмат қилув учун ҳаср этгон фақат «Муаллимлар жамияти» бўлди. Бу жамиятнинг очилишини «Иттифоқи муслимин» ила Бутун Туркистон мусулмонларининг II қурултойи тайин қилгон эди, очилгонига 2—3 ой бўлди», деб хабар берди. Шу жамиятнинг ташкилотчиси бўлган Мунаввар қори ўқув-тарбия ишлари, жамият фаолиятини яхшилаш мақсадида маҳаллий бойлар, дин арбоблари, зиёлиларнинг бошини қовуштиришга интилади. Жарида маълумотига қараганда, Мунаввар қори Абдурашидхонов эзгу ниятини амалга оширмоқ учун 1917 йил 24 сентябр — якшанба куни кечқурун ўз меҳмонхонасига чамаси 100 кишини таклифнома билан миллий зиёфатга чақиради. «Ул кун, — деб ёзади «Бир муаллим» мустаор имзоли мухбир, — 50—60 чамасидаги кишилар даъватга ижобат қилиб, зиёфатга ташриф буюрдилар». Меҳмондорчиликда Озарбойжондан келган снёсий арбоб, шўролар Туркистонининг бўлғуси Маориф нозири Муҳаммадамин Афандизода ҳам иштирок этади. Жумладан, у шундай дейди: «Ман бу зиёфатни «Муаллимлар жамияти» қандай мақсад ила ясағонлигининг аввалиндан хабардор эмасман, лекин бу жамиятнинг тузилишларин олиб, мўқаддас хизматлар ишлаб келгонлигидан ва ман баъд ҳам шундай хизматлар, ишларга машғул бўлмоғига тамом қаноат ҳосил қилгонлигимдан сиз муҳтарам ағниёларимиз ва шул ҳиммат ларимизни шу жамиятга ёрдам қўлларингизни юзмоқга таклиф қиламан. Яшасун фидокор муаллимлар ва яшасун уларга ёрдам қилмоқни лозим билган мусулмон қардошлар!»

Шундан кейин «Мунаввар қори меҳмонларни «Баёни хуш омади» қилди. «Муаллимлар жамияти»га моддий-маънавий ёрдам қилмоқни илтимос қилди. Муаллимларнинг 10—12 йилдан бери қилган хизматлари ҳақида маълумот берди. «Миллий мактаб» ва ундан халқнинг истиқболи учун кутган умидларини сўйлаб, жамиятнинг аҳамияти хусусинда кўпроқ сўйлади», — дейди мухбир.

Знёлиларнинг нутқларидан сўнг барча йиғилганлар имкониятлари даражасида жамият фойдасига пул бердилар. Бу ҳимматли инсонларнинг номларини бугунги авлод билиши керак. Жаридада пул берганларнинг рўйхати бор. Қуйида ўша рўйхатни тўла келтирамиз:

«Бешёғоч даҳасидан мулла Тўрахўжа эшон маҳдум — 200 сўм; Шайх Ховандтаҳур даҳаси қозиси мулла Абулвоҳид қори ҳожи — 100; мулла Ашрафхон эшон қози — 50; мулла Ҳайриддинхон эшон ва мулла Нуратхон эшон — 100; Саидмаҳамадаминбек Худоёрхонов — 25; шаҳар бошлиғи жаноб Саидисломбек Худоёрхонов — 100; Саидшаҳобиддин Тожиддинхон эшон ўғли — 300; мулла Кашфхон домла Орифхон эшон ўғли — 200; мулла Сиддиқ охунд — 100; Бобожон тўра — 100; Абдувалиҳожи Абдумаликбой ўғли — 400; мулла Хўжааҳмад Шераҳмад ўғли — 400; мулла Охунжон Абдураҳмон ўғли — 100; Абдурасулҳожи Абдумавли қори ўғли — 200; Одилҳожи Каримбой ўғли (Чимкент) — 100; мулла Нормуҳаммадхон Нурмуҳаммадхон ўғли — 300; Мирмаҳмудҳожи Мирражаббой ўғли — 100; Шоҳабдумавли қори Набижон ўғли — 100; Тошҳожи Туёқбой ўғли — 50; мулла Мирмақсуд Мирҳоднбой ўғли— 300; Саидаҳмадхўжаҳожи Салимхўжа ўғли — 50; Тожихўжа эшон — 50; Нуриддинбек Худоёрхонов — 100; мулла Маҳамад Тоҳиржон Шокиржон ўғли — 200; Шайх Ховандтаҳур даҳа бошлиғи Каттахўжа эшон — 50; мулла Илҳомжон Инъомжон ўғли — — 100; мулла Комилбек Норбеков — 100; мулла Инъомжон Аҳмаджон ўғли — 100; мулла Каримбек Норбеков — 100; мулла Иброҳимжон биродорон Мирҳидоятов — 200; мулла Нуъмон Икромҳожи ўғли — 300; Миртоҳирҳожи ва Мирабдулла Миршароповлар — 200; Абдухалил ва Турсунмаҳаммад Абдулҳаким ўғиллари — 200; мулла Тоҳиржон афанди — 100; мулла Абўлқосим Знёмаҳаммад ўғли — 100; мулла Отажон Назаржон ўғли — 100; мулла Саидакрам Мулла Султон ўғли — 25; мулла Саидабдулла Саидкаримбоев — 10; мулла Ғанихон Ҳомидхон эшон ўғли — 25; Низомиддин Асомиддинхўжа ўғли — 25; Башируллахон Асадуллахўжа ўғли — 25; М

Обидалар — қадр тимсоли

Неъматулло ИБРОҲИМОВ, профессор

Собиқ Совет Иттифоқи республикаларида, хусусан, Ўрта Осиё минтақасида амалга ошаётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан бир қаторда, диний-маънавий ва маданий қадриятларимизни тиклаш бобидаги ҳаракатлар мусулмон дунёсининг диққат марказида турибди. Ажнабий ҳомийлар кўмаги билан ўтган йили октябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта Осиёдаги мусулмон маданияти ёдгорликларини муҳофаза этиш» мавзундаги халқаро илмий анжуман ҳам ана шу эътибор ва хайрихоҳлик кўринишидир.

Шу йилнинг 21—25 апрел кунларида Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида Ўрта Осиё ҳамда Россиядаги мусулмон осори атиқаларини муҳофаза этиш ва таъмирлашга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Узбекистондан филология фанлари доктори, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Тошкент Давлат шарқшунослик олийгоҳининг ректори, профессор Неъматулло Иброҳимов ҳам қатнашди. Саҳифада муаллиф Узбекистон қадимиятлари ва уларни асраш ҳақида жиддий мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

ОДАМЛАР ҚАЕРДА ЯШАМАСИНЛАР, инсон заковати ва меҳнати билан бунёд этилган маданият обидалари: Миср эҳромларию Ганг ва Ҳинд соҳилларидаги ибодатхоналар, Венеция қасрларию Бухорои шарифдаги Кокули Ҳўрд масжиди, Уммавий халифалар даврида (VII—VIII асрлар) Сурияда Фурот соҳилида жойлашган гўзал Раққа шаҳрида бунёд этилган Шарқ боғи қасри, ҳамма-ҳаммаси улар учун бирдек азиз бўлмоғи зарур.

Аждодларимиз жангу жадаллар, бошқа табиий ва тарихий офатларга қарамасдан, авлодларга сўнмас тарихий обидалар қолдирганлар. Улар бугун — XX аср интиҳосида ўзларининг бетакрор уйғунлиги ва латофати билан ҳали-ҳануз инсон заковатини лол қолдиришга қодир.

Бизнинг вазифамиз ана шу буюк осори атиқаларни асраб авайлаш, уларнинг асрлар оша мағрур туриши учун зарур шароитларни вужудга келтириш.

Очиқ айтиш керакки, аждодларимиз мерос қолдирган улкан бойликнинг тўла маънодаги ворислари бўла олмадик. Мислсиз оғир мусибатлар, барча ажнабий босқинчилар, жумладан, Чингизхон тўдаларининг қонли юришлари, зилзалалару бошқа табиий офатлар ҳам сталинизм ҳукмронлиги давридаги даражада бизнинг қадимий обидаларимиз, миллий ифтихоримиз белгиларини барбод этмаган. Ана шу маданият ёдгорликлари экиш майдонларини кенгайтириш ёки «зарарли ибодатхоналар»ни йўқотиш ниқоби остида қунпаякун қилинди.

Маданий меросимизга етказилган ана шундай оғир зарбадан сўнг, яна тўғри изга тушиб олмоқ осон иш эмас, албатта. Фақат 50-йилларнинг бошидан кейинги даврда камида 20 мингта обида маҳв этилди. Қорақалпоғистонда мавжуд бўлган 400 тарихий ёдгорликларнинг учдан бири барбод бўлди. Қандайдир мўъжиза туфайли тарихий ёдгорликларнинг атиги учдан биригина сақланиб қолган қадимий маданият ўчоғи — Фарғона водийси эса ўз тарихидан батамом жудо бўлаёзди.

Республикамиз ўз мустақиллигини эълон қилган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган бугунги кунда, уйғониш жараёни, жамиятимизни ижтимоий ва маънавий янгиланишига қаратилган ўзгаришлар, халқимизнинг тарихимиз, маданиятимиз, қадимий санъат асарларини авайлаш ва таъмир этишга бўлган эътиборини мисли кўрилмаган даражада оширди.

Халқимиз ўзининг тарихий-маданий меросини авайлаб-асраш йўлида жонбозлик кўрсатаётгани шубҳасиз. Бухоро, Самарқанд, Хивадаги харобаларга айланган тарихий обидалар таъмирланмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа бебаҳо маданият ёдгорликларини ҳам тиклашга киришилди.

Аммо юрак ҳамон нотинч. Чунки ҳали ҳам оламшумул аҳамиятга молик нодир ёдгорликларни асраш ва муҳофаза қилиш масъулиятини тўла англаб етганимизча йўқ. Бунинг ўстига ана шундай муҳим ишни амалга ошириш учун маблағ етишмовчилиги...

Шу муносабат билан бир неча далилларни келтирмоқчиман. Қадимий Термиз шаҳрининг ғожиали тарихини мутахассис бўлмаган кишилар ҳам биладилар. Ажнабий босқинчиларнинг такрор ва такрор, шу жумладан, македониялик, мўғул ва бошқа истилочиларнинг шафқатсиз юришларига мардонавор дош берган, маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро жангу жадалларига чидаган бир қанча обидалар қисман бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган. Фаёзтепадаги Будда ибодатхонасининг бир қисми молхона ёни — полиз. Эски Термизнинг бошқа холи қисми эса шаҳар ҳокимияти томонидан қум карьерига айлантирилиб, барбод этиш тез суръатлар билан давом этмоқда. Чағаниённинг собиқ пойтахти Будрач қалъаси, Далварзинтепа, Айртман, Жаркутам, Халчаёнтепа, Шўроб қўрғонлари эса бутунлай бузилиб кетиш ва абадий йўқлик арафасида.

Термиз шаҳрида ислом дунёсида донг таратган машҳур аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий мақбараси бор. Бу жой Ўрта Осиё минтақасида маълум энг қадимий IX аср сўфийсининг хонақоҳидир. Сомонийлар, қорахонийлар, темурийлар, хоразмшоҳлар халқнинг эътиборини қозониш, ҳукмрон табақаларнинг ижтимоий таянчи ва обрўсини мустаҳкамлаш мақсадида ана шу мўъжаддас жойни таъмирлаш учун маблағни аямаганлар. Ўзининг меъморий-бадиий хусусиятлари нуқтаи назаридан ушбу иншоот, Султон Саодат мажмуаси (ансамбли) ва бошқа объектлар турли даврларга мансуб камдан-кам учрайдиган маданият ёдгорликлари мажмуаси намунасидир. Улар Бухоро, Самарқанд ва Хивадаги меъморлик санъати обидаларини тўлдириб, Ўрта Осиёнинг I—XVII асрлардаги меъморчилик маданияти ва амалий санъати савиясини кўз-кўз қилиб турадилар.

Олтмишинчи йилларда Термизда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган эди. Бироқ шаҳар чегара минтақаси ҳудудига киритилгани туфайли, тез орада ишлар тўхтатиб қўйилди. Нега?

ИККИ МИНГ БЕШ ЮЗ ЙИЛДАН ОШИҚ ТАРИХГА ЭГА Самарқанд ҳам офатлардан холи бўлмади. Самарқанд фақат қадимий шаҳаргина бўлиб қолмасдан, кўпгина савдо йўллари кесишган музей-шаҳар ҳамдир. Хитой ва Оврупони боғлаган машҳур Ипак йўли Самарқанд орқали ўтган. Бу кўҳна шаҳарда савдо йўллари бир-бирига пайвандланиб кетишидан ташқари, унда турли халқларнинг одат ва анъаналари ҳам ўзаро чатишиб кетиб, бунинг ҳосиласи сифатида янги маҳаллий ўзига хос маданият вужудга келган. Оламшумул шуҳратга эга Бобил, Лемерис, Афина, Рим, Искандария каби — Самарқанд ҳам замон ҳукми билан шиддатли воқеалар ва изтиробли дамларни бошдан кечирган.

Самарқанддаги ўрта асрларга мансуб меъморлик ёдгорликлари улардаги шаклларнинг мукаммаллиги, бўёқларнинг ҳамоҳанглиги, ҳисоб-китобларнинг дадиллиги ва гениаллиги билан бугун ҳам ҳаммани лол қолдирмоқда. Самарқандни дунё пойтахтига айлантириш истагида бўлган Амир Темур унга турли ўлкалардан ажойиб санъаткорларни келтирди. Улар яратган Ўрта Осиё меъморлик санъати асарлари Миср, Хитой, Ҳиндистон, қадимий Юнон ва Римда бунёд этилган нодир ёдгорликлардек аҳамиятга эга. Ўтмишда яшаган истеъдодли санъаткорларнинг бугунги ворислари Самарқанд жамолига жамол қўшмоқдалар.

Аммо... бу кўҳна шаҳар яна Шарқдаги Римга айланадими? «Совет даври» деб аталмиш бизнинг замонамизда, пухта ўйланмасдан амалга оширилган саноат қурилиши ва бундан келиб чиққан экологик муаммолар натижасида, Самарқанддаги қанчадан-қанча обидалар барбод бўлди... Бу ўринда 50-чи йилларда Бибихоним саройи ва Шоҳизинда ансамблининг оралиғига колхозчилар уйи деб аталмиш «ҳашаматли» иншоот қурилганини эсламасдан бўладими? Амир Темурнинг Кўксаройи ўрнига опера театри ва бир қатор идоралар қурилганини-чи?

Самарқанд — ғайриоддий шаҳар. Унинг марказий қисми кўринишини ўзгартириши эҳтимоли бор ҳар қандай ишни ғоят эҳтиёткорлик билан амалга оширмоқ зарур. Аммо мутахассисларнинг фикрича, Регистон меъморлик ансамбли реконструкцияси ўта уқувсизлик билан амалга оширилган. Натижада унинг «таянчи» (фони) бўлган бинолар олиб ташланиб, Регистон атрофи очилиб қолган: Самарқандликларни ташвишга солаётган нарсалардан яна бири — «Лимонадний» бозори яқинида, Панжакент ва Кайравон кўчаларида режалаштирилган ва қурилиши мўлжалланган шаҳар хўжалигининг асосий объектлари масаласининг қандай ҳал этилаётгани билан боғлиқ. Беихтиёр «турғунлик йиллари» даврида тарқалган, Регистон ва Гўр Амир оралиғидаги Руҳобод мақбараси атрофида йирик сайёҳлар комплекси қурилиши эҳтимоли билан боғлиқ миш-мишлар, дунёнинг энг қадимий шаҳри аҳолисини нақадар тинчини йўқотишига сабаб бўлганини эслайсан киши.

Ўша пайтда УзНИПИ таъмирлаш институти директорининг муовини бўлиб ишлаган П. Зоҳидов жуда тўғри айтганидек, «модомики Регистон қадимий муқаддасгоҳ экан, демак ажнабий сайёҳ бу ерга «Икарус»да эмас, балки замон нафасини ҳис этиш учун ҳам пиёда юриб келиши даркор».

Самарқанднинг янги юксалиши ҳақида сўз юритар эканмиз, шаҳарни таъмирлаш ва ривожлантириш учун махсус мустақил фонд тузилиши кечиктириб бўлмайдиган зарурат эканлиги бобида барча жонкуярлар якдил эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Самарқанд билан боғлиқ барча лойиҳаларни, ҳатто уларнинг энг катталарини ҳам, бевосита шу ернинг ўзида ишлаб чиқиш зарур деган фикрлар ҳам айтилмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, қанчалик мураккаб бўлмасин, нафақат Регистон ва бошқа ижтимоий-маданий иншоотларни, балки турар жой бинолари, кўчалар, ҳовузлар ва дўконларни ҳам асраб қолиш ниҳоятда зарур. Кўҳна шаҳар яшамоғи керак. Фақат шундай қилингандагина эски шаҳарга хос руҳиятни, тирик ижтимоий-маданий тўқимани сақлаб қолиш мумкин. Бу муаммони ҳал этишни эски шаҳарнинг муҳандислик иншоотлари ва умуман инфраструктурасини замонавий даражага кўтаришдан, шаҳар инженерлик иншоотларининг муфассал паспортизациясидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро туризм марказининг экологик жиҳатдан тозалигига алоҳида эътибор бермоқ зарур. Бу ғоят қийин масала, зеро Самарқанд Москва кўрсатмаларига мувофиқ, ўзбекларнинг хоҳиш-иродасига хилоф ҳолда республиканинг йирик саноат марказига айлантирилган. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий химия заводи шаҳар муҳитини ўзининг минглаб тонна зарарли чиқитлари билан заҳарлаб туради. Бундан уч йил муқаддам халқ талаби билан асосий цехларни реконструкциялаш бошланди. Натижада зарарли чиқитларни атрофга ёйиш учдан бир ҳиссага камайди. Лекин бу оз.

Самарқанднинг ёрдамга ниҳоятда муҳтожлиги шубҳасиз. Ундаги архитектура шоҳ асарларининг шуҳрати сўнмаслиги, унинг асрлар оша сақланиб келган бетакрор қиёфасини безавол қолишини таъминлаш учун катта маблағ керак. Шаҳар жонкуярларнинг доимий эътибори ва қалб кўрига муҳтож.

Бу борада кўп нарса қадимий шаҳарлар ҳамдўстлиги, тарихий обидаларни таъмирлаш ва муҳофаза этиш ишларида ҳамжиҳатлигини таъминлашни тақозо этади. Санкт-Петербургни муҳофаза этиш халқаро фонди ва Самарқандни юксалтириш фондлари ўртасида ҳамкорлик битимининг имзоланиши хосиятли кўринади. Самарқандликлар ўзларининг амалий фаолиятларида бошқа мамлакатлар, жумладан, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тажрибасидан ҳам фойдаланишни мўлжаллаб турибдилар. Араб дўстларимиз ана шу ишда мурувват кўрсатишларига аминмиз.

УРБАНИЗМ КЎП МАШАҚҚАТЛАР ЭВАЗИГА ТАЪМИР ЭТИЛГАН ва бутун дунёга машҳур нодир ёдгорликларга шафқатсиз ҳамла қилмоқда. Буни Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Бухорои шариф мисолида кўриш мумкин. Бир неча аср муқаддам уни машҳур Ипак йўли ва бошқа ғоят муҳим савдо йўллари кесиб ўтган. Ўша ўтмиш кунларида Бухорода оламга донг таратган олимлар, шоирлар ва санъаткорлар яшаб ижод қилганлар. Рўдакий, Абу Али ибн Сино ва бошқалар башарият маданияти ва илму фан равнақига муҳим ҳисса қўшдилар.

Бухоро — очиқ буюк музейдир. Бу ерда сақланиб қолган маданият ва архитектура ёдгорликларининг сони 140 тача бор. Улардан энг муҳимларидан бири Арк (XVIII—XIX асрлар). Арк ҳукмдорларнинг саройлари, масжидлар, танга чиқариш муассасалари макони бўлган.

Шунингдек, Бухорода IX—X асрларга мансуб классик шарқ меъморлик санъатининг нодир асарларидан бири Сомонийлар мақбараси жойлашган. Уни бунёд этган қадимий усталар пишиқ ғиштни ғайриоддий усуллар билан жойлаштириб, ғоят таъсирчан бадиий эффектни вужудга келтиришга муваффақ бўлганлар: чунончи, мақбара тонгда худди оқшомдагидек, оқшомда эса аксинча кўринади. Сомонийлар мақбараси, хусусан, ой шуъласида беқиёсдир. Бу каби безатиш дунёдаги бошқа ҳеч бир ёдгорликда учрамайди. Бухородаги бошқа маданият ёдгорликлари ҳам бадиий-эстетик ва меъморий-тарихий нуқтаи назардан бетакрордир. Бу ўринда хусусан, Пои Калон ансамбли (XII—XVI асрлар), Ситораи Моҳи хосса саройи (XIX—XX асрлар), Мир Араб мадрасаси (1536 й.), Лаби Ҳовуз майдони (XVI—XVII асрлар) ва бошқалар ғоятда аҳамиятлидир.

Бухоронинг ёдгорликлари ҳаётий тарихнинг ўзгинаси, аммо улар охирги йилларда партократ-мафкурачилар тасарруфида бўлиб қолган эди. Оқибат нима бўлди? Исмоил Сомоний мақбараси оғир аҳволда (ер ости сувлари уни вайрон этмоқда), Баҳоуддин Нақшбандий, Арслонхон минорасининг ҳам аҳволи бундан яхши эмас. Бугун Бухорода 879 архитектура, тарихий, археология ва бошқа ёдгорликлар рўйхатга олинган. Аммо қатор ёдгорликлар ҳамон турли маданият, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасалари сифатида хизмат қилмоқда.

Таъмир ишлари тўла амалга оширилмаётир. Олий малакали уста-таъмирчиларни етиштириш муаммоси ҳал этилмагани туфайли, таъмир ишларининг сифати паст. Натижада, масалан «Работи Малик» обидаси таъмирдан сўнг анча зарар кўрди, унинг устки қатлами (суваги), меъморий безак бир қадар бузилди, шунингдек, эстетик нуқтаи назардан ҳам ёдгорлик қисман талафот кўрди. Таъмирлаш ишларининг сифатига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири керакли техник жиҳозлар ва моддаларнинг ниҳоят даражада қониқарсиз эканлигидадир.

Ҳукумат томонидан тақиқаланишига қарамасдан, Варахша қалъаси атрофидаги ерларни суғориш ва шудгорлаш ҳамон давом этмоқда. Домла Турсунжон мадрасаси, Саид Камол, Иброҳим Охунд масжидлари ҳамон шаҳар савдо бошқармасининг омборхоналари...

Маданият обидаларини барбод этиш тасодифий ҳол эмас. Унинг илдизи одамларнинг ўта масъулиятсизлигига бориб тақалади. Биз собиқ марказ томонидан Бухоро шаънига айтилган қанчадан-қанча нолойиқ дашномларни ва ҳаракатларни биламиз. Л. Брежнев ҳукмдорлиги йилларида Минораи Калон ёнбошида сув тарқатиш минорасини қуришга қилинган ҳаракатни унутиб бўладими! Ё бўлмаса, Бухоронинг минг йиллик тарихига эга шаҳар бозорининг ғожиали тақдирини эслайлик.

Асрлар давомида бу ерда ҳаёт жўш уриб турган. Одамлар бу ерга нафақат харид қилиш учун, балки янгиликлардан огоҳ бўлиш учун ҳам тўпланганлар. Энди эса, қачонлардир савдо ва «хабарлар маркази» бўлган жой бўм-бўш, бозор шаҳардан ташқарига кўчирилган. Бундан ким ютди? Ҳеч ким. Шу жумладан, ажнабий сайёҳ ҳам, шу шаҳар фуқароси ҳам. Ҳозир бу ерни эски ҳолига қайтариш осон эмас. Бунинг учун вақт ва катта маблағ талаб қилинади.

Мерос

ХИВАДАГИ ОСОРИ АТИҚАЛАР АҲВОЛИ ҲАМ одамларни ташвишга солмоқда. Хива — афсонавий шаҳар. XVII асрнинг бошларида, у кейинчалик Хива хонлиги деб юритилган, Хоразм пойтахтига айланди.

Хива икки қисм: Ичан қалъа — ички шаҳар ва Душан қалъа — ташқи шаҳардан иборат. Биринчиси — меъморлик ёдгорликлари маскани, иккинчиси эса — шаҳар аҳолисининг истиқоматгоҳи ва иш жойи.

Шаҳар марказида жойлашган Жумъа масжиди (XVIII аср) — Ўрта Осиёдаги энг гўзал иншоотлардан бири. Унинг нақшдор ёғоч устунлари ғоят латофатли. Масжид ёнидаги минора IX асрда қурилган.

Шерғозихон (1718—1720 йиллар), Қутлуғ Мурод иноқ мадрасалари, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Оллоқулихон тими (XIX аср) ва Тош ҳовли саройи (1830—1838 йиллар) — уларнинг ҳар бири ажиб тарих.

Лекин улар ва Хивадаги бошқа тарихий ёдгорликларга эътиборни янада кучайтириш пайти келди. Чунки табиий офатлар — селлар, зилзалалар ва ҳоказо, ҳамда советлар давридаги қаттиқ атеистик сиёсат туфайли 2500 йиллик қадимий тарих соҳибаси Хивадаги қатор ёдгорликлар абадий йўқликка юз тутгани ҳеч кимга сир эмас. Бу борада 1859 йилда қурилган Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз)нинг отаси Саид Муҳаммадхон (1855—1865 йиллар) ҳукмронлиги даврида қурилган (1859 й.) Тош масжид, Ичан қалъанинг жанубидаги Тош дарвоза (1873 й.) ва баъзи бошқа ёдгорликларининг тўла таъмирлангани таҳсинга лойиқ.

Лекин баъзан ақл ва мантиққа мутлақо хилоф ишлар ҳам учраб туради. Масалан, буюк математик ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик пайтида, юбилей ҳайъати ана шу анжуманга антиқа «юбилей» армуғони тақдим этишига сал қолган эди. Хайриятки, қийинчилик билан бўлса ҳам, ҳайъатнинг Ичан-қалъа ҳудудидаги омонат бўлиб қолган, лекин тарихий иншоотларни бузиб ташлаш ва бўшаган жойни кўкаламзорлаштириш ҳақидаги таклифи даф қилинди.

Республиканинг бошқа жойларида ҳам кўплаб ғаройиб ишлар учраб турган. Амир Темурнинг ватани Қашқадарё ўзининг бой маданияти, тарихий ўтмиши ва меъморий обидалари билан кўпдан бери олимлар ва ишбилармонлар диққатини ўзига жалб этиб келган. Ипак йўли бугунги Қашқадарё орқали ўтган Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз) ва Навток (ҳозирги Косон ноҳияси) билан мустаҳкам савдо алоқалари мавжуд бўлган.

Ҳиротдан Самарқандга йўл тутган карвонлар Ахсихат (Термиз), Танги-карам (Деҳқонобод), Ғузор, Кеш (Шаҳрисабз) ва Кифтиоб (Китоб)да улар учун махсус ажратилган жойларда тўхтаб ҳордиқ чиқарганлар, савдо қилганлар.

Қашқадарёнинг тарихий таржимаи ҳоли унинг ҳудудида сақланиб қолган нодир археологик ва архитектура ёдгорликларида ўзининг ёрқин аксини топган. Бу қадимий замин билан Мовароуннаҳрнинг бутун тарихи чамбарчас боғланган. Китоб ва Шаҳрисабзда амалга оширилган археологик қазилмалар пайтида топилган тангалар хазиналари бу ерга Александр Македонский бостириб келгандан муқаддам, милоддан бурунги IV—III асрларда қадимий Сўғдиёнанинг мавжуд бўлганлигидан яна бир гувоҳликдир.

Қарши ва унинг атрофида нодир археология обидалари сақланиб қолган. Улар мўғул истилоларидан бурунги, Амир Темур ҳукмидан олдинги ва кейинги даврларга оид. Заҳҳоки Марон (милоддан бурунги I—X милодий асрлар) уларнинг энг қадимийларидан бири бўлиб, Яккабоғ туманидаги Сариқ тепа XI—XII асрларга мансуб. Ерқўрғон эса Қарши воҳасининг энг қадимий қалъаси, у милоддан бурунги VI—V асрларда қурилган. Афсуски, бундай қадимий обидага ҳамон муносиб эътибор берилмаяпти.

Бу ўринда шуни қайд этмоқ керакки, Қашқадарё умуман ўзига хос қўриқхона, маданий обидаларга бу каби бой минтақа бутун Узбекистонда бошқа топилмайди. Бироқ охирги йиллар давомида суғориш ишлари, ернинг кескин шўрланиши ва ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида бу ердаги вазият тобора аянчли тус олиб бормоқда.

Одамлар ташвишда, обидаларни муҳофаза этиш ва таъмирлаш учун махсус фонд тузилган, осори атиқаларни таъмирлаш ишлари ҳажми икки карра ошди. Лекин қилинадиган ишлар кўп. Масалан, Амир Темур ватани — Яккабоғ туманидаги Хўжа Илғор қишлоғида суғориш системасига оид лойиҳалаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш даркор. Келажакда бу жой халқаро сайёҳлик тизимига киритилиши керак.

Узбекистон ҳудудида мавжуд ўнта тарихий шаҳарлардан иккитаси Насаф (Қарши) ва Кеш(да (Шаҳрисабз) археологик қазилма ишларини кенгайтирмоқ лозим, вилоят ўлкашунослик музейининг янги биносини қурмоқ, унда археология бўлимини очиш, шунингдек Шаҳрисабз тарихий ўлкашунослик музейларини очиш вазифалари — замон талаби.

Фарғона водийсидаги қадимий шаҳарларда ҳам муаммолар кўп. Буюк шоир ва давлат арбоби Бобур ўзининг «Бобурнома»сида мадҳ этган Андижонга эрамизнинг бошланишида асос солинган. Бугун у Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга ҳозирланмоқда. Шу муносабат ила муҳим тадбирлар ишлаб чиқилган, аммо уларни амалга ошириш учун маблағ етишмовчилиги сезилмоқда. Жумладан, қадимий Арк, Жомий мадрасаси ва қатор бошқа обидаларни таъмирлашга маблағ зарур.

Молиявий етишмовчилик Қўқон, Наманган, Марғилон, Қува каби шаҳарлардаги обидаларни таъмирлаш йўлида ҳам ғов бўлиб турибди. Кўҳна Қува ҳақида кўп гаплар айтилган, илмий асарлар ёзилган. Уларни эшитган ва ўқиганлар узоқ ўлкалардан бу ерга ошиқадилар. Аммо Қувани сайёҳларга кўрсатишга одам уялади. Нодир ёдгорлик саҳни ахлатхона бўлиб ётибди, VI—VIII асрларга мансуб ибодатхона қолдиқлари аста-секин бутунлай завол топмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИДА ҲАМ АҲВОЛ бундан тузук эмас. Вилоятнинг Паркент туманида кўҳна Намданак обидаси жойлашган. Бу ерда ҳали археологик қазилмалар мутлақо амалга оширилмаган. Аммо маҳаллий аҳоли унинг тупроғини қурилишга ишлатиш учун бешафқат ташиб кетмоқда. Тепалик ёнбағирларининг анчагина қисми одамлар томонидан вайрон қилинган, унинг чўққисига эса шу ерлик одамлардан бири ўзига уй қуриб олган... Ахир бу кўҳна обида эрамизнинг XII асрига мансуб! Ҳали археологлар очишини кутиб ётган қанча сирлар бор унинг оғушида. Агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, археологлар Намданакка келганда унинг фақат номигина қолиши мумкин...

Бошқизилсойнинг бошқа соҳилида милодий IV—VI асрларга мансуб Чорлоқ ота археология обидаси бор. У ерда ҳам ҳеч қандай қазилма ишлари олиб борилмаган. Устига устак, обида ҳудудидаги кўпгина ерлар экин майдонига айлантириб юборилган. Обиданинг маданий қатламлари йўқ қилинган.

Яна бир «қизғин» нуқта — Бинкет ҳақида. Бинкет Тошкент тарихининг ибтидосидир, зеро шаҳримиз худди унинг ўрнида турибди. Астасекин у типик илк ўрта асрлар қишлоғидан йирик марказга айланди. Хитойдан Эронга йўл тутган карвонлар унда тўхтаб ҳордиқ чиқаришган, савдо-сотиқ қилганлар. Машҳур араб географи Абул Қосим Муҳаммад ибн Ҳавқал 977 йилда «Йўллар ва мамлакатлар» китобини ёзаётиб Бинкетни Шошнинг пойтахти деб тавсиф этган. Бинкет шаҳристони бугунги цирк, Бош универсал магазин ва бозор жойлашган қисмида бўлган. Қадимий сополларнинг синиқлари ҳамон йўловчилар оёқлари остида мунгли ғижирламоқда...

Бироқ шаҳарнинг айнан қадимий қисмида кенг қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, қадимий Бинкетда тарихий обидалар қўриғинбарот қилинмоқда. Мозийда аёвсиз хунрезлиги билан машҳур бўлган босқинчилар уддасидан чиқолмаган ишни, бугунги қурувчилар зўр ғайрат билан амалга оширмоқдалар...

Собиқ Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш масаласи қизғин муҳокама қилинаётган бир пайтда «Главташкентстрой» қурувчилари эски шаҳарнинг жуда катта қисмини вайрон қилиб ташладилар. Унинг 1200 йиллик тарихи ҳам назар-писанд қилинмади.

Метро қурувчилари ҳам бу ишга ўз «ҳиссаларини» қўшдилар. Пушкин боғидан чиқиш жойидаги X—XIII асрларга оид маданий қатлам барбод этилди. Археологик қатламнинг қалинлиги 9 метрча эди. Аммо Бинкет орқали метро йўлини қуришни лойиҳалаштирган мутасадди муассасалардан бирортаси археологларнинг фикри билан қизиқмади.

Канада, АҚШ, Ҳиндистон, Япония, Хитой, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан келган сайёҳлар Тошкент қадимий ашёлар музейига қўйилган экспонатларни мириқиб томоша қиладилар. Аммо экскурсоводлар бу ашёлар бебаҳо бойлигимизнинг арзимас қисмигина эканлигини меҳмонларга, албатта, айтишга уяладилар. Уларнинг асосий қисми эса, шубҳасиз, қурилиш механизмлари томонидан йўқ қилиб ташланган.

Бугун амал қилаётган қонунга кўра, маданий (археологик) қатлам мавжуд жойда ҳатто дарахт ўтқазиш учун ҳам махсус рухсатнома олиниши зарур. Бироқ Бинкетга мансуб маданий қатламлар устида янгидан-янги осмонўпар бинолар «ўсиб» чиқмоқда. Қонун белгилаган жазо фақат жарима тўлаш билангина чекланиб қолмоқда. Энг нодир обидани бузиб ташлаш эвазига тўланадиган жарима пулига атиги бир жуфт аёллар этиги сотиб олиш мумкин экан!

Яқинда биз ажнабий археологик тадқиқот марказлари тайёрлаган баъзи материаллар билан танишдик. (Афсуски, Ўрта Осиё археологик тадқиқотлар марказини барпо этиш ҳамон амалга ошмаган орзу бўлиб қолмоқда). Араб мамлакатлари, Покистон, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатлар ўз тарихий ёдгорликлари қадру қийматини аллақачоноқ аниқлаб бўлганлар. Ана шу ишни бизда ҳам амалга ошириш зарурати ҳақида кўп гаплар бўлган, ёзилган. Лекин аниқ таклифлар оз. Ёдгорликлар ер юзидан абадиятга қараб кетмоқда. Фақат Тошкент шаҳри ҳудудидагина 117 ёдгорлик аниқланган. Афсуски, уларнинг кўпчилиги янги бинолар тагида қолиб кетди, баъзилари эса бутунлай йўқ қилинди.

Кўкалдош, Хўжа Аҳрор масжид ва мадрасалари, шайх Ҳованд—Тоҳур ўқув муассасаларининг ҳозирги аҳволи кўпчилик аҳолини ташвишлантирмоқда. Агар бирон-бир қатъий ўзгариш юз бермаса, бу ҳол не натижаларга олиб боришини айтиб бериш учун катта башоратчи бўлиш шарт эмас.

Партократларнинг қадимий обидаларни муҳофаза этиш масаласига бўлган муносабатини танқид этиш кенг тус олган одат бўлиб қолди. Бироқ демократлар ҳукми даврида ҳам осори атиқаларга бўлган муносабат тубдан ўзгаргани йўқ. Маданиятимизнинг бебаҳо дурдоналарини асраб-авайлаш учун ҳамон энг охирги ўринда маблағ ажратилмоқда. Бу ҳол, аслида, бизнинг халқ бойлигини муҳофаза этиш ва масъулият ҳиссимизнинг кўзгусидир.

Ҳозирги аҳволда обидаларни муҳофаза этиш ва таъмирлаш ишини қамраб олган оғир вазиятни тез бартараф этиш мушкул. Демак, бошқа чораларни излаш керак, обидаларни муҳофаза этиш ва таъмирлаш низомини тубдан ўзгартириш зарур.



Таъмирлаш ишларига мутасадди муассасалар ҳақида ҳам кўп дашномлар айтилмоқда. Уларнинг «касаллари» умуман иқтисодимизни чулғаб олган инқироз «касалларидан» фарқ қилмайди: ишнинг сифатини ҳажм билан белгилаш, меъёр ва баҳолашдаги мантиққа зидлик, мутахассисларнинг ўз меҳнатлари натижасидан манфаатдор эмаслиги ва ҳоказолар.

Бизда анча-мунча уста таъмирчилар, турли архитектура услуб ва мактаблари, қадимий декоратив-амалий санъат билағонлари бор. Энг етук қадимий миллий санъат анъаналарининг давомчиси бўлган усталаримиз фақат санъаткор тасаввури ёрдами билан оддий кўз илғаши қийин излардан фойдаланган ҳолда шарқ архитектураси, рассомлик санъатига оид маданият дурдоналарига янги ҳаёт бахш этмоқдалар. Лекин, минг афсусларки, таъмир ишлари билан машғул кишилар орасида баъзан ўз ишини яхши билмайдиган чала усталар ҳам учраб туради... Уқувсизлик билан амалга оширилган баъзи «таъмир» ишлари натижасида обидалар ўз жилосидан маҳрум ва ҳатто 2—3 йилда бузилиб кетиши ҳоллари ҳам учраб туради.

Албатта, ёдгорликларни муҳофаза этишга масъул муассасаларга кўп даъволар, уларнинг номукаммаллигини танқид қилиш мумкин. Шунингдек, уларнинг раҳбариятини ҳам. Бунинг учун асослар мўл-кўллиги ҳеч ким учун сир эмас. Аммо муаммо ҳамон муаммолигича қолмоқда, айрим ҳолларда ҳатто янада чигаллашмоқда. Хўш, сабаб нима?

НАЗАРИМИЗДА, КЎПГИНА МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРГАН сабаб — республикамизнинг тарихий ва маданий обидаларни муҳофаза этиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги қонуннинг айнан ўзидир. Ушбу қонун кўп ҳолларда изчил эмас, шунинг учун ҳам яхши амал қилмайди. Қонунда ёдгорликларни муҳофаза этиш ва улардан фойдаланишни ташкил этадиган ягона механизм аниқ белгилаб берилмаган, шунингдек, қонунга хилоф иш тутган ташкилотлар ва конкрет шахслар масъулияти ҳам аниқравшан эмас. Бошқача қилиб айтганда, қонун қабул қилинаётган пайтда, унинг асосий моддаларининг ижросига кафолат берувчи омиллар ҳақида яхши ўйланмаган.

Аҳволни ўзгартиш учун ҳозирги низомни ўзгартириш зарур, ўз-ўзини молиявий таъминлашга ўтиш даркор. Иқтисодий ва моддий рағбатлантиришнинг шундай усулларини татбиқ этиш керакки, улар тарихий-маданий обидалар ҳақида жиддий қайғурадиган, уларни таъмирлаш ва муҳофаза этиш жонкуярларнинг моддий ва маънавий аҳволини тубдан яхшиласин. Бундай қилиш учун керакли замин мавжуд.

Ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида очиқ-ойдин фикрлашмоқ — давр талаби. Халқимиз улар ҳақида аниқ-равшан тасаввурга эга бўлмоғи, маданиятимиз дурдоналарини асрашга давлат томонидан ажратилаётган маблағ, ҳамда хайрия ва эҳсонлар ҳажми ҳақида тасаввурга эга бўлмоғи керак. Шунингдек, мавжуд маблағларни тақсимлаш принциплари ва йўлларини жамоатчилик томонидан назорат қилиш ҳақида ҳам пухта ўйлаб кўриш даркор.

Яқин истиқболда сайёҳлик хизматларидаги камчиликларни ўз кучимиз билан бартараф этишимиз, деярли, амри маҳол. Шу нуқтаи назардан, обрўли ажнабий, хусусан, сайёҳлик ширкатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш зарур, муштарак корхоналар тузиш керак. Мавжуд меҳмонхоналаримизни ажнабий сайёҳлик ширкатларига таъмирлаш ҳамда ажнабий сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун ижарага беришда ҳам ҳикмат кўп. Бу ҳолда, албатта, олинадиган ижара пули маълум меҳмонхона шу пайтгача келтираётган даромаддан ортиқ бўлиши шарт.

ЮНЕСКО томонидан яқин келажак учун ишлаб чиқилган ҳужжатларни ҳам оқилона ва чуқур ўрганиб чиқиш фойдадан холи эмас. Бу нуфузли ташкилот билан Узбекистон Республикаси ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишга нафи тег

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНА ФАС ҚАЛАМКАШ

Тошкентда туғилиб, пойтахтда вояга етган, Тошкент дорулфунунининг журналистлар факултетида илм олиб, ўзбек матбуотида қалам тебратиб, адабиётга кириб келган журналист, ёзувчи, жамоат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Расул Раҳмонов қутлуғ олтмиш ёшга тўлди.

Расул Раҳмоновни дорулфунун талабаси бўлмиш давридан биламан, ижоди билан эса унинг энг биринчи лавҳаларидан танишман. 50-йилларнинг бошида Тошкент Давлат Университетида журналистлар факултети ташкил қилинди-да, мени «Совет матбуоти назарияси ва амалияси»дан мударрислик қилишга таклиф этдилар. Ушанда Улмас Умарбеков, Асил Рашидов, Расул Раҳмоновларга ихлосим тушган эди. Улар бўлажак журналистлар орасида ўткир зеҳни, нозик диди ва ижодга мойиллиги билан бошқалардан ажралиб турар эдилар. Ўқишни битиргач, Ўлмас Умарбеков радиода адабий фаолият бошлади. Асил Рашидов билан Расул Раҳмоновни ўзим муҳаррирлик қилаётган «Қизил Ўзбекистон» жумҳурият газетасига ишга таклиф қилдим, уларнинг ижоди ана шу отахон газета саҳифаларида камол топди.

Адабий ходимликдан фаолиятини бошлаган Расул Раҳмонов тез орада яхши таҳрирчи сифатида танилиб, масъул котиб ўринбосари лавозимига кўтарилди, кейин совет қурилиши бўлимига муҳаррирлик қилди. Унинг илк очерклари, публицистик мақолалари газетхонлар эътиборини қозонди. Расул Раҳмоновнинг жамоат арбоби сифатидаги фаолияти ҳам ўша йилларда бошланган эди. Аввал уни Ачавот маҳалла комиссиясига раис қилиб сайладилар. Расул Раҳмонов ҳар қаёқда тентиб юрган лўлиларни Ачавотга ўтроқ қилди, деҳқончиликка, ҳунармандчиликка жалб этди, уларнинг турмушини яхшилашга ҳаракат қилди. Тез орада лўлилар орасида ҳам катта обрў-эътибор қозонди. Буни исботловчи латифасимон бир ажиб гап юради.

Эмиш Никита Хрушчев тахтдан туширилган куни бир гуруҳ ачавотлик лўлилар «Совет Ўзбекистони» газета таҳририятига келиб «Хрушчев тахтидан ағдарилибди, ака Расул омонмий?» деб ташвиш билдирибдилар ва Расул Раҳмоновнинг ишлаб ўтирганини кўриб «хайрият» деб Ачавотга қайтибдилар. Бу оддий гап тагида катта ҳақиқат бор: Расул Раҳмонов инсонпарвар одам.

Унинг шу хил яхши хислатларини эътиборга олиб, Шароф Рашидов Расул Раҳмоновни ўз ёнига — Марказий Қўмита маҳкамасига ишга чорлади. Расул Раҳмонов кўп вақт у ерда масъул раҳбарлик лавозимларида ишлади. Радио қўмита раисининг ўринбосари бўлиб тайинланганидан кейин у радио ва тележурналистсасини ривожлантиришга жонбозлик қилди.

Журналист ва ёзувчининг эфирда эшиттирилган, матбуотда чоп этилган очерклари «Партизан Казбек», «Қалб қўшиғи», «Нурли манзиллар» каби китоблар бўлиб ўз ўқувчиларига етиб борди.

Расул Раҳмонов, мана, бир неча йилдирки, республикамизнинг отахон газетаси ҳозирги «Ўзбекистон овози»га бош муҳаррирлик қилади. Бу газета нималарни кўтариб, чималарни чоп этаётгани, уларнинг савияси газетхонга, китобхонга маълум. Мен Расул Раҳмоновнинг бу газета саҳифасида ўз имзоси билан чоп этилган асарлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчи бўлсам, унинг халқимиз тақдирига жон қуйдириб ёзган публицистик мақолаларини эсламай ўтолмайман: Гдлян билан Ивановларнинг халқимиз бошига отган бало тошлари ҳақида унинг Ш. Убайдуллаев билан ёзган «Ёруғ юзли ўзбегим» адабиётга муҳаббат бирдек жой олган. У болалигидан бошлаб шеъриятга ошно бўлиб ўсди...

Улуғбек аканинг мураббий сифатидаги меҳнатлари муносиб тақдирланган. У «Халқ маорифи аълочиси» фахрий унвонига эга. Яқинда эса жумҳуриятимизда шахмат санъатини ривожлантиришдаги муносиб хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди...

Тиниб-тинчимас, толмас, ташаббускор Улуғбек Элбеков ҳозир янги ижодий режалар билан банд. У Ўзбекистон шахмати тарихидан лавҳалар ёзиб, шу орқали ёшларда бу кўҳна санъатга муҳаббат уйғотиш ниятида. Шунингдек, энг эзгу армони — Элбекнинг асарларини чоп этишга кўмаклашиш, тезроқ уни китобхонларга етказиш иштиёқи уни доим фаолиятга, ижодга чорлаб туради. Ҳалол меҳнати билан эл ардоғига сазовор бўлган моҳир шахматчи ва меҳрибон мураббий Улуғбек акани 70 ёшлик тўйи билан муборакбод этар эканмиз, эзгу тилакларининг барчаси қувонч билан амалга ошсин, деб яхши тилак билдирамиз. Доим соғ бўлинг, умрингиз узоқ бўлсин, қадрли устоз!

Шогирдлар ва мухлислар номидан, ҳурмат ва эҳтиром билан:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Икки оғиз дил сўзи

ШОИРНИНГ МУНОСИБ ФАРЗАНДИ

Бир куни таҳририятга новча, чайир, истараси иссиқ киши мени йўқлаб келди ва «Улуғбек Элбеков бўламан», деб ўзини таништирди. Машҳур шоир Машриқ Юнус ўғли — Элбекнинг фарзанди, жумҳуриятимиздаги таниқли инсонлардан бири билан ана шу тарзда учрашдик. Қаерларидир фақат суратлардагина кўрганимиз Элбек акага жуда-жуда ўхшаб кетади. Одамга меҳр билан, хайрихоҳлик билан тикилади... Кейин у киши билан қадрдон бўлиб кетдик. Хотираси ниҳоятда тийрак. Бир сўзли. Гапнинг фақат бўладиганини гапиради. Ҳар бир ишни пухта, аниқ бажаради. Режалари ҳам бекаму-кўст, аввал-бошдан миридан-сиригача пишиқ ўйланган. Худди шахматдагидек. Ортиқча нарсага, кераксиз ҳиссиёту бефойда майлларга ўрин йўқ.

Улуғбек аканинг тоғалари Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар фидойи маърифатчилардан бўлган.

Халқимизнинг ўтмишини чуқур ўрганган ва келажакда нурли кунлар келишига қаттиқ ишонган шоир Элбек ўғлига яхши ният билан Улуғбек деб исм қўйган эди. Балки ҳозир кенг оммалашиб кетган бу исм 20-йилларда ягона бўлган бўлса ажаб эмас...

Улуғбек аканинг болалик йилларида меҳмондўст, қўли очиқ, бағри кенг шоирнинг уйидан дўстлар аримасди. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ғози Юнус, кейинчалик Усмон Носир ва бошқа улуғ сиймолар... Айниқса, пойтахт Самарқандда бўлган йилларда — 1929 йилда шаҳар атрофидаги боғларида ҳар куни гавжум ўтадиган дўстлар гурунги Улуғбек аканинг қалбига нақшланиб қолган. Фитрат домла, машҳур ҳофиз Домла Ҳалим Ибодов, Мутавакил Бурҳонов, амир Олимхоннинг қизиқчиси иштирокида ўтадиган мароқли суҳбатлар...: Табиатан серзавқ, донишманд одам бўлган Фитрат ҳар келганида дўстлари билан шахмат ўйнар экан. Улуғбек ака машҳур аллома ўйинларин томоша қилиб ўтириб дона суришни ўрганганидан ҳамиша фахрланиб юради. 1935-36 йилларда эса Тошкентда шоир Уйғундан ҳам анчагина шахмат сабоғини олди. Булар беиз кетмади. У 1937 йилда Тошкент шаҳрида ўсмирлар орасида ўтказилган мусобақада ғолиб бўлди. 1939 йилда эса республика чемпионатида 2-ўринни эгаллади.

Ҳаёт бир текис кечмайди. 1937 йилги машъум воқеалар Улуғбек ака тақдирида кескин бурилиш ясади. Ноҳақ қамалган отаси Элбекнинг доғи унинг қалбини бир умрга мажруҳ қилиб қўйди. «Осмон узоқ, ер қаттиқ» деганларидек, кўникишдан бошқа илож йўқ. Улуғбек акага шу йилларда бевосита тазйиқ бўлмаса ҳам, лекин «халқ душманининг ўғли» деган тамға уни зимдан таъқиб этиб келди. Уруш йилларида тенгқурлари қаторида армияга олишмади, комсомол сафига қабул қилишмади. Низомий номидаги Педагогика институтини битирган пайтда эса икки кафедра ишга таклиф этганига қарамай, олий илм гоҳ раҳбарлари уни олисроқ вилоятга юборишга ҳаракат қилди... Ана шундай қалтис пайтларда Улуғбек акага шахмат мадад бергани шубҳасиз. У эллигинчи йилларда ўрта мактабларда ўқитувчилик, сўнг директорлик қилар экан (Улуғбек ака 33 йил бир жойда — Ўрта Осиё темирйўл мактабида директор лавозимида ишлаб келмоқда, қадимий санъат — донишмандлик ўйинини асло тарк этмади. Тинимсиз машқ қилиб, маҳоратини ошириб борди. Алёхин, Ласкер, Ботвинник, Карпов каби шахмат даҳолари китобларидан сабоқ олиш учун вақти ва меҳнатини аямади. У 1955 йилда шахмат бўйича мастерликка номзод бўлди. 1955—57-йилларда Ўзбекистон шахмат федерациясига раислик қилди. Ҳозир ҳам шу обрўли жамиятнинг фаол аъзоси. 1978 йилдан «Правда Востока» газетасида шахмат бўлими мудири. Ўзбекистон ва собиқ СССР чемпионатларида кўп марта қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келди. Юзлаб муносиб шахматчи шогирдлар етиштирди... Буларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил ёзилса, талайгина қоғоз тўлдиришга тўғри келади. Гапни мухтасар қилсак, Улуғбек ака жумҳуриятимизда шахмат тарғиботчиси ва ташкилотчиси сифатида катта ишлар қилди. «Отамнинг номи ва шеърлари тилга олинмаган пайтларда шахмат орқали Элбеков фамилияси газета ва журналлар саҳифасидан тушмай келди. Шунинг ўзи менга тасалли ва руҳий мадад берарди», деб фахрланиб гапиради у. Бу кишининг қалбида шахматга ва адабиётга муҳаббат бирдек жой олган. У болалигидан бошлаб шеъриятга ошно бўлиб ўсди...

Улуғбек аканинг мураббий сифатидаги меҳнатлари муносиб тақдирланган. У «Халқ маорифи аълочиси» фахрий унвонига эга. Яқинда эса жумҳуриятимизда шахмат санъатини ривожлантиришдаги муносиб хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди...

Тиниб-тинчимас, толмас, ташаббускор Улуғбек Элбеков ҳозир янги ижодий режалар билан банд. У Ўзбекистон шахмати тарихидан лавҳалар ёзиб, шу орқали ёшларда бу кўҳна санъатга муҳаббат уйғотиш ниятида. Шунингдек, энг эзгу армони — Элбекнинг асарларини чоп этишга кўмаклашиш, тезроқ уни китобхонларга етказиш иштиёқи уни доим фаолиятга, ижодга чорлаб туради. Ҳалол меҳнати билан эл ардоғига сазовор бўлган моҳир шахматчи ва меҳрибон мураббий Улуғбек акани 70 ёшлик тўйи билан муборакбод этар эканмиз, эзгу тилакларининг барчаси қувонч билан амалга ошсин, деб яхши тилак билдирамиз. Доим соғ бўлинг, умрингиз узоқ бўлсин, қадрли устоз!

Шогирдлар ва мухлислар номидан, ҳурмат ва эҳтиром билан:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

«МЕРОС» ХИВАДА

Яқинда Хива шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси маданият, оммавий ахборот ва туризм мажмуининг тарихий-маданий меросимизни авайлаб асраш ва тиклаш масалаларига бағишланган навбатдаги қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлик Кенгашининг 1991 йил 27 мартда «Маданий меросни, миллий маросимларни ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилиш давлат дастури тўғрисида. Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлашнинг маблағ манбааларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш ҳақида»ги қарорининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида бажарилиши ҳар тарафлама чуқур муҳокама қилинди.

Хоразм вилоятининг ҳокими М. Жуманиёзов раислигида ўтган бу йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Юсупова, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят, шаҳар ва туманларнинг бош меъморлари, маданият бошқармаларининг бошлиқлари, ўлкашунослик музейларининг директорлари, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг маҳаллий кенгашлари раис муовинлари, маданият жамғармаларининг, журналистлар уюшмаларининг, саёҳат ва экскурсия кенгашларининг, хорижий саёҳат уюшмаларининг раислари, шунингдек, бошқа ташкилотлар мутахасислари иштирок этдилар.

Мажлисда Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари М. Жуманиёзов, Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазири Б. Нурматовнинг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида «Маданий меросга муносабатини тубдан яхшилаш чоралари ҳақида»ги маърузалари тингланди. Маърузалар юзасидан музокараларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Миллатлараро муносабат, тил ва маданият қўмитасининг раиси П. Қодиров, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи З. Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси Р. Шоғуломов, Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институтининг директори А. Қаюмов, Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясининг раиси Х. Жўраев, Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш республика жамиятининг раис ўринбосари У. Рустамов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Маърузачилар ва сўзга чиққан ўртоқлар «Мерос» давлат дастури доирасида муҳокама қилинаётган масалаларнинг ўта муҳимлиги, илмий ва амалий аҳамиятга моликлиги ҳақида гапирдилар. «Маданий меросни сақлаш ҳақида»ги янги қонуннинг қабул қилинишини жадаллаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича 2000 йилгача мўлжалланган махсус «Мерос» программасини ишлаб чиқиш, давлат муҳофазасига олинган маданий, хусусан, археологик ёдгорликлар жойлашган заминларнинг муҳофаза ҳудудларини аниқлаш, таъмирлаш ташкилотининг аҳволини яхшилаш, диний жамоалар тасарруфига олинган меъморий ёдгорликларни таъмирлашда ўзбошимчаликка йўл қўймаслик, турли даврларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий-маданий мерос намуналарини жой-жойига қайтариш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Мажлисда «Ичон қалъа» музей-қўриқхонасини комплекс таъмирлашнинг икки йиллик аниқ иш режасини тузиш, Маъмун академиясининг 1000 йиллигини ЮНЕСКО иштирокида ўтказиш, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм воҳасига тааллуқли тарихий, маданий-маърифий, бадиий асарларни тўплаш, илмий ўрганиш, нашрга тайёрлаш мақсадида Хоразмда Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институтининг филиалини очиш ва шунга ўхшаш бошқа масалалар билан боғлиқ таклифлар қўллаб-қувватланди ва уларни амалга ошириш тадбирлари белгилаб олинди. Шунингдек, матбуот, телевидение ва радио орқали ёдгорликларни кенг тарғиб қилиш, ёдгорликларга бағишланган китобларни кўплаб чоп этиш, адабиёт ва ўлкашунослик музейлари фаолиятини жонлантириш, тил ҳақидаги Давлат қонунининг бажарилишини таъминлаш, туризмни маданий меросни сақлаш билан боғлиқ харажат манбааларидан бирига айлантириш каби масалалар юзасидан фикрлашилди. Маданий меросни асраш борасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида ҳам сўз борди, қилинадиган ишларнинг аниқ режалари белгиланди.

Қўшма мажлисда Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов муҳокамага якун ясаб, мажлис Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида маданий меросга, уни авайлаб асрашга, миллий урф-одатларни ўрганишга, ўлкашуносликни янги босқичга кўтаришга, тил ҳақидаги Давлат қонунининг бажарилишини таъминлашга қўшиладиган аниқ ҳисса бўлади, деб умид билдирди.

ОЗОДЛИК ОБИДАСИ ҚАЧОН ЎРНАТИЛАДИ?

Мустақиллик майдонида тикланажак Озодлик обидаси қандай бўлиши керак? Мана, сал кам бир йил бўлаяптики, кўплаб меъмору рассомлар, муҳандислар шу мўътабар иш устида изланмоқдалар. Уларнинг аксарияти аллақачон конкурсга ўз лойиҳаларини ҳам тақдим этдилар. Муҳокамалар шуни кўрсатдики, ҳур диёримизнинг Озодлик обидасидек муҳташам ва улуғвор иншоотни шошилинч яратиб бўлмас экан. У ўзининг маҳобати, рамзийлиги, моҳияти билан жафокаш халқимизнинг армонлари, эзгу-умидларининг ҳам ёрқин тимсоли бўлиши керак.

Яқинда мустақиллигимизга бир йил тўлади. Хўш, бу қутлуғ байрамни Озодлик обидасисиз нишонлаймизми? Жумҳурият ҳукумати меъморлар ва мутахассислар билан кенгашиб Мустақиллик майдонида асосий иншоот тайёр бўлгунга қадар (бунга тахминан тўрт йилча вақт зарур) вақтинчалик кичик меъморий обида ўрнатишга қарор қилди. У шу чоққа қадар бош майдонда қўли олис ва мавҳум келажакни кўрсатиб турган сиймонинг собиқ ҳайкали ўрнида қад кўтаради. Яқинда таниқли меъморларимиз Собир Одилов ва Фарҳод Турсуновлар ўзларининг лойиҳа ечимларини муҳокамага қўйдилар. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам улкан Ер шарининг рамзи ва унда Ўзбекистон харитаси жой олган бўлиб, меъморий шакл ана шу Ер шарининг шоҳсупада қандай жойлаштирилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Муаллифлар ўз режаларини асослаб шарнинг олтин ранг титан ёки махсус алюминдан ишланиши мумкинлигини айтдилар. Шоҳсупанинг майдонга қараган олд томонида Ўзбекистон тамғаси (герби) ва ва Мустақиллик эълон қилингани ҳақидаги Фармон сўзлари ёзиб қўйилади.

Муҳокамада тақдим этилган лойиҳалар юзасидан архитекторлар Ҳ. Ашрафий ва Б. Усмонов, Тошкент шаҳрининг бош меъмори М. Расулов, Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини эксперименталь лойиҳалаш институти директори Ҳ. Асомов, таниқли рассом Б. Жалолов, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ. Асқаров ва бошқа мутахассислар фикр билдиришди. Лойиҳаларнинг ютуқ ва камчиликлари, уларни мукаммаллаштириш юзасидан қимматли таклифлар айтилди. Хусусан, ҳар икки лойиҳани бир-бирига уйғунлаштириб, ҳамкорликда ягона лойиҳа яратиш таклиф қилинди. Албатта, бу обида муваққат бўлишидан қатъий назар унга катта талаб қўйилмоқда. У ўз маҳобатига кўра ҳажман кичикроқ бўлса-да, ҳур Ўзбекистоннинг рамзларини кенгроқ қамраб олиши керак. У келгуси тарих мулки бўлиб, пойтахтимизда яна бир муносиб ўрнини топажак. Демак, мустақиллик кунига қадар ўрнатилажак ёдгорлик ҳайкалтарош ва рассомларни асосий обидани яратишда шошма-шошарлик қилишдан қутқаради.

Муҳокамани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов олиб борди. Унда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров иштирок этишди.

БИЛДИРИШ

30 июн куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси биносида (Туроб Тўла кўчаси, 1-уй) Ўзбекистон халқ рассоми Лутфулла Абдуллаевнинг Абдулла Қодирий асарларига ишлаган суратлари кўргазмаси очилади. Барча қизиққан ўртоқлар таклиф этиладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ ИЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ (ШАҲАР) ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992—1993 ўқув йили учун кундузги бўлимга қуйидаги ихтисослар бўйича биринчи курсга талабалар қабул қилади.

— Тўқимачилик ва енгил саноат иқтисоди ва бошқаруви;
— Тўқимачилик ва енгил саноат, маиший хизмат машиналари ва ускуналари;
— Табиий толалар ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналари;
— Табиий ва сунъий толалар тўқимачилиги;
— Ишлов бериш соҳасидаги ускуналар ва кимё технологияси;
— Тикувчилик маҳсулотларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш технологияси;
— Теридан тайёрланадиган маҳсулотларни ясаш технологияси;
— Матбаа ишлаб чиқариш технологияси.

АНДИЖОН ШАҲАР БЎЛИМИГА:

— Газламалар ва трикотаж технологияси;
— Теридан тайёрланадиган маҳсулотларни ясаш технологияси;
— Тикувчилик маҳсулотларини ясаш технологияси;
— Ишлов бериш ускуналари ва кимё технологияси.

Кундузги бўлимга қабул тажриба тариқасида республика марказининг абитуриентлари тест орқали қабул қилиш тартиблари асосида ўтказилади. Тест асосида қабул қилиш муддати:

— ҲУЖЖАТЛАР 25 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
— СИНОВ 5 АВГУСТДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Олий билимгоҳга абитуриентлар ўқишга Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги давлат комиссиясининг қарорига биноан қабул қилинадилар.

Ўқишга Ўзбекистон республикаси ва бошқа МДҲлар, шунингдек, давлат корхоналари билан тузилган шартномаларга асосан юборилганлар олий билимгоҳга келишилган тартибда қабул қилинади.

Шартномалар асосида қабул қилишда Ўзбекистон республикаси олий ўқув юртларига 1992 йил учун қабул қилиш тартибларига амал қилинади.

Шартномалар асосида олий билимгоҳга, шунингдек унинг Андижон шаҳридаги бўлимига ариза ва ҳужжатлар:

25 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
— ИМТИҲОНЛАР 11 АВГУСТДАН БОШЛАНАДИ.
— ҚАБУЛ МУДДАТИ 22 АВГУСТГАЧА.
ОЛИЙ БИЛИМГОҲГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

— Ўрта ёки олий маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси);
— Тиббий справка (№ 086/У);
— 3×4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Шартнома асосида кирувчилар келишилган нусхадаги шартномани топширадилар.

Ҳарбий хизматга алоқадорлиги хусусидаги ҳужжат ва паспорт шахсан кўрсатилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ШАРТНОМА АСОСИДА КИРУВЧИЛАР 3 ТА КИРИШ ИМТИҲОНИНИ ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ТОПШИРАДИЛАР:

— Ишлов бериш технологияси ва ускуналари, матбаа ишлаб-чиқариш технологияси мутахассислиги бўйича химиядан (ёзма),
— математикадан (ёзма),
— Ўзбек ёки рус тилидан (ишо).

Химия ва математика мутахассислик бўйича асосий имтиҳонлардан ҳисобланади.

БОШҚА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР:

математикадан (ёзма), физикадан (ёзма), ўзбек ёки рус тилидан (ишо) топширадилар.

Математика ва физика мутахассислик бўйича асосий имтиҳонлар ҳисобланади. Кириш имтиҳонлари «5», «4», «3», «2» баллари билан беш балли тартибда баҳоланади.

ЎРТА МАКТАБНИ ОЛТИН, КУМУШ НИШОНИ БИЛАН ТУГАТГАН ЁКИ ЎРТА МАХСУС ВА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИНИ ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМЛАР БИЛАН ТАМОМЛАГАНЛАР ТАНЛАГАН ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА БИТТА ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

Ишлов бериш ва унинг технологияси, матбаа ишлаб чиқариш технологияси мутахассислиги бўйича химиядан (ёзма);
бошқа мутахассисликлар бўйича математикадан (ёзма);
Имтиҳонларни «аъло» баҳога топширганлар, қолган имтиҳонлардан озод этилади.
Қониқарли баҳоларга топширганлар эса қолган имтиҳонларни ҳам топширишлари шарт.
Ўрта мактаб таълими қошидаги ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатганларга юқорида кайд этилган шартлар фақат танланган мутахассислик ўзи эга бўлган касбга мос келгандагина қўлланади.
Олий билимгоҳга шартномага кўра қабул умумий танлов асосида ўтказилиб, кириш имтиҳонларидан тўпланган баллар ҳисобига олинади.
Тайёрлов бўлимини тугатганлар учун қабул тартиби ҳам худди шундай бўлиб, жамланган бал асосий мезон саналади.
Қўшимча маълумотларни қабул комиссиясидан олиш мумкин.

ОЛИЙ БИЛИМГОҲ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ЖОЙЛАШГАН:

700100, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5.
4, 7, 24, 28-трамвайларнинг,
2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг,
2, 45, 60-автобусларнинг
«Соцгородок» бекати
11-троллейбуснинг;
32, 77, 173-автобусларнинг
«Тўқимачилик олий билимгоҳи» бекати.

АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ БЎЛИМ МАНЗИЛГОҲИ:
710019, Андижон шаҳри, Бобур кўчаси, 39«а».

АВТОСЕРВИС УЧУН ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ СОТАМИЗ:



«ЭЛДИС-1010», «ЭЛДИС-1200» МУВОЗАНАТЛАШ ДАСТГОҲЛАРИ;

КУТАРГИЧЛАР;

ҒИЛДИРАКЛАРНИНГ ЖОЙЛАШУВИНИ РОСТЛОВЧИ СТЕНД;
ШИНАЛАРНИ ЙИҒИШ ВА АЖРАТИШ;
ЧИРОҚЛАРНИ РОСТЛАШ;
ЭЛЕКТР ВУЛКАНИЗАТОР;
ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР УЧУН МАХСУС АСБОБЛАР ТУПЛАМИ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 118-уй, 607-хона. Телефон: 34-25-81.

Тошкент шаҳар ҳокимияти қарорига асосан Яккасарой тумани Қушбеги, Бошлиқ мавзеълари ва Ўрта Осиё темирйўлининг 2-Вагон депоси ҳудудида ер ажратилиб, шу жамоалар томонида жоме-масжид қурилиши бошлаб юборилди.

Қурилишга савоб тариқасида ҳисса қўшишни истаган мусулмонлар ва ташкилотлар қуйидаги ҳисоб рақамига маблағ ўтказишлари мумкин.

ҲИСОБ РАҚАМИМИЗ: 000644904 МФО 172682306

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани ПСБ

Ўзбекистон маданият ёдгорликларини сақлаш бош бошқармаси жамоаси Ойбек уй-музейи директори Ўткир Ёрмуҳамедовга волидаи муҳтарамаси

Ақида ИСМОИЛ қизи

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси жамоаси Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академиясининг Президенти Тошпўлат Тожиддиновга умр йўлдоши

Замирахон САНАҚУЛОВА

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик ва таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, М. Уйғур номидаги Санъат институти доценти А. Сайфутдиновга акаси

Қодир ЭШОНБОЕВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Авиасозлар маданият саройи қошидаги «Паровоз» ансамбли жамоаси шу ансамбл солисти Соат Шариповга онаси

Тўлиш ШАРИПОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Деҳқонбой ЖАЛИЛОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик ва таъзия изҳор қилади.

Саид АҲМАД

БЕБОШ ҚАЛАМНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ТУРСУНБОЙНИНГ ОЛТИН КОНИ

Абдулла Қаҳҳорнинг боғига Турсунбой деган бир паҳлавон йигит тез-тез келиб турарди. У боғда гулларнинг тагини чопар, ўт юлар, дарахтларни суғорарди. Абдулла ака ундан пулни аямасди. Кибриё опа ўтин ёрдириб, дарахтларнинг қуриган шохларини кестириб Абдулла акага билдирмай пул берарди. Абдулла ака ҳам унга машина ювдириб Кибриё опага билдирмай чўнтагига пул солиб қўярди. Турсунбой кетар чоғида Абдулла ака, қани Кибриё, Турсунбойнинг меҳнат ҳақини беринг, деб яна икки киши номидан пул беришарди.

Бир куни боққа Ҳабиб Абдуллаев, Халил Раҳматуллин, Муҳаммаджон Ўрозбоев ва Хадича Сулаймоновалар малинахўрликка келишди. Дастурхон тўкин. Ҳабиб ака Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари тўғрисида, олтин ҳам, жез ҳам, нефть ҳам истаганча топилишини гапириб ўтирарди.

Шу пайт боғ этагида ўт юлаётган Турсунбой дарахт панасига келиб Абдулла акани имлаб чақирди. Абдулла ака нима гапи бор экан, деб ёнига борди. Турсунбой уни етаклаб боғ этагига бошлади. Ниманидир астойдил ҳаяжонланиб гапирарди. Бироздан кейин Абдулла ака кулакула қайтиб келди.

— Нима гап, тинчликми? — деди Ўрозбоев.

— Турсунбой тушмагур олтин конини топибди. Эртага бориб иккламиз қазиб олайлик, деяпти. Ўзингиз қазиб олаверинг, менда олтин кўп, дедим.

Меҳмонлар бу содда, довдир одамнинг гапидан кулиб қўя қолишди.

Кечқурун Турсунбой юз-қўлини ювиб сўрига келиб ўтирди. Абдулла ака бояги гапни сўради. Турсунбой нима деганини эслолмади. Абдулла ака қанча айлантирса ҳам нима деганини билмади.

Олтин кони масаласи унинг калласига бир келиб қайтиб кетган эди. Абдулла ака ундан энди нима қилмоқчисиз, деб сўради.

— Қишлоққа бориб қариндош-уруғларни шилдим. Ҳамма жиянларимдан, тоғаю почаларимдан уч сўм-уч сўмдан олдим. Ҳозир белимда эллик етти сўлкавой бор. Белим бақувват пайтида Москвага бориб бир ўйнаб келмоқчиман. Ўшанақаси Наманганга ҳам ўтиб келаман, — деди Турсунбой.

Абдулла ака унга ҳазил қилди.

— Мен ҳам бирга борардиму пулим йўқ-да.

— Ташвишланманг, Абдулла ака, эллик етти сўм иккавимизга бемалол етади. Ортганига совға-саломлар оламиз. Вақтимиз бўлса Хрушчевни ҳам бирров кўриб чиқамиз. Ўзбекларнинг одамгарчилигини кўрсатиб қўяйлик.

Маслаҳат билан икковлари Москвага борадиган, ҳаражатларни Турсунбой кўтарадиган бўлди.

Эрталаб нонушта пайтида Абдулла ака, энди нима қиламиз, деб сўради. Турсунбой кеча нима тўғрида гаплашганини бутунлай унутган. У вокзалнинг орқасидаги касалхонага бориб, тоғасиғи кўриб келмоқчилигини айтди...

Абдулла ака оламдан ўтгандан кейин Турсунбой кўринмай кетди. Ким билади, у Хрушчев билан учрашдими, ўзбекнинг кимлигини кўрсатиб қўйдими, билолмадик.

ҚИЛИЧ КЕСОЛМАГАН БОШЛАР

Ғафур Ғулом Аҳмаджон заргар деган бир қадрдони билан боғ сайрига бориб, беш кун қолиб кетди. Ҳаёл билан бўлиб уйга тайинлаб кетиш эсларига келмабди.

Беш кундан кейин қайтиб келиб, уйга қандоқ киришни билмай, ўйланиб қолишди. Аҳмаджон ака кўчадаги автомат телефондан Ғафур аканинг уйига қўнғироқ қилди:

— Муҳаррам опа, ховотир олманг, Ғафур ака бизникида эдилар. Андижондан меҳмонлар келишган эди, қўзғолишнинг сира иложи бўлмади. Бугун албатта борадилар. Хотиним бечора меҳмон кутаман, деб чарчаб қолди.

Муҳаррам опа жавоб қилди:

— Хотининги́з сизни қидириб бизникига келганлар. Ҳозир ёнимда туриптилар. Трубкани берайми?

Аҳмаджон ака бўшашиб трубкани жойига илиб қўйди.

Иш чатоқ. Энди ҳеч қанақа баҳона ўтмайди.

— Аҳмаджон, — деди Ғафур ака. — Қўлга тушдик. Эгилган бошни қилич кесмайди. Айда кетдик.

Икки ўртоқ дастрўмолларини оқ байроқ қилиб эшикдан киришди.

— Таслим бўламиз, бир қошиқ қонимиздан кечинглар, — дея гуноҳ қилган ёш боладек ҳиқиллаб тураверишди.

Муҳаррам опанинг кечиришдан бошқа иложи қолмаган эди.

ҚАЙСИ ОЙБЕК?

Ойбек ака янги асар устида ишлаётганда жуда хаёлчан бўлиб қоларди. Бир марта кўришган одам билан, кўзи тушиб қолса, яна кўришаверарди.

Домла Союз деворий газетасининг 1 май сонида: «Ойбек янги романини тугатиш арафасида» деган ахборотни ўқиб туриб:

— Ойбек? Қайси Ойбек, обба ғўдайгане, — деб юборди.

Шундан кейин ҳуши ўзига келиб, деворий газетага, кечирасиз-да, деб, залга кириб кетди.

БЕЛИМДАН ЮҚОРИСИ ИШЛАМАЯПТИ

Союзда мажлис бўладиган эди. Ойбек билан Ғафур Ғулом учрашиб қолишди.

— Ғофир, — деди Ойбек. — Мажлисга кирасан-а? Бир кўп масалалар бор.

— Мазам йўқроқ, — деб баҳона қилди Ғафур Ғулом.

— Ия, нима бўлди, ўртоқ?

Ғафур ака чап кўкрагини кўрсатиб, шу ерим қаттиқ оғриб турипти, деди.

Бироздан кейин иккови яна учрашиб қолишди.

— Ғофир, мажлисга кирасан-а, бир кўп масалалар бор.

— Мазам йўқ, — деди Ғафур ака.

— Ия, нима бўлди, ўртоқ?

Ғафур ака аввал қайси кўкрагини кўрсатганини унутиб ўнг кўкрагини кўрсатди.

— Шу ерим жуда оғриб турипти.

— Боя чап кўкрагим оғрияпти дегандинг. Энди ўнг кўкрагингни кўрсатяпсан. Мени лақиллатяпсанми, ғўдайган.

Ғафур Ғулом дарров жавоб қилди.

— Э, оғайни, умуман белимдан юқориси мутлақо ишламай қўйди.

Ойбек аканинг унга раҳми келди.

— Ундоқ бўлса дарров уйингга бор. Шоферга айтаман, обориб қўяди.

Ғафур ака унга миннатдорчилик билдириб, машинага ўтирди-ю дўсти Аҳмаджон заргарнинг тўйига равона бўлди.

ЛУЧЧАК ШАФТОЛИ

Раҳим Бекниёз деган хоразмлик шоир умрида луччак шафтолини кўрмаган экан. Абдулла Қаҳҳорни кўргани боғига кирганда домла дастурхонга ялтираб турган бир сават луччак шафтоли қўйди.

— Ия, — деди Раҳим Бекниёз, — домла, бу шафтолиларнинг жуни қани?

Абдулла Қаҳҳор жавоб қилди:

— Раҳимжон укам, сиз келасиз, деб шафтолиларни Қибрайдаги сартарошхонага опчиқиб жунни қирдириб келдим.

— Раҳмат, раҳмат домла, бекорга овора бўпсиз-да, — деб миннатдорчилик билдирди Раҳим Бекниёз.

«КАЗБЕК» ТЕКИНГА ТУШДИ

Бугунги кунда халқ шоири бўлган бир ўртоғимиз Шайхзода домладан 200 сўм пул қарз олиб, бермай қочиб юрганди.

Домла пулдан кўнгил узолмай юрарди. Бир куни у Туроб Тўла билан учрашиб қолди.

— Бир иш бор, шоир афандим. Агар эпласангиз осонгина 150 сўм ишлаб оласиз. Бир шогирдимиз мендан 200 сўм пул қарз олган. Шу қарзни сизга 50 сўмга сотаман, оласизми?

— Инсоф қилинг, Шайх ака. Мирметир домла ўша шоирга қарз берган 500 сўм пулни менга уч сўмга сотдилар. Агар хўп десангиз, ўша икки юз сўмингизга икки сўм берай. Ундиролмасам нақд икки сўмга куйиб қолишим мумкин.

Шайхзода ўйланиб туриб қўлини силтади.

— Бўпти. Унмайдиган 198 сўмдан нақд икки сўм яхши. Бугун ўнг ёнбошим билан турган эканман, икки қадам босмасимдан икки сўм ишладим. Қани, чиқазинг шоир. Бир пачка «Казбек» текинга тушди.

ҚОВУН ТУШИРАЙ ДЕБМАН-КУ

Миртемир домла кейинги пайтларда яхши эшитмайдиган бўлиб қолгандилар. Туйғун деган шоир вафот қилган куни жанозага машинасиз борақолай, деб кўчадан такси тўхтатдим. Машинада домла Миртемир бир қучоқ гул кўтариб ўтиріптилар. Аввалига, китобхонлар билан учрашувдан келяптилар, деб ўйладим. Аммо ёнларидаги ўриндиқда бир коробка «Торт» билан тўрхалтада иккита конякни кўриб ҳайрон бўлдим.

— Йўл бўлсин, домла? — дедим.

— Туйғунникига. Союздан телефон қилиб соат иккида Туйғунникига келинг, дейишди Тўйга қуруқ бормай, деб магазиндан у-бу олдим.

— Домла, — дедим, — Туйғунникида тўй бўлаётгани йўқ. Бечора бандаликни бажо келтирипти. Пешин намозида жанозаси ўқилади.

— Ия, ия, оз бўлмаса қовун туширай депман-ку.

У шундай деб шофернинг елкасига қўлини қўйди.

— Бўтам, орқага қайт. Манавуларни уйга ташлаб, кейин борамиз.

Домла менга ўгрилиб:

— Жанозадан кейин бизникига келамиз. Иккавимиз манавуларни ичиб Туйғуннинг «поминка»сини ўтказамиз, — деди.

ҚАЙТИБ БЕРМАСАНГ ҲАМ МАЙЛИ

Туйғун союзимизда партком секретари эди. Ўша кезлари ёзувчилар кетма-кет қамалиб турган пайт. Собир Абдуллани «Алпомиш» пьесаси учун нари обориб, бери опкелиб турган эдилар. Собир ака ана олиб кетади, мана олиб кетади, деб кечаси кийимини ечмай, тайёр бўлиб, тиқ этса эшикка қулоқ солиб ётарди.

Союздан секретар ўрис хотин телефон қилиб эрталаб соат ўнга зудлик билан ўртоқ Туйғун Шукуржоновга учрашинг, деб хабар қилди.

Собир ака Саодат опа билан, бола-чақалари билан, кўришолмай қолсак хайр энди, деб халлослаганча союзга етиб келди. Қабулхонада бир соат ўтирди, икки соат ўтирди, уч соат ўтирди. Туйғун у ёққа ўтади, индамайди. Бу ёққа ўтади, индамайди. Охири, тоқати тоқ бўлган Собир Абдулла эшикни очиб қўрқа-писа ичкарига мўралади. Туйғун:

— Киравер, Собир. Бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўради ундан.

— Соат ўнга чақирган эканса. Нима гап, тинчликми? Очиғини айтавер, ҳаммасига тайёрман.

Туйғун унинг гапларига тушунмай ҳайрон эди.

— Айтавер, айтавер, нима гап?

Туйғун узоқ ўйлагандан кейин:

— Ҳа энди эсимга тушди. Рўзғорга пул қолмаяпти. 50 сўм қарз сўрамоқчи эдим. Шунга чақирдим. Ойлик чиққанда қайтариб бераман.

Собир ака севиниб кетди. Ёнидан бир даста пул олиб столга ташлади.

— Шу икки юз сўмнинг ҳаммаси сенга. Қайтиб бермасанг ҳам майли.

У шундай деди-ю тезроқ уйга бориб, бола-чақаларини тинчитиш учун хонадан ўқдек отилиб чиқиб кетди.

ЮР, ЮВАМИЗ

Урушнинг охирларида «Бадавлат келин» деган бир ҳикоям «Ёш Ленинчи» газетасида босилган эди. Ҳикояда урушдан қайтиб келиб уйланолмай юрган бир йигитнинг заёмдан 25 минг сўм пул ютгани ва шу пулга уйланиб олгани тасвирланган эди.

Ҳақиқатан ҳам ўша йилларда тирикчилик оғир, ҳамма нарса қиммат эди. Йигитлар тўйга пул тополмай осонгинаси шу, деб фронтдан уйланиб қайтишаётган эди.

Ўша ҳикоямни «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Совет воқелигимизга туҳмат, фаровон ҳаётимизни қоралаб кўрсатган» деб ёзишган эди.

Ўша куни редакция олдида ҳафа бўлиб турган эдим Ғафур ака келиб қолдилар. Аҳволимни кўриб, сенга нима бўлди, деб сўрадилар. Мен газетада уриб чиққанларини айтдим. Домла кулдилар.

— Бой тентаге. Шунга хафа бўлиб ўтирипсанми? Биласанми, 37-йилда мени уриб чиқмаган газета қолмаган. Ҳатто Қўйлиқдаги корейслар газетасида ҳам дўппослашган. Бу ҳам майли-я, Ачавотдаги лўлилар маҳалласида чиқадиган «Қизил Лўли» деворий газетасида ҳам «Ғафир Ғилом вараг народ» деб ёзган. Фельетон бўлмаган ҳофиз ҳофизми, газетда урилмаган ёзувчи ёзувчими. Айда, кетдик. Газетада урилганингни ювамиз.

Кечгача Ғафур ака билан юриб хафачилигим ёзилиб кетганини билмай қолибман.

МАЗА БИЛМАСЛИК ДАРДИ

Дилда дардинг бўлмаса
Сардафтаримни ковлама.
МАШРАБ.

Бир ошнам бор. Овқатнинг мазасини билмайди. Паловми, шовлами, шўрми, ширинми, нордонми, унга барибир. Ишқилиб, овқат бўлса бас.

Бир куни ундан, маза билмайсанку еган овқатингдан қандай роҳат қиласан, деб сўрадим.

— Таним роҳат қилганини ўзим билмаслигим мумкин. Ҳаёт учун мазанинг аҳамияти йўқ. Гап мазмунда. Қозонга гўшт тушганини, ёғу гурунч тушганини кўриб турсам, бўлди, бу масаллиқларнинг инсон ҳаёти учун қандоқ аҳамияти борлигини биламан.

— Шакар билан тузни қандоқ фарқ қиласан? — деб сўрайман ундан.

— Бу жуда осон нарса. Масалан столнинг бир томонига жичча туз, яна бир томонига жичча шакар сепиб қўяман. Пашша талагани шакар, пашша таламагани туз. Пашша талаганидан бир қошиғини чойга соламан, пашша таламаганини ярим қошиғини тўғралган помидорга сепаман.

Мана шунақа таъм билмайдиган одамнинг қўлига шеър тушиб қолса (худо бу кунлардан асрасин) нима бўларди?

Менимча мана бундоқ бўлади-ёв!

«Шеър энига, яъни горизонтал ўттиз беш ҳарфдан иборат (9 см). Юқоридан пастга, яъни вертикал 14 сатр (25 см). Еттита ўхшатиш (биттаси жонсиз нарсага, олтитаси жонли нарсага ўхшатилган). Тўртта муболаға (Иккитаси тоққа, биттаси боққа ва яна биттаси денгизга қиёсланган). Жонворлардан: булбул, товус ва фил. Булбул 35 грам, товус тўрт кг. Фил олти тонна. Жами: 600435 кг.

Чет сўзлардан форсча битта, арабча иккита, татарча битта, ўрисча битта, қорақалпоқча битта. Шеър охирида шоирнинг тахаллуси битта.

Қаранг. Бу шеър таҳлили эмас. Чайқовчининг уйи тинтилганда топилган буюмларга тузилган милиция акти.

Албатта инсон боласи учун маза билмаслик бир дард. Аммо адабий танқидчиликда маза билмаслик наинки дард, дард устига чиққан чипқон.

Шеър бу куй. Уни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Қани, ким «Муножот»ни сўз билан тушунтириб беради?

Шеър шоирнинг дилига ғойибдан тушган нур. Шу нур шоир юрагидан чиқиб шеърхоннинг юрагига кўчади. У мудраган ҳужайраларни уйғотади. Томирларини дутор ипидек таранг тортиб чертади. Йиғлатади, кулдиради. Бутун вужудингни аллақандай ҳузур, аллақандай майинлик, аллақандай ҳазинлик чулғаб олади. Шеър куй, шеър дард. У дилда айтилмай қолиб кетган армон...

Шеърни ўлчаб бўлмайди. Заргар торозига ҳожат йўқ. Шеър торози ўқувчи қалбида.

Гаранглар қўшиқ конкурсларида ҳакамлик қилса, сўқирлар рассомларга ранг танлашни ўргатса, ҳид билмаслар гулзор оралаб юрса, алам қилмайдими?

Муҳтарам ўқувчи, «мақола автори биринчи сатридан то охиригача ҳаммага отнинг калласидек таниқли танқидчига тош отибди», деб ўйламанг. Худо ҳаққи, бу гап хаёлимга ҳам келмаган. Агар бевош, тизгинсиз қаламим рухсат сўрамай қоғозга ёзиб қўйган бўлса, менда айб йўқ.

МАСАЛИ ГУРБА

Бир подшо мушугини силаб, тахтда мудраб ўтирган эди. Нариги пошшодан базмга таклиф қоғози келди. Пошшо шоша-пиша бошига тож кийиб, совғасини қўлтиқлаб йўлга тушди.

Базм чинакамига шоҳона бўлди. Саройни айтмайсизми, ҳашамлари кўзни оламан, дейди. Дастурхонда дунёнинг жами бурчидан олиб келинган ноз-неъматлар бор. Пошшо оёғига нимадир суйкалаётганини сезди. Энгашиб стол тагига қараса, мушуги. Жонивор пошшога эргашиб, изма-из келган экан. Пошшо биров сезмасин, деб икки этигини жуфтлаб мушукни беозор қисиб ўтираверди.

Қайтишда пошшо мушугидан сўради.

— Зиёфат зўр бўлди-а. Мен пошшо бўлатуриб бунақа меваларни кўрмагандим. Қалай, базм сенга ёқдими?

Мушук бош чайқади.

— Менга ёқмади. Шундоқ катта саройда битта ҳам сичқон йўқ экан.

ҚИССАДАН ҲИССА

Адабиётимиздан сичқон қидирадиганлар кўпайиб кетмадимикин?

УШБУ ҲИКОЯЛАР УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Севган ёзувчиларимиз тўғрисидаги бу бачкана ҳикоялар бизга ёқмади. Ҳикоялар сюжети Социалистик реализм методига асосланмаган.

Бир гуруҳ каттақўрғонликлар:
Турсунтош, Бўритош, Бектош, Эркатош, Назиртош, Турғунтош.

Ҳикоялар бизга маъқул. Устод ёзувчиларнинг шахсий ҳаётлари билан бир оз бўлса-да танишдик. Раҳмат.

Редакция ушбу ҳикояларга бозор иқтисодиёти муносабати билан эркин баҳода қалам ҳақи тўлашларини истаймиз.

Бир гуруҳ жиззахликлар:
Авлиёқул, Назирқул, Тўрақул, Раҳмонқул ва Мустафоқул.

Буюк шахслар тўғрисида ҳужжатли ҳикоялар йўқ ҳисобида эди. Энди биз бошимизни мағрур кўтариб «БОР» дея оламиз. Бу ҳикояларда ўзига яраша нуқсонлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо у шу нуқсонлари билан ҳам қимматли ва эъзозлидир.

Бир гуруҳ наманганликлар:
Эгамбердихон, Маматхон, Ҳафизхон, Ҳабибхон, Бойдадахон ва Боймирзахон.

Қўшни наманганлик газетхонлар фикрига қўшиламиз. Ва шу билан бирга ҳикоячалар муаллифига қатъий давлат баҳосида бир дона «ГАЗ-31» машинаси берилишини талаб қиламиз.

Бир гуруҳ андижонликлар:
Ғупроминддин, Ғуломиддин, Зайнобиддин, Исоминддин, Салойиддин, Имониддин, Мўйдин.

Гурба — мушук.



Рассом И. ЖИЯНОВ

НОШУКУР

У ялпайиб ўтирганича тинмай писта чақиб пўчоғини атрофига сочар ва жаврарди. Ёнида ўн уч ёшлардаги ўғли индамайгина футбол кўрарди.

— Аҳмоқлар, эси йўқлар! Қаранг-а, шунча одам шунча пулни йиғиб бировга мошийна, бировга матасекл олиб берса-я. Е тавбангдан кетай, шуларга йигирма тийин бер дегинчи ботинкасининг боғичини раво кўрармикин, ҳечам бермайди. Ҳозир бўлса ҳаммасининг қўлида ўн беш-йигирматадан лоторея. Мен биттаям олмадим, ажаб қилдим. Охирида уларнинг қандай қилиб лотореяларини йиртиб сўкинишларини томоша қилиб, мазза қиламан, ҳе-ҳе-ҳе. Гўлми? Ким урди? Вой занғар-ей, ёмон зўр ўйнаракан-а? Пистадан ол, ҳе жавдирашингни қара-ю. Сен билан мен ҳақиқий ишқибозмиз. Қолганлар шахсий манфаатларини ўйлаб текин бойлик орттириш мақсадида, яъни лоторея ўйнаб мошийна ютиб олиш мақсадида келишган. Аҳмоқлар.

Шу пайт стадион радиоузелидан ютуқлар чиққан лотореялар рақамларини эълон қила бошлади.

— Дада, гилам ютдик, — деди ўғли ҳовлиқиб.

— А?! Ваҳ-ваҳ-ваҳ. Вой зумраша-ей, қаердан олдинг лотореяни, пулинг йўқ эди-ку?

— Аям жияк' келтир деб берувдилар.

— Вой аянгдан айланай, айтиб қўй ҳар ҳафта жиякка пул бериб турсин. Ана бунга ютуқ дейишади, маладес отаўғил, маладес, қандингни ур, шакарига ман қарздор.

Яна ютуқлар эълон қилина бошлади. Унинг ўнг ёнида ўтирган ёшгина йигит «Москвич» машинаси ютди.

— Ҳе падарингга лаънат, сан болани. Ютуқ чиқадиган лотореяни биларкансан машийна ютадиганини олсанг ўлармидинг, мияси йўқ. Бер буёққа лотореяни.

У ҳўмрайганича тўнғиллаб-тўнғиллаб ўғлига ҳам қарамай ютуқни олгани жўнади.

Ҳайитбой ЭРГАШЕВ

ҲАЖВИЙ ҚАТРАЛАР

ТОПИШМОҚ

Корхонани кўриш учун нақ пойтахтдан текширувчи келди. Уни айлантиришди, овқатлантиришди, кулдиришди... хуллас, мамнун қилишди.

Кетар экан, текширувчи «қани, дўконларингизни ҳам бир кўрайлик. Марказда йўқ нарсалар одатда четда топилади», деди маъноли қилиб.

Дўконларни кўрсатишди. Кийимлар бўлимида икки минг тўрт юз олтмиш сўм турадиган костюмга харидор бўлди.

Текширилувчи текширувчи атрофида парвона бўлиб, костюмнинг чанг-чунгини қоқиб меҳмонга кийдирди. Атайлаб тикилгандек эди!

Текширувчи ёнини «кавлади». Текширилувчи жонжаҳди билан унинг қўлига ёпишди, пул чиқазишга қўймади: «Қўйинг энди, уят бўлади».

Текширувчи: «Кишини хижолатга қўйдингиз-ку! Биз томонларга борганингизда мен ҳам шундай қиламан», деди астойдил хижолат чеккандек.

Текширилувчи пулни тўлагач, отаси бандачилик қилиб узолмай кетган қарздан қутулгандек енгил тортди.

Энди айтинг-чи, бу порами ёки пора эмасми?

ИЛГАРИ ВА ҲОЗИР

Озодликда эканида у кўп кишиларнинг тақдирини ҳал этадиган идоранинг мутасаддиси эди.

Унга олиб келишарди. Гоҳ қутида, гоҳ ўрами билан. Баъзан эса уйига ташлаб кетишарди.

Унга ҳозир ҳам олиб келишмоқда. Лекин энди фақат назоратчининг рухсати билан.

Ҳўжамурод ТОШТЕМИРОВ

Рассом С. МИРЗАЕВ

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо ҚЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

Навбатчи муҳаррир — Ё. ХУЖАМБЕРДИЕВ
Босмахонага топшириш вақти 21.00. Топширилди — 20.35

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Буюртма № Г-135 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12